

**БАҲРОМ ЖАЛИЛОВ**

**ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ МАВЗУЛАРНИНГ  
БАДИЙ АДАБИЁТДАГИ ТАЛҚИНИ**

**Тошкент – 2010**

Китоб Андижон Давлат Университети илмий кенгаши  
томонидан нашрга тавсия этилган

**Такризчилар:** 1. Мирзаева С. – филология фанлари доктори

2. Тожибоева М.– филология фанлари номзоди

**Масъул**

**муҳаррир:** Хайруллоҳ Умурзоқ ўғли

Китобда Қуръони Карим илоҳий мўъжиза бўлиб, барча фанларнинг, жумладан, адабиёт фанининг ҳам асоси эканлиги очиқ берилган. Китобда Қуръондаги адабиёт назариясига оид маълумотлар, Қуръонда номлари зикр этилган пайғамбарларнинг бадиий адабиётдаги талқини, Қуръоний ғояларнинг мумтоз адабиёт вакиллари ижодига таъсири, жаннатдаги хурлар ва бадиий адабиётдаги гўзаллар тасвири каби масалалар қаламга олинган.

Китоб адабиёт муаллимлари, филология факультети талабалари, адабиёт ихлосмандларига мўлжаллаб ёзилган.

## Қуръон – илоҳий мўъжиза

Бисмиллаҳир роҳмонир роҳийм.

Оллоҳ инояти билан пайғамбар ёшига етдим. Бутун умрим давомида жуда кўп бадий, илмий китоблар ўқидим. Шахсий кутубхонамда бир дунё китоб бор. Булардан ташқари, Андижон, Тошкент, Москва шаҳарларидаги марказий кутубхоналардаги китоблар билан танишдим. Турли «изм»ларга оид, турли таълимотларга оид китобларни кўрдим. Истиқлолгача ёзган китобларимда, мақолаларимда, маърузаларимда ана шу ғояларни тарғиб этдим.

Истиқлол берган неъматлардан бири диний-маърифий китобларни ўқиш, ўрганишга берилган имкониятдир. Истиқлолдан сўнг Абдулазиз Мансур, Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфлар томонидан қилинган Қуръони Карим маънолари таржималари, тафсиллари билан танишиб, шунга имон келтирдимки, шу давргача ўқиган китобларим ичида энг буюги Каломуллоҳдир.

Не-не буюк деб қаралган китоблар давр шиддатига, сиёсатлар зуғумига дош беролмай бугун кун тартибидан тушди. Аммо мана XIV асрдан ортиқ вақт ўтаётган бўлса-да, илоҳий мўъжиза – Қуръони Каримнинг оятларида келтирилган маълумотларда бирорта хато жумла топилгани йўқ, топилмайди ҳам. Фалакиёт, коинот, ҳайвонот, наботот, илоҳиёт ва табобатга доир оятларнинг нақадар тўғри ифода этилгани кун сайин ўз тасдиғини топмоқда.

Биз ўқиган барча китобларни инсонлар яратган бўлса, Қуръон Оллоҳ каломидир. Пайғамбаримиз уқтирганидек: **«Каломуллоҳнинг бошқа каломлардан фазли Оллоҳ таолонинг махлуқотларидан фазличадир».**

Исро сурасининг 9-оятида айтилганидек: **«Албатта, бу Қуръон энг тўғри йўлга ҳидоят қилур ва яхши амалларни қилувчи мўминларга, албатта, ўшаларга, улуғ ажр борлиги хушхабарини берур».**

Қуръони Карим бошқа диний китоблардан ҳам олий китобдир. Оллоҳнинг сўнги дини таълимоти бўлган Қуръон араб тилида нозил

этилди. Бу тил барча талабларга жавоб бера олади. Бошқа илоҳий китобларнинг асл нусхалари, асл тиллари қолмаган. Шунинг учун ҳам, ўша китобларнинг умматлари ўз китоблари, динлари ҳақида ихтилофга тушганлар. Улар китобларига ҳам, динларига ҳам ўзгартиришлар киритганлар. Қуръони Карим эса бир ҳарфи ҳам ўзгармай, собит ва абадий мўъжиза бўлиб турибди.

Зухруф сурасининг 4-оятда шундай дейилган: **Оллоҳ ўзи айтади: «Албатта, У ҳузуримдаги она китобдир, у олийдир, хикматлидир».**

Қуръони Карим оятларидаги ғоялар илоҳий мўъжизалардир. Зумар сурасининг 6-оятда: **«... У сизни оналарингиз қорнида уч зулмат ичида бир яратишдан кейин яна бошқа яратишга ўтказиб, аста яратадур»**, - дейилган. Тафсирчи уламолар уч зулматнинг бири ҳомилани ўраб турувчи парда, иккинчиси бачадон, учинчиси корин, деб жавоб берганлар. Замонавий мутахассис олимлар ўтказган текширишлар ҳомилани ўраб турувчи парда уч қават эканини исботладилар.

Анъом сурасининг 125-оятда: **«Кимки адаштиришни ирода этса, кўрсинки гўё осмонга кетаётгандек, тор ва сиқик қилиб қўяди»**, - дейилган. Бу оятдаги **«кўксини гўё осмонга кўтарилиб кетаётгандек, тор ва сиқик қилиб қўяди»**, деган жумла Қуръоннинг энг юксак илоҳий мўъжиза эканига далолатдир. Зеро, кўкка кўтарилган сари ҳавонинг сийраклашуви назарияси физика ва астрология фанида ҳали кашф этилмаган эди.

Рум сурасида VII асрнинг энг йирик давлатлари – Рум ва Форс ўртасида бошланган жангда Румнинг мағлубиятга учрагани, лекин яқин келажакда ғалабага эришиши ҳақида хабар берилган. Дарҳақиқат, 7 йилдан сўнг Қуръон хабари исботланиб, румликлар форслар устидан ғалаба қилди.

Муъмнун сурасининг 14-оятда шундай дейилган: **«Сўнгра (бу) манийни лаҳта қон қилиб яратдик, бас, лаҳта қонни парча гўшт қилиб яратдик, бас, парча гўштни суяклар қилиб яратиб, (бу) суякларга гўшт қопладик, сўнгра (унга) жон киритиб, олдинги холидан бутунлай бошқача бир вужуд пайдо қилдик. Яратувчиларнинг энг гўзали – Оллоҳ баракотидур».**

Оятдаги ҳомиланинг ривожланиш босқичлари айнан Қуръонда кўрсатилганидек эканини ҳозирги илмий кашфиётлар аниқ тасдиқламоқда.

Олам-олам диний, фалсафий, умуминсоний ғояларни ифодалаган Қуръони Карим барча фанларнинг асосидир. Билим ривожланган сари Қуръондан узоқлашиш эмас, аксинча, унга яқинлашиш, унинг мўъжизаларини кашф этиш кучая боради.

Ҳар қанча есалар ҳам жаннатнинг таоми тугамайди. Унинг дунёдаги ўхшаши Қуръони Каримдир. Уни инсонлар ҳар қанча ўргансалар ҳам бирор нарса камаймайди.

**«Қайси бир илмни олсак ҳам, илми ақоидми, илми фароизми, илми мантиқми, илми тасаввуфми ёки бошқа илмларми, барибир, уларнинг уламолари Қуръони Каримга тўймасликлари Қуръони Каримнинг ўзига хос бир неча илмларнинг пайдо бўлишига олиб келди».**<sup>1</sup>

Қуръон бошқа фанларнинг асоси бўлиб, улар билан зич алоқада бўлгани каби адабиёт фани билан ҳам мустаҳкам алоқададир. Аммо бу масала ўзбек адабиётшунослигида жуда кам ўрганилган. Ҳ.Кароматовнинг «Қуръон ва ўзбек адабиёти» номли китоби бу борадаги илк тадқиқотдир.

Н.Комилов, И.Ҳаққулнинг тасаввуф масаласига бағишланган китобларида бу масала умумий тарзда ўрганилган. Қуръоннинг адабиёт назариясига, мумтоз адабиётга таъсирини ўрганиш фақат диний нуқтаи назардан иборат бўлибгина қолмасдан, адабиёт назарияси, мумтоз адабиётнинг асл илдизларини очиш, унинг илдизлари жуда қадимги даврларга, хусусан, Қуръони Каримга боғлиқ эканини очишга ҳам хизмат қилади.

Қуръон ғояларини, Қуръоний мавзуларни билмай туриб, мумтоз адабиётни чинакам англаш мумкин эмас. Бу масалани ўрганишда фақат Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Ҳазиний каби тасаввуф адабиёти вакиллари ижоди билангина чекланмасдан, ҳар бир мумтоз адабиёт вакили ижодини ўрганиш зарур. Чунки мумтоз адабиёт вакиллари ижоди Қуръоний мавзулар билан зич боғлиқдир. Улар

---

<sup>1</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Тафсири Ҳилол», 6-жуз, Тошкент, «Шарк» нашриёти, 2008, 589-бет.

ижоди таҳлили Қуръони Карим оятлари тафсирлари билан боғлиқ ўрганилгандагина теран таҳлил юзага келади.

Билим ривожланган сари Қуръондан узоқлашиш эмас, аксинча, унга яқинлашиш кучая боради. Билим Оллоҳнинг инсонга берган буюк неъматларидан биридир. Инсоннинг билим ва тажрибаси нечоғлиқ мукамал бўлмасин, у Оллоҳ олдида ожиздир. Шунинг учун Қуръонга бўлган эҳтиёж ҳеч қачон сусаймайди.

Истиклолгача бўлган бадий адабиёт таҳлили унга асос бўлган исломий ғоялардан айрича бўлгани учун мукамал таҳлил бўла олмайди. Бу ҳол ўзбек адабиёти тадқиқотчиларининг бу масалани тушунмаганлигидан эмас, балки коммунистик мафкура тазйиқи туфайли юз берган.

Истиклол берган имкониятдан фойдаланиб, Қуръон ояти карималарининг адабиёт назариясига, бадий адабиётга таъсири масалаларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Ишимиздаги оятлар мазмуни, тафсирлари Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг олти жуздан иборат «Тафсири Ҳилол» ва «Ҳадис ва Ҳаёт» китобларидан олинди. Ўрни билан Абдулазиз Мансур томонидан қилинган Қуръон маънолари таржималари, тафсирлари китобига ҳам мурожаат этдик.

## Қуръони Каримда адабиёт назариясига оид маълумотлар

Қуръон барча фанларнинг асосини, ўзагини ўзида акс эттиргани каби унда адабиёт назариясига оид қимматли маълумотлар мавжуддир. Исро сурасининг 12-оятида Оллоҳ шундай деган: **«Барча нарсени батафсил баён қилиб қўйганмиз».**

Қуръон ва адабиёт масалалари ҳақида сўз кетганда, қуйидаги масалага эътибор бермоқ керак. Кўпгина илмий манбаларда Қуръон насрда нозил қилинган, деган фикр ётади. Қуръон назм ҳам эмас, наср ҳам эмас. Чунки бу тушунчалар бадий адабиётга нисбатан ишлатилади. Қуръон бадий адабиёт эмас. Бадий адабиётни шахс – инсон яратади. Қуръон бевосита Оллоҳнинг каломидир. Бунинг устига бадий адабиёт ижодкори ўз ғоявий ниятига кўра, бадий тўқима ишлатади. Қуръон бадий тўқимадан холидир.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф таъкидлаганидек: **«Қуръони Карим шеър эмас, наср эмас, у – Қуръондир»<sup>1</sup>.** Қуръони Карим илм ва ҳикматга тўла асардир. Намл сурасининг 6-оятида шундай дейилган: **«Албатта, сенга бу Қуръон ўта ҳикматли ва ўта илмли Зот томонидан берилур. Бу Қуръонни сенга йўллаётган Зот ўта ҳикматли Зотдир. У ҳар бир ишни ҳикмат ила қилади. У зот ўта илмли бўлгани учун ҳар бир ишни илм ила қилади. У Зотнинг илмга асосланмаган иши йўқдир. Жумладан, Қуръонни сенга тушириш ҳам илм билан боғлиқдир. Қуръоннинг ўзи ҳам илмларга тўладир».**

Қуръони Каримда шоир ва шеър ҳақида фикрлар мавжуд. Қуръонда Шуаро сураси мавжуд бўлиб, унда шоирларга муносабат акс этган. Бу сура Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбар эканликлари мутлақо тан олинмаган, қийинчилик даврида нозил этилган. Бу сура ўша қийин паллада нозил бўлгани учун ўша давр руҳини ҳам ўзида акс эттиради.

Қуръони Карим нозил бўлаётган даврда араблар ўзларининг сўз усталиклари билан фахрланар эдилар. Шоирлар, сўз усталари мўътабар шахслар ҳисобланардилар. Доимо шеърдан, ваъзхонликдан

---

<sup>1</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Тафсири Хилол», 6-жуз, Тошкент, «Шарк» нашриёти, 2008, 247-бет.

мусобақалар ўтказиб туриларди. Ҳатто шоирларнинг шеърлари Каъбаи Муаззама деворига осиб қўйиларди.

Суранинг 224, 225, 226-оятларида шундай фикрларни ўқиймиз: **«Ва шоирларга гумроҳлар эргашур. Уларнинг ҳар бир водийда дайдишини ва ўзлари қилмайдиган ишларни айтишини кўрмадингми?»**.

Бу оятлар пайғамбаримизни шоир, Қуръони Каримни шеър деганларга жавобдир. Инсоният тарихига назар солинса, ҳеч бир шоир пайғамбар бўлиб, кишиларни ҳидоятга бошламаган. Шоирларга биров эргашмайди. Эргашса ҳам, гумроҳ, йўлдан озганлар эргашади. Ундан кейин шоирларнинг собит шахсиятлари, ўз ҳаёт тарзлари ва шеър айтиш ишларида ҳеч субутлари йўқ. Шунинг учун ҳам:

«Уларнинг ҳар водийда дайдишини» кўрмадингми? – дейилмоқда.

Келгуси оятда мазкур васфлардан мустасно бўлган шоирлар ҳам борлиги таъкидланган. Суранинг 227-оятда шундай дейилган: **«Магар, имон келтириб, солиҳ амаллар қилганлар, Оллоҳни кўп зикр этганлар ва мазлум бўлганларидан кейин нусрат қозонганлар (ундай эмаслар). Зулм қилганлар эса, тезда қайси ағдарилиш жойига ағдарилишларини билурлар»**.

Ҳамма шоир ҳам ҳар водийда дайдидиган, беамал гапирадиган бўлавермас экан. Агар шоир имонли бўлса, яхши амаллар бажариб, Оллоҳни кўп эсга олса, ўзини хор қилмай, ҳаққини таниган, золимлар устидан ғолиб келадиган бўлса, яхши, Оллоҳнинг розилигини топган шоир бўлиши мумкин.

Шеър фақат фиску фужур, қандайдир казо-казоларнинг мақтови, базми-жамшидларнинг васфи, қандайдир маъшуканинг мадҳи, оҳ-воҳ ва дийдиёлар эмас, аксинча, шеър эзгулик, имон, ислом хизматчиси бўлиши зарур. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Албатта, шеърда ҳикмат бордир»**, - деганлар. Шеър орқали ҳикматли, имоний, исломий ва инсоний тушунчаларни кишиларга етказиш ўзига хос устунликка эгадир. Бунга пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам даврларини мисол қилиб олиш мумкин.

Ўша саодат даврида юқоридаги оятда васфлари келган имонли шоирларнинг биринчи авлоди яшаб ўтган.

Улуғ саҳобий Ҳассон ибн Собит уларнинг етакчиси эдилар. У киши билан бирга Каъб ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Равоҳа, Абдуллоҳ ибн Забъарий ва бошқалар бор эди. Оллоҳ таоло уларнинг барчасидан рози бўлсин.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абдурроҳман ибн Каъбдан, у киши ўз оталаридан қуйидаги ривоятни келтиради. У киши пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб:

Чунончи, ўрни келганда, мўмин-мусулмон шоирнинг шеъри ҳар қандай қуролнинг ўқидан ўткирроқ бўлиши мумкин. Асрлар давомида турли мусулмон халқлардан етук имонли шоирлар ҳам чиқиб тургани барчани қувонтиради.

Динга, диёнатга қарши золимлар эса: **«... тезда қайси ағдарилиш жойига ағдарилишини билурлар».**

Ёсин сурасининг 69-оятида шундай дейилган: **«Биз унга шеърни таълим берганимиз йўқ. Бу унинг учун тўғри келмас. У зикр ва очик-ойдин Қуръондан ўзга нарса эмас».**

Мушриклар пайғамбаримизни шоир, Қуръони Каримни шеър деганлар. Оллоҳ таоло ушбу оятда уларнинг бу даъволарига кескин жавоб бермоқда.

Сизлар шеър билан Қуръоннинг фарқига бора олмаяпсиз. Шеър ички кечинмаларни инсоннинг ўзи вазнга солиб, байт қилиб айтишдир, уни хоҳлаган инсон айтиши мумкин. Шеър турли бўлган-бўлмаган гапларни ҳам кўтараверади. Улар ҳақиқатни яхшилаб билиб олишлари лозимки, Қуръон Оллоҳ томонидан танлаб олинган етук банда Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган ваҳийдир. У Оллоҳнинг каломидир. Уни ҳеч ким ўзидан чиқариб айта олмайди. Шунинг учун пайғамбаримизни шоир дейишлик мумкин эмас.

Соффаат сурасининг 36-оятида шундай фикр бор: **«Ахир, биз бир жинни шоирни деб, ўз худоларимизни тарк қилгувчи бўлайликми?»** - дер эдилар.

Бу нобакорлар жаноби пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламни «жинни шоир» деб айтган эдилар. Шунинг учун ҳам қиёмат кунида хору зор бўлиб, жаҳаннамга тушадилар.

Бақара сурасининг 189-оятда шундай дейилган: «Сизлар (Эй, Мухаммад!) Хилоллар (янги ойлар) ҳақида сўрайдилар. Улар одамларга (йил ҳисоби) ва ҳаж учун вақт ўлчовларидир, - деб айтинг. Уйларга орқа томондан киришингиз яхшилик эмас, балки яхшилик тақво қилган одам (нинг яхшилиги) дир. Уйларга (уларнинг) эшикларидан киришгиз ва Оллоҳдан кўрқингиз, шояд (шунда охиратда) нажот топсангиз».

Бу ояти кариманинг Абдулазиз Мансур томонидан қилинган тафсирида шундай фикрлар бор: «Улар ойларнинг моҳияти, шакл ва шамойили ҳақида сўраб, пайғамбар илмини синамоқчи бўлдилар. Лекин Оллоҳ таоло уларга ойларнинг моҳияти ва тавсифи хусусида эмас, балки уларнинг вазифа ва фойдалари тўғрисида хабар беришни буюрди. Дарҳақиқат, шарият аҳкомларида шакл-шамойил эмас, балки мақсад ва ғояга эътибор бериш тавсия этилади»<sup>1</sup>.

Қуръони Каримдаги шакл-шамойил, мақсад ва ғоя тушунчалари фалсафадаги, адабиёт назариясидаги шакл ва мазмун категорияларини юзага келтирган. Бугунги фалсафа, адабиёт назариясида бу масала худди Қуръони Каримдаги талқинга мос баён қилинади. Бу икки категория бир-бирига боғлиқ бўлиб, бирисиз иккинчиси юзага чиқа олмайди. Айни чоғда, уларнинг муносабатида мазмун етакчилик қилади.

Алишер Навоий шакл ва мазмун муносабатини шундай баён қилган:

Назмда ҳам асл анга маъни дурур  
Бўлсин онинг сурати ҳар не дурур.

Назмки маъни анга марғуб эмас,  
Аҳли маони қошида хўб эмас.

Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,  
Зимнида маъни доғи дилкаш анга.

---

<sup>1</sup> «Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири», Тошкент, «Ислом Университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004 йил, 29-бет

Шеърятда унинг шакли қандай бўлса ҳам, мазмун етакчилик қилади. Навоий «Лайли ва Мажнун» достонида бу икки категория муносабатини шундай баён қилган:

Ёзмоқта бу ишқи жовидона  
Мақсудим эмас эди фасона.

Мазмунига бўлди руҳ майли  
Ки афсона эди анинг туфайли.

Шоир бу дostonни ёзар экан, афсона сўзлаб бериш мақсади эмаслигини, бу афсона воситасида XV аср ҳаётига оид мазмун айтмоқчи эканини айтмоқда. Бу ерда афсона шакл вазифасида келмоқда.

Қуръони Каримда **сюжет** муаммосига асос берадиган ўринлар мавжуддир. Бадиий асардаги муайян ғоявий мақсадга кўра персонажларнинг характерлари мантиқига мувофиқ ўзаро муносабати асосида юзага келувчи, узвий алоқада, ривожланишда бўлган, характер қирраларини очишга хизмат этувчи воқеалар занжири сюжет дейилади.

Адабиётшуносликда сюжет термини билан ёнма-ён фабула термини ҳам ишлатилади. Фабула реал ва ҳаётий фактлар занжири бўлиб, бадиий асар сюжети учун асос бўлиб хизмат қилади.

Қуръони Каримда берилган Юсуф, Нух, Сулаймон, Мусо алайҳиссаломлар ва бошқа пайғамбарлар ҳақидаги маълумотлар фабуладир. Ана шу фабула асосида «Юсуф ва Зулайҳо» дostonи, Рабғўзийнинг «Қиссаси Рабғўзий» китобидаги қиссалар сюжети юзага келган. Қуръондаги бундай фабулалар ҳали не-не дostonлар, романлар, қиссаларнинг майдонга келишига асос беради. Ана шулар ҳақида ўйлар экансан, Қуръони Каримнинг туганмас хазина, ҳали тўла очилмаган тилсимлар кони эканига имон келтирасан...

Адабиётшуносликда **композиция** тушунчаси бор. Композиция бадиий асарнинг тузилишидир. Табиат ва жамиятдаги Оллоҳ яратган барча нарсалар маълум тузилишга эгадир. Инсон кўзини қувнатувчи нарсалардаги гўзаллик уларнинг ранг-баранг шаклдаги жилоси туфайли намоён бўлади.

Қуръони Карим композициясининг мукамал кўринишини ўзида акс эттирган. Бу муқаддас китоб мазмунан мукамал бўлиш билан бирга композиция жиҳатдан ҳам ибратлидир.

Қуръони Карим 30 пора, 114 сура, 6236 оятдан иборатдир. Қуръондаги энг катта сура Бақара сураси бўлиб, 286 оятдан иборат. Энг кичик сура эса Кавсар сураси бўлиб, 3 оятдан иборатдир.

Қуръонда **қофияга** асос берадиган ўринлар ҳам мавжуд. Аввало, қофияга адабиётшуносликка оид китобларда келтирилган таъриф билан келишиб бўлмайди. Кўпчилик китобларда: «Мисралар охиридаги оҳангдош сўзлар қофия дейилади», - деб ёзилган. Оҳангдош сўзларнинг қофия бўлиши тўғри, ammo қофия фақат мисра охиридагина келмайди. Қофия мисра бошида ҳам, мисра ўртасида ҳам, мисра охирида ҳам келиши мумкин. Масалан, Навоийнинг қуйидаги рубоийсида қофия мисра бошида келган.

**Жондин** сени кўп севармен, эй умри азиз,

**Сондин** сени кўп севармен, эй умри азиз.

Ҳар неники севмоқ ондин ортиқ бўлмас,

**Ондин** сени кўп севармен, эй умри азиз.

Бобурнинг қуйидаги байтида қофия мисра ўртасида ҳам, охирида ҳам келган:

Қаро зулфинг **фироқида** паришон **рўзгорим** бор

Юзингни **иштиёқида** не сабру не **қарорим** бор.

Қуръони Каримдаги ояти карималарда ҳам оҳангдош сўзлар учрайдики, бу қофиялар ояти каримани янада жарангдор қилади. Мисол учун Фотиҳа сурасини кўздан кечирайлик: «**Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм. Бисмиллаҳир роҳмонир роҳийм.**

Ал-хамду лиллаҳи роббил **аъламин**, ар роҳмонир **роҳим**, малики **йавмиддин**, иййака наъбуду ва иййака **настаъин**. Ихдинас сиротол **мустақим**. Сиротол лазина анъамта **аълайҳим** ғойрил мағзуби **аълайҳим** ва **лаз-зоол-лиин**».

Қуръони Каримда **саъжга** асос берадиган ўринлар ҳам учрайди. Саъж насрдаги қофиядир. Шуаро сурасининг 12-оятида шундай дейилган: «**У ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва танг қилур**».

Шоирлар ана шундай ўринлардан ибрат олиб, наср орқали фикрни жарангдор ва завқбахш беришда саъждан фойдаланганлар. Масалан, Э.Жуманбулбул томонидан айтилган «Равшан ва Зулхумор» достонида Оққиз таърифида саъжнинг қуйидаги намунасини кўрамиз: «... **оти Оққиз, Зулхуморга нақ қиз, ўзи тўлган соғ қиз, ўрта бўйли чоғ қиз, ўйнагани боғ қиз, уйқичи эмас соғ қиз, эри йўқ тоқ қиз, кўп калондимоғ қиз, ўйинга қулайроқ қиз, тўғри ишга булайроқ қиз, қора кўз, бодом ковок қиз, синли-сиёқ қиз, танаси тўш қўйган кенг қиз, урушқоқ эмас жўн қиз, эт кўтарган гўшдор қиз, биқини тор тўшдор қиз, качкил бет, пас бурун, ўрта бўйли, қизил чиройли, кенг майлайли, қулоғи юпқа, ияги сергўш, қоши кўпроқ, бир-бирига туташ, кўзи қисикнамо қиз, бойбичча монанд, оғир кўчган қиз эди».**

Қуръони Каримда **конфликт** масаласига асос берадиган ўринлар ҳам мавжуд. Бадиий асарда конфликт персонажлар ўртасидаги қарама-қаршиликни, тўқнашувни, курашни ифода этади. Қуръони Каримда бундай қарама-қаршиликлар кўплаб учрайди. Муҳаммад алайҳиссалом бир ўзи турли диндаги одамларни ислом динига даъват этар экан, жуда кўп ва хилма-хил қаршиликларга дуч келган. Мусо алайҳиссалом ва Фиръавн ўртасидаги кураш конфликтнинг ажойиб намунасидир.

Қуръони Каримдаги барча конфликтларнинг ҳал бўлиши Оллоҳ таоло хоҳишига боғлиқдир. Қуръондаги ана шу каби конфликтлар бадиий адабиётдаги конфликтнинг юзага келишига асос берган.

Қуръони Карим сураларининг барчаси конфликт асосига қурилган. Бирон сура йўқки, унда жаҳаннамнинг кўрқинчли тасвирлари ва жаннатнинг ажойиб тасвирлари берилмаган бўлсин. Ҳар бир сурада тақводорлар, намозни баркамол ўқийдиганлар, ризқ қилиб берилган нарсалардан садақа-эхсон қилувчилар, Оллоҳнинг пайғамбарларига, туширилган барча китобларига имон келтирувчилар, қиёмат кунига қатъий ишонувчилар охиратда нажот топгувчилар сифатида талқин қилинса, юқоридагиларга риоя қилмаган, имонсиз ва такаббур, мунофиқ ва бузғунчи кимсалар аламли азоб ва олов билан огоҳлантирилади.

Қуръони Карим ғоявий мазмунининг мукаммал, қомусий характерга эга экани билангина эмас, балки ана шу ғоявий мазмунни

инсонларга **тўла, ёрқин** ва **завқбахш** тарзда етказиш услуби билан ҳам намуна-ибратга молик юксак обидадир.

Ғоявий ниятни китобхонга тўла ва завқбахш тарзда етказиш бугунги адабиётшуносликда поэтика, образлилик, бадий маҳорат каби тушунчалар орқали ифода қилинади. Кўринадики, ғоявий ниятни китобхонга тўла ва ёрқин, завқбахш қилиб етказишнинг тағзамини ҳам Қуръони Каримда мавжуддир.

Буни англамоқ, улардан ўз асарларида фойдаланмоқ учун ёзувчидан юксак эътиқод, билим, тажриба талаб этилади. Шунда ёзувчи учун бадииятнинг эшиклари, сир-синоатлари тўла очилади. Оллоҳнинг Қуръони Каримдаги фикрларини бандаларига етказишдаги асосий қуроли сўздир. Оллоҳнинг сўз бойлиги беадад бўлиб, ҳар қандай фикрни мукамал, ёрқин ифода этишга қодирдир.

Луқмон сурасининг 27-оятда шундай дейилган: **«Агар ер юзидаги дарахтнинг барчаси қаламлар бўлиб, денгиз – унинг ортида етти денгиз мадад бериб туриб – (сиёҳ) бўлса ҳам, Оллоҳнинг калималари битмас. Оллоҳ азиз ва ҳалиймдир».**

Одамларнинг қурби, умри, имкониятлари чегаралангандир. Шунингдек, гапириш қувватлари ҳам чекланган бўлади. Оллоҳ таолонинг илми, қудрати, имконияти чексиз бўлганидек, сўз бойлиги ҳам чексиздир. Агар борлиқдаги ҳамма дов-дарахтлар қаламга айлантирилса ва дунёдаги барча сув сиёҳ қилинса, яна унга етти баробари кўшилиб, ўша қаламлар ўша сиёҳларга ботирилиб, Оллоҳнинг сўзлари ёзилса, қаламлар адо бўлади, денгиз-денгиз сиёҳлар ҳам тугайди, аммо Оллоҳ таолонинг сўзлари тамом бўлмайди.

Ғоявий ниятни гўзал ва чиройли ифода қилиш ҳар бир оятда кўзга ташланади. Масалан, Анкабут сурасининг 14-оятда Нух алайҳиссалом ҳақида шундай гап бор: **«Ва, батаҳқиқ, Биз Нухни қавмига пайғамбар этиб юбордик. Бас, у улар ичида эллик йили кам минг йил турди. Сўнгра уларни золим бўлган ҳолларида тўфон олди».**

Бу ояти каримадаги **«улар ичида эллик йили кам минг йил»** ибораси тўққиз юз эллик йил иборасидан кўра таъсирлироқдир.

Ҳаж сурасининг 19-оятдан бошлаб 26-оятгача жаннат аҳли ва дўзах аҳли ҳолатлари баён қилинган. Бир-бирига қарама-қарши икки

нарсани бир жойда, бир хил савияда бериш Қуръони Каримга хос хусусиятлардан биридир. Бир-бирига тамоман қарама-қарши икки ҳолат: жаҳаннам ўт-олов ва қайноқ сувдан, жаннат эса остидан сувлар оқиб турган боғлардан иборат. Жаҳаннамда оловнинг азобига қўшимча қилиб, ўта қайноқ сув қуйилса, жаннатда соя-салқин боғлар остидан муздек, зилол, ҳузурбахш сувлар оқиб туради. Жаҳаннамда азоб устига азоб келса, жаннатда ҳузур устига ҳузур.

Мана шундай қарама-қарши ҳолатларни бериш орқали ғоявий ниятни ёрқин ифодалаш бошқа сураларда ҳам мавжуддир. Масалан, Фурқон сурасининг 53-оятда шундай фикрларни ўқиймиз: **«У икки денгизни – буниси чучук-ширин, униси шўр-аччиқ қилиб оқизиб қўйган ва ораларига кўринмас тўсиқ ҳамда очилмас сарҳад қилган Зотдир».**

Бу ояти каримада бир илмий ҳақиқат ҳақида гап кетмоқда. Яъни чучук сувлар билан шўр сувларнинг аралашмаслиги. Ажнабий олимлардан Жак Ив Кусто дарё ва денгизларнинг қўшилиш жойларида текшириш ўтказиб, бу масала 1400 йил аввал Қуръонда зикр этилганини билгач, Қуръоннинг ҳақиқий илоҳий китоб эканини англаган ва имон келтириб, мусулмон бўлган.

Қуръони Каримдаги ана шу қарама-қарши нарсаларни келтириш адабиётшуносликда **тазод** номли шеърый санъатга асос бўлган.

Бу санъатда сўзларнинг қарама-қарши маъноларидан фойдаланилади. Тушунчалар, ҳолатлар, ранглар, кайфиятлар қарама-қаршилиги тазод санъатини юзага келтиради.

Сарв бўйлик санаминг, эй Бобур,

Рост айтай, сўзи ёлғон кўринар.

Байтдаги «рост-ёлғон» сўзларидан тазод санъати ҳосил бўлган.

Моида сурасининг 12-оят тафсирида Абдулазиз Мансур шундай қисси баён этган: **«Фиръавн сувга ғарқ бўлиб ўлгандан кейин Мусо алайҳиссалом қавми хотиржам ҳолда Мисрда истиқомат қиладилар. Ногоҳ Оллоҳдан уларга Шомнинг Ариҳо деган ерига бориб, у ердаги канъонлик золим кишилар билан жанг қилишларига буйруқ берилади. Қавм ичидан 12 кишини олдинроқ бориб, у ердаги вазиятни ўрганиб келиш учун танлаб**

олиш ҳам буйрилган эди. 12 уруғнинг ҳар биридан бир кишидан вакил олинади. Оллоҳ таоло уларга ёрдам беришни ваъда қилади. Улар йўлга тушиб, Арихога яқинлашгач, Мусо билан Ҳорун алайҳиссаломлар қолиб, қолганларни юборадилар. Бориб жуда баҳайбат кимсаларни кўришади. Айниқса, Иваж ибн Унуқ исмли барзангининг калласи булут орасида бўлиб, чанқаса булут сувидан ичиб олар экан. Денгиздан кит балиқларни олиб, қуёшга тоблаб, пишириб еяр экан. Нуҳ тўфони унинг тиззаси баробарича чикқан, дейилади. 3000 йил яшаган бу инсон Мусо алайҳиссалом қўлида ҳалок бўлади»<sup>1</sup>.

Иваж ибн Унуқ ҳақидаги маълумотлар негизида муболаға санъати юзага келган. Муболаға санъатида тасвирланаётган нарса меъёридан ортиқ ё кам қилиб тасвирланади. Агар тасвирланаётган нарса меъёрдан ортиб кетса, иғроқ деб юритилади.

Бобур «Бобурнома» асарида шундай воқеани баён қилади: «Яна Шайхимбек эди. Сухайлий тахаллуси учун Шайхим Сухайли дерлар эди. Бир товр шеър айтур эди. Қурққудин алфоз ва маоний дарж қилур эди». Анинг абётидин бир будур:

Шаби ғам гарди боди оҳам аз то бурди гардунро  
Фурў бура аждаҳоси сайли ашким рубъи маскунро.

(Ғамли кечалар оҳимнинг қуюни осмонни ўрнидан кўзгайди, кўз ёшим селининг аждаҳоси ер юзини ютиб юборади). Машҳурдурким, бир қатла бу байтни мавлоно Абдурахмон Жомий хизматида ўқубтур. Мавлоно айтубдурким: «**Мирзо, шеър айтасиз ё одам кўрқутасиз**»<sup>2</sup>. Бу муболағанинг иғроқ шаклидир. «Алпомиш» достонида Ҳакимбек курашадиган алплар тасвирида шундай муболаға бор:

Оҳ урса, оламини бузар товуши  
Тўқсон молнинг терисидан кавиши.

---

<sup>1</sup> «Қуръони Карим маъноларининг таржимаси ва тафсири», Абдулазиз Мансур, Тошкент, «Ислом Университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004, 110-бет.

<sup>2</sup> Бобур. «Бобурнома», Тошкент, «Фан», 1960, 236-бет.

Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида тоғ қазийтган Фарҳод тасвирида шундай муболаға ишлатилган:

Анингдек тешадин сакраб ушоқ тош,  
Ки нозир бир йиғочдин қочуриб бош.

Фарҳод тешасидан отилган тош ушоқлари шундай узоққа учадик, унинг ишини бир йиғоч – 7 км га яқин жойдан туриб кузатувчи киши бошимга тош келиб тушмасин деб, ўзини панага олади.

Тасвир меъёрининг камайиб кетишидан **ифрот** санъати юзага келади. Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асарида шундай байт бор:

Бўйинг сарву санубартек белинг-кил,  
Вафо қилғон кишиларга вафо қил.

Қуръони Каримнинг йигирма тўққиз сураси араб ҳарфлари билан бошланган. Баъзи уламолар бу ҳарфларнинг сирини Оллоҳга ҳавола этадилар. Бошқалари: «**Бу – Оллоҳ билан пайғамбар ўрталаридаги сир**», - дейдилар.

Бу ихтилофнинг сабаби шундаки, улар ҳақида на пайғамбарнинг ўзларидан ва на саҳобаи киромлардан бирорта ҳам ривоят йўқлигидир. Бунинг сири Оллоҳгагина маълумдир. Қуръони Каримдаги мана шу ҳарфлар негизида адабиётда **ҳарф (китобат)** санъати юзага келган.

Мумтоз адабиётдаги шоирлар араб ҳарфларининг шаклига таяниб маъшуқа қаддини алифга, ошиқ қаддини долга, маъшуқа оғзини мимга, кўзини содга, қошини ёйга, гажжагини жимга ўхшатганлар.

Камол Хўжандий шундай ёзган:

Алифтек тўғри бўйлик қошлари нун  
Жаҳон Лайлилари ҳуснингга мажнун.

Хусайний китобат санъатидан шундай фойдаланган:

То алифтек қадду лом зулфу оғзинг мимидан  
Айрумен, вах, кўрмадим ҳижрондин ғайри алам.

Навоий китобат санъати воситасида жонини маъшуқага  
қуйидагича тақсимлаб беради:

Жонимдаги жим икки долингга фидо  
Андин сўнг алиф тоза ниҳолингга фидо.  
Нунидаги анбарин ҳилолингга фидо  
Қолган икки нуқта икки ҳолингга фидо.

Китобат санъати намуналари Э.Воҳидов ижодида ҳам учрайди:

Хажрингда қаддимни дол этдинг десам бергай жавоб:  
«Ким қўйибтур севгини қадди букилган чол учун».

Қамар сурасининг 7-оятида шундай дейилган: **«Қабрлардан  
кўзлари кўрқинчга тўлган ҳолда, худди ёйилган чигирткага  
ўхшаб чиқиб келурлар»**. Бу ояти каримада қиёмат куни  
Исрофилнинг иккинчи сур чалишидан сўнг одамларнинг қабрлардан  
чиқиб келиши «ёйилган чигиртка»ларга ўхшатишмоқда.

Нисо сурасининг 124-оятида: **«Кимки, у хоҳ эркак бўлсин, хоҳ  
аёл мўмина ҳолида савобли ишлар қилса, айнан улар жаннатга  
кирурлар ва уларга хурмо данагининг ипича зулм қилинмагай»**,  
- дейилган. Бу ояти каримада жаннатийларга «Хурмо данагининг  
ипича зулм» қилинмаслиги айтилиб, зулм хурмо данагининг ипига  
ўхшатишмоқда.

Ар-раҳмон сурасининг 58-оятида: **«У (хур) худди ёқут ва  
маржонга ўхшарлар»**, - дейилган. Оллоҳ таоло жаннатийларга  
тайёрлаб қўйган хурлар ёқут ва маржонга ўхшатишмоқда.

Қуръони Каримдаги ана шундай ўхшатишлар асосида бадий  
адабиётда **ташбеҳ** санъати юзага келган. Бу санъатда бир предмет  
белги-хусусиятлари иккинчи предмет белги-хусусиятларига  
ўхшатилади. Бу санъат -дай, -дек, каби, янглиғ сингари воситалар  
орқали ёки мазмуний тарзда юзага келади.

Бўйинг сарву санубартек белинг-қил,  
Вафо қилган кишиларга вафо қил.  
(Хоразмий).

Байтда маъшуқа бўйи сарв, санубар дарахтларига ўхшатишмоқда. Ташбеҳ -тек (-дек) қўшимчаси воситасида юзага келмоқда. Маъшуқа бели эса қилга ўхшатишмоқдаки, бу мазмуний асосда берилмоқда.

Шоирнинг ташбеҳ қўллашдаги маҳорати анъанавий ташбеҳлардан қочиб, янги ва ўзига хос ташбеҳ қўллашида кўринади. Бу масалада қуйидаги мисол ибратлидир. Навоий «Мажолис-ун нафоис» асарида Мирзахожи Суғдийнинг ташбеҳга чиройли муносабати учун Оллоҳдан унга раҳмат тилайди: **«Агарчи баъзи маҳалда ғариб нималар таъбидин бош урар эди, бу байтида хийла сўз ранги ва ошниси борким, байт:**

**Ўхшатти қоматининг санубарға боғбон,  
Бечора билмас эмиш алифдин таёғни.**

**Бугина масалани яхши боғлағони учун умид улким, тангри анга раҳмат қилмиш бўлғай».**

Ар-Раҳмон сурасининг 36-оятида жаннатдаги хурлар тасвирида шундай фикр бор: **«Бас, уларни бокира қизлар қилиб қўйдик».** Оллоҳ таоло жаннатийларга тайёрлаб қўйган хурлар тасвирида Духон сурасининг 58-оятида шундай деган: **«Биз уларга оппоқ юзли, катта ва чиройли кўзли хур қизларни жуфт қилиб берурмиз».**

Қуръони Каримдаги ана шундай тасвирлар асосида **сифатлаш** санъати юзага келган. Бу санъатда қаламга олинган нарсанинг ўзигина берилмасдан, у ҳақда тўлароқ ва равшан таассурот туғдириш учун ўша нарса билан бирга унинг олдидан белги билдирувчи сўз бирга келади. Агар шоир «гул» сўзини қўллаган бўлса, бу сўз, умуман, гул ҳақида умумий маълумот беради. «Гул» сўзи олдидан, «қизил» сўзини келтирса, яъни «қизил гул» бирикмасида аввалги умумий тушунча конкретлашади, тасаввур реаллашади.

Белги билдираётган сўз сифатловчи, нарса эса сифатланмиш деб юритилади. Сифатловчи бир сўз шаклида, бирикма тарзида ҳам келиши мумкин.

Ул қаро кўз хажрида тундек қарорди кундузим ...

Бу мисрада «қаро кўз» сифатлаш бўлиб, сифатловчи бир сўздан иборатдир.

Сарв бўйлик санаминг, эй Бобур,  
Рост айтай сўзи ёлғон кўринур.

Бу байтда «сарв бўйлик» бирикмаси сифатловчи бўлиб, бирикма тарзида келган.

Бақара сурасининг 79-оятида арабча «Вайл» сўзи учрайди. Бу сўзнинг бир маъноси «Ҳолига вой!» бўлса, яъна бир маъноси жаҳаннамдаги бир водийдир. Ҳадиси шарифда айтилишича, «Вайл» жаҳаннамнинг қаърига етишга қирқ йиллик масофа қолганда келадиган бир водийдир.

Қуръони Каримдаги бир сўзнинг бир жойда туриб, бир неча маъно ифода қилиш ибрати асосида адабиётда **ийҳом** санъати юзага келган. Масалан, Фузулий ижодида шундай байт бор:

Азал котиблари ушшоқ бахтин қора ёзмишлар  
Бу мазмун ила хатт ул сафхайи рухсор ёзмишлар.

Оддий ўқувчи «қора» сўзини ранг маъносида тушуниб, байтни шундай изоҳлайди: «Азал котиблари ошиқлар бахтини қора қилиб ёзганлар». Зукко ўқувчи эса «қора» сўзи рангни ифодалаш билан бирга «азим», «катта» маъноларини ҳам беришини англаб, байтни шундай тушунади: «Азал котиблари ошиқлар бахтини азим қилиб ёзганлар». «Қора» сўзи «қорга» маъносида ҳам ўқилиши мумкин. Унда учинчи маъно келиб чиқади: «Азал котиблари ошиқлар бахтини қорга ёзганлар». Ана, бир сўз уч хил маъно бериб, байт уч хил мазмун ифода қилмоқда.

Қуръони Каримда пайғамбарлар, фаришталар номлари ўрнига уларга берилган иккинчи номлар келтирилади. Иброҳим алайҳиссалом – Ҳалил (дўст), Одам алайҳиссалом – сафиюллоҳ, Нух алайҳиссалом – набиюллоҳ, Мусо алайҳиссалом – каломуллоҳ, Исмоил алайҳиссалом – забиҳуллоҳ, Исо алайҳиссалом – руҳуллоҳ, Муҳаммад алайҳиссалом – Хабибуллоҳ, Жаброил – Рухул-Қуддус номлари билан ҳам юритилади. Ана шу услуб адабиётда **истиора** санъатини юзага келтирган.

Бир тушунча ўрнига бошқа тушунчани бериб, фикрни образли ифодалашнинг бу усули адабиётда истиора дейилади. Бу санъатда фақат ўхшовчи ифодаланади ва у маъно жиҳатдан ўхшатилишни ҳам ўз ичига олади.

Абу Али ибн Сино истиорани шундай таърифлайди: **«Нарсанинг ўзи қандай бўлса, ўшандайлигича олмасдан, уни сал ўзгартирган ҳолатда олинганига истиора ёки маъжоз дейилади. Шеър мана шу истиора билан маъжознинг таркибидан ҳосил бўлади».**

Фурқатингда заъфарон узра тўкармен лолалар,  
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар.  
(Алишер Навоий).

Байтда «Сариф юз» маъносидаги «заъфарон», «қонли ёш» маъносидаги «лолазор» сўзларида истиора юзага келади:

Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен  
Не кун бўлғай висолинга мени дилхаста етгаймен.  
(Бобур).

Байтда «юзи ой каби ёр» ўхшатишига тенг «ой» сўзи қўлланишида истиора санъати кўринмоқда.

Қуръони Каримда ғоявий ниятни инсонларга тўла етказиш учун қўлланган усуллардан бири **такрордир**. Оллоҳ таоло бандаларига маълум фикрини уқтирмоқчи экан, айрим сўзларни, гапларни такрор-такрор айтади. Масалан, жаннатийлар учун тайёрлаб қўйган жуфтлар бир неча ояти карималарда учрайди, уларда «хур» сўзи қайта-қайта

берилади. Чунки хурлар Оллоҳ томонидан яратилган бўлиб, ҳар жиҳатдан баркамол жуфтлардир.

Ёки ояти карималарда «остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннат», «еру кўкнинг эгаси» каби бирикмалар такрор ва такрор учрайди.

Қуръони Каримдаги бу усул асосида адабиётда **такрир** санъати юзага келган. Масалан, Огаҳий ижодида шундай байт бор:

Бовар этмассан десам юз ёлбориб,  
Кўнглунг оқу кўнглинг оқу кўнглинг оқ.

Бобур ижодида такрирнинг қуйидагича кўриниши учрайди:

Қадду хаттин билан кўзу юзинг, эй сарви сиймин тан,  
Бири сарву, бири райҳон, бири наргис, бири гулшан.

Анъом сурасининг 35-оятида шундай дейилган: **«Агар сенга уларнинг юз ўгиришлари оғир ботаётган бўлса, қодир бўлсанг, ер остидан йўл қилиб ёки осмонга нарвон қўйиб, уларга оят-мўъжиза келтир. Оллоҳ хоҳлаганида, уларни ҳидоятга жамларди. Ҳаргиз жоҳиллардан бўлма».**

Бу ояти каримада мушриклар пайғамбаримизга ишонмаганликлари учун, уларга оят-мўъжиза келтириш таклиф этилаяпти. Бу ерда иложи йўқ вазиятни ифодалаш учун «ер остидан йўл қилиш, осмонга нарвон қўйиш» иборалари берилмоқда. Иложсиз вазиятни ифодалашга хизмат этувчи бу иборалар негизида «осмон йироқ, ер қаттиқ» мақоли юзага келиб, бунинг таъсирида адабиётда **ирсол** санъати пайдо бўлган.

Ирсол санъати байтда мақол, матал, ибора қўллаш орқали юзага келади. Шеърни бу воситалар орқали тўлдириб юбориш қийин иш эмас. У санъат даражасига кўтарилиш учун фикрни гўзал ва завқбахш ифодасига хизмат қилмоғи шарт.

Бунинг ажойиб намунасини ҳам Қуръони Каримда кўрамиз. Аъроф сурасининг 40-оятида: **«... улар туя игна тешигидан ўтмагунча жаннатга кирмагайлар»**, - дейилган. Туя ҳеч қачон игна

тешигидан ўтмайди. Демак, гуноҳи азим қилган мушриклар ҳеч қачон жаннатга кирмайдилар.

Мумтоз адабиёт вакиллари ирсол санъатидан кенг фойдаланганлар. Бу борада Лутфий ижоди ибратлидир. Унинг айрим ғазаллари бошдан-оёқ ирсол санъати асосига қурилган:

Аёқингга тушар ҳар лаҳза гису  
Масалдурким: «Чироғ туби қоронғу».  
Тутармен кўзки, кўрсам оразингни,  
Ки дерлар: «Оққан ариққа оқар сув».

Юзингни туттим ортиқ ою кундин,  
Кишининг кўзидур оре тарозу.  
Кўзинг қонимдан ийманмас ажабтур,  
Ки қўрқар қайдаким қон кўрса хинду.

Тилар васлингни Лутфий қил ижобат,  
Ки айтурлар: «Тилаганни тилагу».

Навоий ижодида шундай байт бор:

Тўкиб май мухтасиб мен йиғладим ул кўзи усрукка  
Сув келтирмак ҳамону кўза синдирмак ҳамон эрмиш.

Бобур шундай ёзган:

Даъвий ишқ этиб, ғайр, Бобурни айб қилма,  
Ким мен эдим сенингтеқ, сен бўлғосен менингтеқ.

Эркин Воҳидов шундай ёзган:

Умрини ошиқ ҳамиша ўтказур орзу билан  
Ойнинг ўн беши қоронғу ўн беши ёғду билан.

Қуръони Каримда **масал** жанрининг пайдо бўлишига асос берадиган ояти карималар ҳам мавжуд. Ҳаж сурасининг 73-оятида

шундай дейилган: «Эй, одамлар! Бир масал айтилмиш, бас, унга кулоқ солинг! Албатта, сизлар Оллоҳни қўйиб, талпинаётган нарсаларингиз, агар барчалари бирлашсалар ҳам, битта пашша ярата олмаслар. Ва агар пашша улардан бирон нарсани тортиб олса, ундан ўшани қутқариб ололмаслар. Талаб қилувчи ҳам, талаб қилинган ҳам ожиз бўлди».

Бу ояти каримада ғоявий ният инсонлардан бошқа тимсоллар: пашша, бутлар воситасида баён қилинмоқда. Бутларга сиғинувчилар Оллоҳнинг яратувчилик қудратини тан олмаслар экан, бошқа жонзотларни қўйинглар-у, энг кичик, энг ҳақир, энг аҳамиятсиз кўринган пашшани яратиб берсинлар. Ярата олмаслар.

Қуръони Каримда мажозий тимсоллар ила аталган «Нахл» - асаларилар, «Намл» - чумолилар, «Анкабут» - ўргимчаклар суралари ҳам мавжуддир.

Масал жанрида асар қаҳрамонлари инсонлар бўлмасдан, ғоявий ният маъжозий тимсоллар – инсондан бошқа нарсалар воситада баён қилинади. Масалан, «Тошбақа ва чаён» масалида дўстга хиёнат қилган одамнинг фожиали аҳволи мисолида дўст қадрига етиш, дўстга садоқат ғоялари олға сурилган.

Хулоса шуки, мумтоз адабиётда қўлланаётган 80 дан ортиқ шеърий санъатларнинг асоси, илк манбаи Қуръони Каримдир.

## Қуръонда берилган пайғамбарлар ва уларнинг бадий адабиётдаги талқини

Пайғамбарлар Оллоҳнинг ердаги элчиларидир. Оллоҳ таоло бандалар ичидан пайғамбарлар танлаб, улар орқали бандаларни имонга, ҳидоятга чорлаган. 124000 пайғамбар мавжуд бўлиб, улардан 313 таси расул (китоб ёки саҳифа тушган), қолгани набий – китобсиз пайғамбарлардир.

Пайғамбарлар тарихини ўрганишдаги энг мўътабар манба Қуръони Каримдир. Қуръонда 25 та пайғамбар номи зикр этилган. Уларнинг биринчиси Одам алайҳиссалом бўлса, сўнггиси Муҳаммад алайҳиссаломдир<sup>1</sup>.

Бу пайғамбарлар ичида бадий адабиётда Нух алайҳиссалом, Яъқуб алайҳиссалом, Юсуф алайҳиссалом, Сулаймон алайҳиссалом, Исо алайҳиссаломлар тимсоллари кўп учрайди.

Нух алайҳиссалом Қуръонда 43 жойда эсга олинган. У ҳақдаги қиссалар Аъроф, Ҳуд, Мўминун, Шуаро, Қамар сураларида учрайди. Қуръоннинг бир сураси «Нух» сураси номини олган. Нух алайҳиссалом 480 ёшида пайғамбар бўлган. 120 йил қавмини динга даъват қилган. 600 ёшида кемага минган. Тўфондан сўнг 350 йил умр кўриб, 950 йил яшаган. Анкабут сурасининг 14-оятда: **«Нух уларнинг орасида эллик йили кам минг йил турди»**, - дейилган. Бундай ифода 950 йил турди, деганидан таъсирлироқдир.

Қуръони Каримдаги Нух пайғамбар ҳақидаги маълумотларга таяниб, XIV аср ёзувчиси Рабғўзий «Қиссаси Рабғўзий» китобида Нух пайғамбар тимсолини яратган.

Қуръонда берилишича, одамлар бутларга, санамларга сиғинаётган вақтда Оллоҳ одамларни ҳидоят йўлига бошлаш учун, Нух алайҳиссаломни пайғамбар қилиб юборган. Нух сурасининг 1-оятда шундай дейилган: **«Биз Нухни ўз қавмига, қавмини уларга азоб келишидан аввал огоҳлантиргин, деб пайғамбар қилиб юбордик»**.

Нух алайҳиссалом қавмини имонга, ҳидоятга даъват қилади. Аммо улар бу даъватларга юрмайдилар, уни мазах қиладилар.

---

<sup>1</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Ҳадис ва ҳаёт», Тошкент, «Шарқ» нашриёти, 34-35-бетлар.

Оқибат, Оллоҳ амрига кўра, Нух алайҳиссалом кема ясаб, кемага ҳар нарсадан бир жуфтдан олиб, бошқа томонга сузиб кетади. Ҳидоятга юрмаган қавм эса тўфон балосига учраб, ғарқ бўлади.

Қуръони Каримдаги бу воқеалар Рабғўзий қиссасида айнан акс этган. Айрим мисоллар кўрайлик. Қуръоннинг Худ сурасининг 38-оятида кема ясаётган Нух алайҳиссаломга қавмидаги одамлар муносабати шундай тасвирланган: **«У кема ясамоқда. Ўз қавмидан бўлган зодагонлар қачон олдидан ўтсалар, уни масхара қиладилар».**

Худди шу воқеа Рабғўзий қиссасида шундай акс этган: **«Жаброил Нухга таълим берди. Йиғочни ёрғу бирла ёрдилар сув узра ўрдак юргани кўргузу берди. Анга ўхшаш кети йўна бошладилар. Кофирлар ани кўруб кулар эрдилар»<sup>1</sup>.**

Ёзувчи Нух алайҳиссалом ҳақидаги қиссасида Қуръонда берилмаган айрим ҳикоятларни ўзи қўшган. Жумладан, «Қалдирғоч», «Ит ва мушук», «Товуқ» каби ҳикоятлар берилган. Бу ҳикоятлар орқали Нух алайҳиссалом улуғланган.

«Қалдирғоч» ҳикоятида шундай воқеа баён қилинган: Кемада уч нарса йўқ эди: мушук, сичқон, тўнғиз. Булар ҳам кемада пайдо бўлди. Сичқон қочиб юриб, кемани тешди. Кемани сув боса бошлади. Хитоб келдики, бу сичқоннинг ишидир. Йўлбарснинг пешонасини силадилар, бурнидан мушук тушди, сичқонни тутиб еди. Нух алайҳиссалом: «Нима кеманинг тешигини топиб беркитгай», - деди. Илон айтди: «Бу хизматни бажарсам нима берасиз?» Нух алайҳиссалом айтди: «Нимани тиласанг берурман». Илон айтди: «нимани гўшти ширин бўлса, шуни берасиз». Нух алайҳиссалом қабул қилди.

Илон тешикни топиб, кулча бўлиб ётди, сув тўхтади. Қирган сувни сочиб адо қилдилар. Тешикни мум билан беркитиб, хотиржам бўлдилар. Кема 6 ой сув ичида юрди. Қуруқликка чиқдилар. Илон ваъда қилган нарсани сўради. Нух алайҳиссалом арига буюрдики, бориб ҳар нарсанинг гўштини тотгил, ниманинг гўшти ширин бўлса, илонга берайлик, деди.

Ари эса ширин гўшт одамнинг гўшти деб келаётганда, қалдирғоч ундан: «Ниманинг гўшти ширин экан?» - деб сўради.

---

<sup>1</sup> Рабғўзий. «Қиссаси Рабғўзий», Тошкент, «Ёзувчи» нашриёти, 1990, 41-бет.

Жавоб олгач, «Эй биродар, тилингни чиқаргин, мен тотиб кўрай», - деди. Ари тилини чиқаргач, унинг тилини узиб олди. Ари пайғамбар хузурига келгач, гунг бўлиб қалдирғочга қаради. Қалдирғоч айтди: «Бу биёбонда менга учраб, бақанинг гўшти ширин эканини айтди». Нух алайҳиссалом илонга бақанинг гўштини буюрди. Шу сабабли қалдирғоч одам боласи билан бир уйда яшар экан.

Булардан ташқари, Қуръонда Нух алайҳиссалом ўғилларининг номи берилмаган. Фақат бир ўғли ота амрига юрмай, кемага чиқмайди ва ғарқ бўлади. Худ сурасининг 42, 43-оятларида шундай маълумотлар бор: **«Эй ўғлим, биз билан бирга мингин, кофирлар билан бирга бўлмагин»**, деди. У (ўғил): **«Тоққа жойлашиб олсам, мени сувдан сақлайди»**, деди. У эса: **«Бугун Оллоҳнинг амридан сақловчи йўқдир. Магар кимни раҳм қилсагина (сақлар), деди. Шунда ораларини тўлқин тўсди ва у (ўғил) ғарқ бўлганлардан бўлди»**.

Рабғўзий қиссасида Нух алайҳиссалом ўғилларининг номлари берилган бўлиб, юқоридаги воқеа қуйидагича акс этган: **«Нух ўғли Сом ва Хом ва Ёфас ва Канъон ўғли тўрт эрди. Нух айди: «Эй Канъон, мусулмон бўл, кемага киргил, тўфон суви ҳалок қилмасин»**, - теди. Канъон айди: **«Ман азиз тоғларга сиғингаймен. Тоғ мени сувдин кузазгай»**, теди. Қола саъави ила жабаалин йаъси мунин мин ал-маън. Нух айди: **«Бу кун ким эрсени азобдан сақлағувчи йўқ изидин ўзга»**. Қола ла асима ал-йавма мин ажриллоҳи илла ман роҳима. Бу сўза эрдилар сув келди. Канъонни ҳалок қилғутек бўлди эрса қочди, тоғ тобасиға ошди. Сув келди, ошуқинға тегди. Ўғли бор эрди, ани оёқ остинға олиб тебасинға ошди. Ўғлон ўлди, ўзи ема ғарқ бўлди, имонсиз борди»<sup>1</sup>.

Кема битгач, Оллоҳ кемага кимларни олиш ҳақида амр этган. Бу ҳақда Худ сурасининг 40-оятида шундай дейилган: **«Токи Бизнинг амримиз келиб, таннур фаввора отганда: «У (кема) га ҳар нарсадан бир жуфтдан ва аҳлингни ол, магар аввал сўз кетганни (олма) ва имон келтирганларни ҳам ол»**, дедик. У билан бирга имон келтирганлар жуда оз эди».

---

<sup>1</sup> Рабғўзий. «Қиссаси Рабғўзий», Тошкент, «Ёзувчи» нашриёти, 1990, 41-42-бетлар.

Рабғўзий қиссасида кемага чиққанлар сонини 80 киши эди, деб ёзган: **«Нух ул сексан киши мўьмин бирла кемага кирди».**

Шундай қилиб, Рабғўзий ўз қиссаси орқали ҳали Қуръоннинг таржималари, тафсирлари кам бўлган бир замонда ўзбек китобхонини Қуръондаги Нух алайҳиссаломга боғлиқ сюжет билан, имонга, хидоятга юрмаган инсонлар ким бўлишидан қатъий назар, Оллоҳ қаҳрига қандай дучор бўлишларини кўрсатиб, инсонларни имон ва эътиқодга даъват этган.

Нух пайғамбар ва унинг ўғиллари ҳақидаги фикрлар фақат бадий асарлардагина эмас, илмий асарларда ҳам учрайди. Навоий «Муҳокамат-ул луғатайн» номли китобида тилларнинг пайдо бўлишини Нух пайғамбар ва унинг ўғилларига боғлаб тушунтиради. «Нух пайғамбар уч ўғлигаким, Ёфас ва Сом ва Хом етишур ва бу мужмал тафсили будурки, Нух ... тўфон ташвиридин нажот ва анинг маҳлақасидин ҳаёт топти, олам маъмурасида башар жинсидин осор ва инсон навъидин намудор қолмайдур. Ёфасники, таворих аҳли Абут-турк битурлар. Хито мулкига йиборди ва Сомники, Абул-фурс битирлар, Эрон ва Турон мажоликининг васатида волий қилди ва Хомники, Абул-ҳинд дебдурлар. Ҳиндистон билодига узатти».

Бадий адабиётда энг кўп учрайдиган пайғамбарлардан бири **Исо** алайҳиссаломдир. Бадий адабиётдаги бу ҳолат бевосита Қуръони Карим билан боғлиқдир. Қуръонда бу пайғамбар номи 24 марта зикр этилган. Бу пайғамбар ҳақида Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида, Анъом, Марям, Аҳзаб, Шуро, Зухруф, Ҳадид ва Соф сураларида оятлар келган.

Қуръони Каримда Исо алайҳиссаломнинг онаси Марям бўлиб, Оллоҳ таоло Жаброил фаришта орқали унга ўз руҳидан «пуф» дейиши билан Исо пайғамбар она қорнида пайдо бўлган. Пайғамбарлардан Одам Ото, Исолар отасиз дунёга келганлар. Одам Отони Оллоҳ тупроқдан яратган.

Таҳрим сурасининг 12-оятида бу ҳодиса шундай баён этилган: **«Ва Марям Имрон қизини (мисол келтирди), у фаржини пок сақлаган эди, Биз унга ўз руҳимиздан пуфладик ва У Роббисининг сўзларини ҳамда китобларини тасдиқ қилди ва итоаткорлардан бўлди».**

Боланинг исми ҳам Оллоҳ томонидан берилган бўлиб, у бешикда ҳам гапиради. Оллоҳ уни пайғамбар қилиб танлади. Бу ҳақда Оли Имрон сурасининг 45-46-оятларида шундай дейилган: **«Фаришталар: «Эй Марям, албатта Оллоҳ сенга ўзидан бўлган сўзнинг башоратини бермоқда, унинг исми Масих Исо ибн Марям бу дунёю охиратда обрўли ва яқин бандалардандир. У одамларга бешикда ҳам, қариган чоғида ҳам гапиради ва солихлардандир», деганларини эсла».**

Исо алайҳиссаломга Оллоҳ улуғ хислатлар берди. Оли Имрон сурасининг 49-оятида шундай дейилган: **«Ва Бани Исроилга пайғамбар қилади. У: «Албатта, мен сизга Робингиздан оят-мўъжиза келтирдим, мен сизларга лойдан қушга ўхшаш суврат ясайман, унга пуфласам, Оллоҳнинг изни билан қуш бўлади. Оллоҳ изни билан туғма кўр ва песларни тузатаман ва ўликни тирилтираман. Сизларга нимани емоқдасизу, нимани уйингизда сақляяпсиз – хабарини бераман. Агар мўмин бўлсангиз, албатта, бунда сизга оят-белги бордир»», - дейди.**

Кўпчилик пайғамбар даъвати билан имон йўлига кирадилар.

Исо алайҳиссалом қавмни ҳидоятга даъват қилади. Аммо яҳудийларга шунча мўъжизалар кўрсатса-да, унга инонмайдилар. Яҳудийлар Исо алайҳиссаломни ўлдирмоқчи бўладилар. Аммо Оллоҳ азиз қилган бандани банда бадном қила олмайди. Яҳудийлар уни ўлдирдик, деб ўйлайдилар. Аслида Исо алайҳиссалом тирикдир. Бу ҳақда Нисо сурасида шундай оят бор: **«Биз Оллоҳнинг Расули Масих Ийсо ибн Марямни ўлдирдик, деганлари учун (уларни лаънатладик). Ҳолбуки, уни ўлдирмадилар ҳам, осмадилар ҳам, лекин уларга шундай туюлди. У ҳақида ихтилофга тушганлар унинг ўлиmidан шак-шубҳададилар. У тўғрисида уларнинг билимлари йўқ, магар гумонга эргашарлар. Уни ўлдирмаганлари аниқдир».**

Бу воқеа жума кунидан шанба кунига ўтар кечаси содир бўлади. Яҳудийлар уларни қамалга олади. шунда Исо алайҳиссалом шерикларига: **«Кимингизга менинг тусим ўтса, ўша одам жаннатда мен билан бирга бўлади», - дейдилар.**

Бу ишга бир ёш йигит тайёрлигини билдиради. Уни хиёл ёш санадилар, юқоридаги гапни иккинчи, учинчи бор такрорладилар.

Ҳар сафар фақат ҳалиги йигит тайёрлигини билдирди. Исо алайҳиссалом: «Сен ўшасан!», - дедилар. Оллоҳ таоло у йигитни Исо алайҳиссалом тусига киритди.

Томнинг шифтидан бир туйнук очилди. Исо алайҳиссаломни мудроқ олди. Шу ҳолда осмонга кўтарилдилар. У зот кўтарилганидан кейин, шериклари ташқарига чиқдилар. Яҳудийлар қоронғида ҳалиги йигитни Исо деб ўйлаб, ушлаб осдилар ва бошига тикон қўйдилар<sup>1</sup>.

Исо алайҳиссалом қиёмат кунига 40 йил қолганда ерга тушади. Одамларни имон ва ҳидоятга йўллайди. Дажжолни ўлдиради, у вафот этгач, ислом динидаги одамлар унга жаноза ўқиб, уни дафн қиладилар.

Қуръони Каримдаги Исо алайҳиссалом ҳақидаги маълумотларнинг мухтасар баёни ана шулардан иборат.

Рабғўзий «Қиссаси Рабғўзий» китобида ана шу маълумотларга таянган ҳолда қисса яратган. Бу қиссада Исонинг туғилиши, унги берилган мўъжизалар, унинг пайғамбар бўлиши, қавмнинг имонга даъват қилиши тасвирланган. Рабғўзий қиссасида анча фарқлар учрайди. Исо алайҳиссаломга яҳудийлар хужуми, унинг кўкка кўтарилиши ҳақидаги воқеалар берилмасдан, пайғамбар ҳақидаги бир неча ҳикоятлар берилган. Ҳикоятлардан бирини кўрайлик. Исо алайҳиссалом даврида бир солиҳа аёл бор эди. Тандир бошига нон пиширгани келди, қўлида боласи ҳам бор эди. Намоз вақти бўлгач, боласини қўйиб, намоз ўқимокқа тутинди. Боласи эмаклаб келиб, тандирга тушди. Аёл намозни бузмади. Эри келиб қараса, хотини намоз ўқир, ўғли эса тандир ичида ўйнар эди. Ота бу ҳолатни Исога айтди. Исо: «Хотинингдан сўрагинчи, не амал қилмоқда экан», - деди. Эр хотинидан нима амал қилаётганини сўради. Хотини айтди: «Тўрт амал қилаётган эдим. Аввало, Оллоҳ таолонинг берган неъматларига шукр айтаётган эдим. Иккинчиси берган балоларига сабр қилдим. Учинчиси қазосига рози бўлдим. Тўртинчиси бу дунё ишини охират ишига бадал қилдим». Эри келиб Исога бу гапларни айтди. Исо: «Агар хотунинг эр бўлса, пайғамбар бўлур эрди», - деди.

Рабғўзий қиссасида яна қуйидаги фарқлар бор:

Қуръонда Исо алайҳиссалом лойдан қуш ясаб, унга жон бағишлар эди. Рабғўзий қиссасида эса мушрикларга мўъжиза

---

<sup>1</sup> Қаранг: Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. «Ҳадис ва ҳаёт», Тошкент, «Шарк» нашриёти, 2007, 541-бет

кўрсатиш учун улар талабига кўра балиқдан қуш ясаб, унга жон ато қилади: «Улар айдилар: «Бизга мўъжиза керакким, балиқдин қуш қилсанг. Юнгсиз эт, қанотлиғ. Оғзинг бирла дам қилғил, бизнинг кўзимизда учсун, биз кўралинг». Исо балиқдин қуш қилди. Оғзи бирла дам қилди, ҳаво учти»<sup>1</sup>.

Қуръонда Исо алайҳиссаломнинг ўликка жон бағишлаши айтилса-да, бу ишнинг амали берилган эмас, Рабғўзий қиссасида эса мушриклар талабига кўра, Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғли Сомни тирилтиргани берилган. «Бир қуртқа Исога келиб йиғлади: «Ўғлим ўлди, ўғлонлари қолди, уларни бақарға кучим йўк». Исо дуо қилди, ўғли тирилиб, тупроқдин кўпти. Ул қавмлар айдилар: «Сен тунаги ўлукни тиргузурсен, жони тақи тамом чиқмай эрди. Бир эртаги ўлукни тиргузгил». Исо айди: «Кимни тиласангиз тиргузайин». Айдилар: «Нуҳ ўғли Сомни тиргузгил». Исо икки ракаат намоз қилди, айди: «Йа Сам қут биизни Олоҳи таоло». Мавло ёрлиқи бирла кўпти, гўр ёрилди. Сом: «Лаббайка йа расулуллоҳи», - тебо кўпти. Кўрдилар, сочи, соқоли оқармиш. Айдилар: «Ўлмишда йигит эрдинг, эмди оқ соқоли кўрармиз». Сом айди: «Кўпқил тею ун эшитгим, Қиёмат бўлмиш, Исрофил уни бўлғай теб кўрқмиштин сочим, сақолим оқарди». Исо айди: «Эмди не теюрсен, ўлумму керак ё тирикликму?». Сом айди: «Ё расулуллоҳ, тириклик тиласам, сўнги ўлум борму?». Айди: «Бор». «Андоқ эрса жон ачиғи мандин кетмайин турур», теб яна ўлди, эрса сақиш қилдилар. Сом ўлғали тўрт минг йил бўлмиш ортуқ ўксук»<sup>2</sup>.

Сайфи Сарой Саъдийнинг «Гулистон» асарини туркий тилга эркин таржима қилган. Айрим ҳикоятлар С.Сарой томонидан таржимага киритилган. Ана шундай ҳикоятлардан бири «Исо мўъжизаси» ҳикоятидир. Таржимон Исо алайҳиссаломнинг ўликка жон бағишлаши мўъжизасидан фойдаланиб, қўлдан келмаган ишга уринмагин, деган ғояни олға сурган. Ҳикоятда айтилишича, бир одам Исо ҳузурига келиб, ўликни тирилтирувчи дуони ўргатиб қўйишини илтимос қилибди. Исо бу таклифни рад этибди. Аммо ўжар инсон Исонинг ҳол-жонига қўймай, ўша дуони ўргатишни сўрай берибди. Исо унга дуони ўргатибди.

<sup>1</sup> Рабғўзий «Қиссаси Рабғўзий», Тошкент, «Ёзувчи» нашриёти, 2-китоб, 1991, 85-бет.

<sup>2</sup> Рабғўзий «Қиссаси Рабғўзий», Тошкент, «Ёзувчи» нашриёти, 1991, 85-86-бет.

Дуо ўрганган киши хурсанд бўлиб кетаётса, йўлда бир уюм суяк ётган экан. У киши дуони ўқибди. Бу суяклар ўлган шернинг суяклари экан. Оч қолган шер дуогўй кишини еб қўйибди.

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида номи шеърларда кўп учрайдиган пайғамбарлардан бири Исо алайҳиссаломдир. Шоирлар бу пайғамбарга алоқадор мўъжизалардан ўликни тирилтириши, кўкка чиқиб кетганидан фойдаланадилар.

Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асарида шундай байт бор:

Қамуқ кўрклар узра подшосен,  
Масих анфослик, Юсуф ликосен.

Байтнинг мазмуни:

Барча гўзаллар ичида сен гўзаллик подшосисен,  
Масихдек дам урувчи Юсуфга ўхшаш гўзалсен.

Шоир бу байтда талмеҳ санъати, ташбеҳ санъатларини қўллаб, ўзи куйлаётган маҳбуба гўзаллигини тасвирлашда Қуръонда келтирилган Масих, Юсуф пайғамбарлардан фойдаланмоқда.

Ҳайдар Хоразмий ижодида шундай байт бор:

Ҳиммат элидур Яди байзо деган  
Эр нафасидур Исо деган.

Байтда бу шоир ҳам талмеҳ санъати қўллаб, Исо алайҳиссаломнинг дами етса, ўликнинг тирилиши фактидан фойдаланмоқда.

Саккокий ҳам бу масалани – Исонинг дами билан беморнинг тузалиши, ўликнинг тирилишини келтириб, гўзал байт яратган:

Эй Масиходам бегим, бир дам бирла бергил шифо  
Шева бирла кўзларинг жонимни бемор айлади.

Байтда талмеҳ (Масих), ташбеҳ (масиходам), тазод (бемор-шифо) санъатлари воситасида шоир ёр кўзининг шеваси (истиора) –

ноз-карашма билан қараши ошиқни бемор қилгани, Масихга ўхшаган ёр бир дам билан шифо бериши сўралмоқда.

Ототий ва Лутфий Исо алайҳиссаломнинг кўкка чиқиб кетишини байтларида келтириб, муболаға, хусни таълил санъатлари орқали ёр лабини Исо мўъжизасидан ортиқ кўядиларки, бу билан келишиб бўлмайди. Ототий ёзган:

Оғзингда мўъжаз оятин Исо кўриб зиёд  
Биздин қочиб ёшуринда кўк ичра уёттин.

Ототий куйлаётган маҳбуба оғзи шу қадар қудратли эмишки, Исо ўз мўъжизаси бунчалик эмаслигидан уёлиб, кўк ичра яширинган эмиш. Лутфий шундай ёзган:

Исо фалакка ошти, чун бўлди лабинг жон бергувчи,  
Шармандаликдан кетмаса, кўкта анга не бор эрур.

Навоий лирикасида ҳам Исо, Масих номлари кўплаб учрайди:

Чиқиб бу дайрдин Исоға нечун ҳамнафас бўлмай,  
Бихамдиллох, тажарруд бирла ҳимматдин қанотим бор.

Дайрдин чиқиш учун бу дунёни тарк этмоқ керак. Даҳри дундан баланд кўтарилиш учун ҳам мустаҳкам қанот керак. Бу ишни қилиш учун тажарруд (воз кечиш) ва ҳиммат керак. Демак, Навоий барча нарсадан воз кечиб, ҳимматни қанот қилиб, Исога ҳамнафас бўлмоқчи.

Бадиий адабиётда тимсоли яратилган пайғамбарлардан бири **Сулаймон** алайҳиссаломдир. У зот Қуръони Каримда 16 марта зикр қилинган. У ҳақда Бақара, Нисо, Анъом, Анбиё, Намл, Сабаъ, Сод сураларида оятлар мавжуд. Оллоҳ бу пайғамбарга ҳам пайғамбарлик, ҳам подшоҳлик берган. Унга шамолни, девларни, инс-жинсларни бўйсиндирган, жонзотлар тилини биладиган қилган.

Юқорида тилга олинган суралардаги оятлар асосида бадиий адабиётда турли ҳикоялар яратилган. Намл сурасининг 78-оятида шундай дейилган: «**Ва Довуд билан Сулаймоннинг экинзор**

хақида ҳукм қилаётганларини (эсла). Ўшанда у (экинзор) га қавмининг қўйи кечаси тарқалиб кетган эди. Биз уларнинг ҳукмига шохид бўлган эдик».

Ушбу оятда зикр қилинган Довуд ҳамда Сулаймон алайҳиссаломларнинг экинзор ҳақидаги ҳукмлари тафсирчи уламоларимиз ривоят қилишларича қуйидагича бўлган:

Ўз даврининг пайғамбари ва подшоҳи бўлмиш Довуд алайҳиссаломнинг ҳузурларига икки киши ораларида ҳукм чиқаришини сўраб келишибди. Улардан бири экинзор соҳиби, иккинчиси қўйлар эгаси экан.

Кечаси билан қўйлар экинзорни пайҳон қилиб, еб битирган эди. Довуд алайҳиссалом икки томоннинг гапини эшитиб, қўйларни экинзор эгасига берилишига ҳукм чиқардилар. Бу ҳукмдан кейин қайтиб кетаётган қўй эгалари Сулаймон алайҳиссаломни кўриб, бўлган ҳодисани у зотга айтиб берди. Шунда Сулаймон алайҳиссалом оталари Довуд алайҳиссалом олдиларига кирдилар ва: «Эй Оллоҳнинг набийи, ҳукм сиз чиқарган ҳукмдек бўлмаслиги керак эди», - дедилар.

Довуд алайҳиссалом: «Қандай бўлиши керак эди?» - дедилар.

Сулаймон алайҳиссалом: «Қўйни экинзор эгасига беринг, у фойдаланиб турсин, экинзорни эса, қўй эгасига беринг, уни тузатиб асл ҳолига келтирсин. Сўнгра ҳар ким ўз нарсасини қайтариб олади». Шунда Довуд алайҳиссалом: «Ҳукм сен чиқарган ҳукмдир», - дедилар<sup>1</sup>.

Қуръони Каримдаги шу воқеага ўхшаш воқеа «Алпомиш» достонида келтирилган. Бойбўри билан Бойсари муносабати закот масаласида бузилгач, Бойсари Қалмоқ юртига, Кашал элига кўчиб кетади. Чилбар чўлида ўн беш кунлик йўлда эликнинг майсаси бор эди. Бул бойлар ётган Элибой, экинни билмайди. Экинни кўриб: «Қалмоқнинг ерлари кўнғир, салқин бўлади экан», - деб шу майсаларга, экиннинг устига Туркистондан ошган молларини рўпара ёғдириб, бошқариб, экинларни едириб юбора берди.

Қалмоқ юртининг оқсоқоллари экин ниҳолини кўргани келса, бундай аҳвол устидан чиқишади. Қалмоқшоҳга бу ҳақда хабар

---

<sup>1</sup> Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. «Ҳадис ва ҳаёт». Тошкент, «Шарк» нашриёти, 2007, 451-452-бетлар

берадилар. Шоҳ беш юз мирғазаб жаллодларни уларни ушлаб келишга жўнатади.

Жаллодлар Бойсари билан суҳбатлашиб, улар экинни билмай егизганини, Бойсари Қалмоқшоҳни орқа қилиб бу ерга келганини айтишади. Шунда шоҳ: «Мени ҳимоя тутиб келган одам бўлса, қаторда нори ҳам ўзиники, нор устида зари ҳам ўзиники, барча давлат-моли ҳам ўзиники, бизга даркор эмас, Барчин қизи ҳам ўзиники. Яйловига Чилбирнинг чўлини бердим, сувловига Ойнанинг кўлини бердим. Етти йилгача моли безакот, бетергов юра берсин. Ҳар ким мусофир бойларга таадди қилса, боши ўлимда, моли таловда, ўз ихтиёрида юра берсин», - деди.

Бу адолатли ҳукм Довуд алайҳиссалом ҳукми сингари адолатли ҳукм эди. Аммо масалага Сулаймон алайҳиссалом аралашгач, ҳукм янада адолатли қарор топади. Бу усул ҳам дostonда ўз ифодасини топган.

Гап шундаки, Тойчаҳон ҳукми шу билан тугамайди. Оқсоқол арбоблар бу ҳукмни эшитиб: «Сен бундай беклик қилдинг, бу бева-бечоранинг экинини егизиб қўйган, беш кун ўн кундан кейин солиқ, сурсат сўрайсан. Халқда ҳеч нима бўлмаса, одамларнинг кўрпасини соттириб оласанми?» - деди. Шунда Қалмоқшоҳ туриб айтди: «Ҳали йил эрта, тариқ-тармоқ эксенг ҳам овқатлигингни олиб қоласан; бу йилги берадиган ҳар нима подшолик чиқимидан ҳам ўтдим», - деди. Бу ҳукмдан Бойсари одамлари ҳам, Қалмоқ юрти одамлари ҳам димоғи чоғ бўлди.

Сод сурасининг 18-оятида шундай дейилган: **«Токи улар чумолилар водийига келганларида бир чумоли: «Эй чумолилар, масканларингга киринглар, Сулаймон ва унинг аскарлари Сизларни билмасдан эзиб юбормасинлар», - деди. Унинг бу гапларини Сулаймон алайҳиссалом эшитди».**

Рабғўзий ана шу ояти каримага таяниб, «Қиссаси Рабғўзий» китобида: «Сулаймон қаринчқа билан сўзлашгани» номли ҳикоя яратди. Рабғўзий чумолилар подшоҳликнинг отини ҳам беради. Уни Миндир дер эдилар. Рабғўзий Сулаймон алайҳиссалом ва чумоли суҳбатини диалог воситасида беради.

Чумоли: «Эмди дастур берсанг неча масъала савол қилайин». Сулаймон айди: «Қилғил». Қаринчқа айди: «Мавлодин не

тиладинг?» Сулаймон айди: «Андоғ мулк тиладимким, мандин ўзга ким эрсада бўлмасун». «Бу сўздин ҳасад иси келур, манга бўлгун, ўзгаларга бўлмагун. Тақи не тиладинг?» Сулаймон айди: «Елни тиладимки, манга мусаххар қилди, миниб юрурман, Астахардин Шомга, Шомдин Астхарға бир ойлик ер турур Кунда борурман ҳам келурман». Қаринчқа айди: «Маъниси ул бўлур: Сенинг илкингдаги мулкнинг қамуғи ел турур. Ани мингунча маърифат маркабини минсанг, сенга яхшироқ бўлур. Кўз юмуб очғунча бир соатда Аршға теккай эрдинг».

Шу тарзда Сулаймон алайҳиссаломга Оллоҳ томонидан тахт, учар қушлар, узук, дев ва париларни бўйисиндиргани айтилади. Рабғўзий қиссасидаги чумоли эътирозларидан мурод, улар фақат Сулаймон алайҳиссаломгагина эмас, барча одамларга ибратдир. Масалан, мулк тилагини олиб кўрайлик. Банда Оллоҳдан бирор нарса сўраганда, фақат ўзига эмас, аввал, бошқаларга тилаб, сўнг ўзига тиласа маъкулдир. Рабғўзий шу тарзда бу диалог воситасида одамларга панд-насихат беришга ҳаракат қилган.

Сод сурасининг 31-оятда шундай дейилган: **«Эсла, бир окшом унга гижинглаб турган учқур отлар кўрсатилди».** Сулаймон алайҳиссалом ғоятда гўзал ва учқур отларни кўриб, завқ билан томоша қилади. Бу ҳолат бир муддат давом этади. Сўнг Сулаймон алайҳиссалом сергак тортади. Шу суранинг 32-33-оятларида бу воқеанинг давоми берилган: **«У: «Албатта, мен Роббимнинг зикридан кўра дунё ишқига берилиб кетиб, ҳатто (қуёш) парда ила беркитибди-ку! Уларни менга қайтаринг!»** - деди. Сўнгра уларнинг оёқ ва бўйинларини «Силай» бошлади».

Кўринадики, Сулаймон алайҳиссалом дунё молларига берилиб кетганини сезиб, у отларни қурбонлик қилиб, сўйиб юборади. Бу ояти карима турли тафсирчилар томонидан турли тафсир қилинган. Рабғўзий Бу ояти карималарга, тафсирчилар тафсирларига таяниб, ўз китобида шу воқеага алоқадор ҳикоялар яратган.

Ҳикояда айтилишича, Сулаймон алайҳиссалом бир куни Ковон деган жойда отларни кўради. Уларга ҳаваси келади. Отлар учиб кетдилар. Пайғамбар Ковиш номли девга ўша отларни тутиб келишни буюради. Ковиш бу иш унинг қўлидан келмаслиги, уни Самдун номли дев қила олишини айтади. Самдун пайғамбарга

бўйсинмас, ундан қочиб, денгиз остида яшар эди. Ковиш бир ҳийла билан уни ушлаб келишга рухсат сўрайди. Сулаймон алайҳиссалом рози бўлади. Халқ орасида Сулаймон касал деб хабар тарқатадилар. Бир неча кундан сўнг Сулаймон ўлди деб эълон қиладилар. Самдун бу хабарни аниқлаш учун Ковиш ҳузурига келганда, юз дев уни ушлаб, Сулаймон ҳузурига олиб келадилар. Самдун Сулаймон алайҳиссаломдан кечирим сўраб, унга бўйсинди. Учқур отлар сув ичадиган жойга сув ўрнига чоғир қуйиб, отларни тутиб келтиради.

Сулаймон алайҳиссалом отларга маҳлиё бўлиб, намоз вақтини ўтказиб юборди. Намозни вақтида ўқиб олиш учун Оллоҳдан кунни боттирмай туришини сўради. Кун ботмай турди, намоз ўқилди. Отлар сўйилди.

Мустафо алайҳиссалом: «Менинг умматларимга ҳам шундай имконият берилса экан, деб ўйлади. Оллоҳдан ёрлик келди: «Эй менинг ҳабибим Муҳаммад, бу не каромат бўлур? Сулаймон учун кун ёнса, намозин вақтинда ўтаса, санинг кароматинг учун умматинг қазо намоз ўтамак қиёматга теги машруъ қилдим. Бир кунда юз ракаат намознинг қазосини ўтасалар, вақтинда ўтамиштек қабул қилғаймен»<sup>1</sup>.

Қуръони Каримдан бадий адабиётга кўчган қиссалардан бири Билқис қиссасидир. Сулаймон алайҳиссалом ва Сабаъ маликаси Билқис ҳақидаги қисса Хамл сурасида берилган. Бу сурадаги воқеалар асосида Рабғўзий Билқис ҳикоясини яратган. Ёзувчи Қуръон оятлари мазмунига таянган ҳолда Ибн Аббос розияллоху анху тафсирларига ҳам таянган.

Намл сурасининг 20-оятида шундай дейилган: **«Ва қушларни текширди-да: «Нега Худхудни кўрмаётирман ёки ғойиблардан бўлдими?» - деди.** Ояти каримада Сулаймон алайҳиссалом лашкарларини текшириб, Худхуднинг йўқлигини пайқаган. Рабғўзий қиссасида эса қушлар Сулаймон алайҳиссалом бошига соя қилиб туриши, унинг тахтига ойча ёруғлик тушгандан сўнг Худхуднинг йўқлигини пайқагани айтилган.

Намл сурасининг 21-оятида шундай дейилган: **«Албатта, уни шиддатли азоб-ла азобларман ёки сўйиб юборурман ёхуд менга,**

---

<sup>1</sup> Рабғўзий. «Қиссаси Рабғўзий», Тошкент, «Ёзувчи» нашриёти, 1991, 38-бет

**албатта, очик-ойдин хужжат келтиражак». Рабғўзий қиссасида оят мазмуни айнан келтирилган.**

Суранинг 22-оятида шундай дейилган: **«Кўп ўтмасдан у келиб: «Сен билмаган нарсани билдим ва сенга Сабаъдан ишончли бир хабар олиб келдим».**

Рабғўзий қиссасида эса Худхуднинг сафдан кетиб қолиш сабаби айтилган. Сулаймон сафар чоғида сувга муҳтож бўлади. Худхуд сув истаб ҳавога кўтарилади. У тош ичида сув кўрди, аммо Сулаймон аскарлари кўринмас эди. Узоқдан бир тоғ кўрди. Тоққа бориб кўнди. У ерда бир Худхудни кўрди, ундан номини сўради. У Ақбо номли Худхуд эди. Сулаймон Худхудининг номи Яъқуб эди. Сабаъ маликаси Билқис юртидан эди. Қуръонда Билқис юрти Сабаъ деб берилган эди. Ақбо Яъқубни ўз қавмига олиб боради. Яъқуб ғоят гўзал, шон-шавкатли Билқисни кўради. Улар қуёшга сажда қилар эдилар.

Қуръони Карим оятларидаги Сулаймон алайҳиссаломнинг Билқисга мактуб йўллаши, Билқис аъёнлари билан маслаҳат қилиб, Сулаймонга мол-дунё юборгани, пайғамбар мол-дунёга парво қилмай, маликани ўз саройига чорлагани айтилган.

Рабғўзий қиссасида ҳам шу воқеалар айнан берилса-да, Билқис Сулаймон алайҳиссаломни синагани ҳам берилган. Билқис Сулаймоннинг нечоғлик зукко эканини синаб кўриш учун инжуни кўл текизмай тешиш, бир хил сифатдаги кишиларнинг эр ёки қиз эканини аниқлаш, урғочи отларни қулини бор ёки йўқлигини аниқлаш шартларини кўяди.

Қумурсқа инжуни тешади. Билқис юборган ёшларга кўлга сув қуйиш топширилади. Йигитлар озроқ, қизлар кўпроқ сув қуйиши орқали уларнинг кимлиги аниқланади. Отларни чоптириб келадилар. Қулини бор отлар терлаб кетади. Шу йўл билан бу синов ҳам ижобий ҳал этилди.

Қуръони Каримда ҳам, Рабғўзий қиссасида ҳам Билқис Сулаймон алайҳиссалом саройига келиб, узр сўрайди, мусулмонликни қабул қилади.

Сод сурасининг 34-оятида шундай дейилган: **«Батаҳқиқ, Биз Сулаймонни синадик. Унинг курсисига жасадни ташладик. Сўнгра у тавба қилди».**

Бу ояти каримага бошқа сураларда ҳам, пайғамбарлар суннатларида ҳам жавоб йўқ. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда шундай фикр бор: «**Расулуллоҳ айтадилар: «Сулаймон, бу кеча етмиш аёлни айланиб чиқаман, уларнинг ҳар бири Оллоҳ йўлида курашадиган чавандоз туғади»,** - деди. Иншаоллоҳ, демади.

Бас, у аёлларни айланиб чиқди. Улардан биргина аёл ҳомиладор бўлиб, яримта (чала) бола ташлади. У иншаоллоҳ, деганда уларнинг ҳаммаси чавандоз бўлиб, Оллоҳ йўлида курашар эдилар».

Шунда Сулаймон алайҳиссалом гап нимада эканини тўла англаб етади. У ҳеч қачон Оллоҳ зикридан бошқа нарсага кўнгил бермасликка ва иншаоллоҳ демасдан бирор иш қилмасликка қарор берди.

Бу ояти каримадаги воқеа Рабғўзий китобида ҳам ривоят тарзида акс этган.

Сулаймон алайҳиссаломга мурожаат, унинг тимсолини яратиш насрий асарлардагина бўлмасдан назмда ҳам кўп учрайди. Маълумки, ўтмишда яратилган асарлар дебоча қисмида мадҳия боби мавжуд бўлиб, бу бобда ҳукмдорлар ёки шу асарни яратишга моддий кўмак берган киши мадҳ этилган. Аксар асарларда ўша ҳукмдорлар мадҳида Сулаймон пайғамбарга қиёс учрайди. Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асари Муҳаммадхўжа кўмагида яратилган. Шунинг учун Хоразмий Муҳаммадхўжани мадҳ этар экан, уни Сулаймон, Юсуф алайҳиссаломларга қиёс этади:

Сулаймон салтанатлиқ подшосен,  
Масих анфолиқ Юсуф ликосен.

Хоразмий бу дунёнинг ўткинчи эканини ёзар экан, шунча шон-шавкатга эга бўлган Сулаймон алайҳиссалом ҳам бу дунёдан ўтганини келтиради:

Ким ҳеч кишига қолмади бу бевафо қарн,  
Дунё сенга қолурму, Сулаймонга қолмади.

Камол Хўжандий «Латофатнома» асарида Маҳмуд Тархон мадҳида Сулаймон пайғамбар ва чумоли ҳикоясидан фойдаланган:

Вале мўр келтурди яроқин,  
Сулаймонга чевуртканинг аёғин.  
Сулаймонтек эрур жоҳу жамолинг,  
Хўжанд айтса заиф бўлсун чумолинг.

Маълумки, Сулаймон алайҳиссаломга девлар бўйсинган. Ҳофиз Хоразмий ғазалларининг бирида Сулаймон замони «илгига тегишини» орзу қилади:

Деву дад барчаси фармонинки тутгай эрдилар,  
Илгима текса Сулаймони замондин хотаме.

Саккокий ғазалларининг бирида ёр сочларининг юзида туриши унинг чиройини янада очгани, ёр гўзаллик мулкида Сулаймон мулки каби бўлгани, Аҳраман кўлидан чиқиб, оҳу дод қилаётганини шундай тасвирлайди:

Юз узра гўйиё зулфинг Сулаймон мулкени тутмиш,  
Ул Аҳраманнинг илкидин ҳазорон оҳу вовайли.

Аҳраман ёвузлик оламининг худоси, инсу жинслар унга бўйсинади. Бу «Авесто» китобидаги талқин. Қуръони Каримда эса Оллоҳ Сулаймон алайҳиссаломга елни бўйсиндирганки, унинг тахтини ел кўтариб юради. Девлар, парилар, инсу жинслар унга тобе қилинган. Саккокий ана шу маълумотлардан фойдаланган ҳолда Улуғбекка аталган қасидасида Улуғбек замонини Сулаймон алайҳиссалом замонига ўхшатади:

Жаҳондин Аҳраман кетиб, мусаххар бўлғай инсу жон,  
Ким уш тахтин ел кўтариб Сулаймони замон келди.

Ототий ёр билан кечган бир замонни Сулаймон мулкидек, Нух умридек деб таърифлайди: Ёр сочларини сабо тўзғитса, Сулаймон лашкаридек беҳисоб кўриниб, унинг «ғул ғули» оламини тутди:

Сулаймон мулкидур ҳам Нух умри  
Санинг бирла кечурган бир замоним.

Сабо девори зулфингдан ўтарда  
Сулаймон лашкарининг гул гулидур.

Огаҳий бу дунёнинг ўткинчи эканини айтиб, Сулаймон пайғамбар сингари тахтни бод (ел) устига қуриб, оламни сайр этишни уқтиради:

Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,  
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуруб бод устина.

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Демак, Қуръони Каримдаги пайғамбарлар ҳақидаги маълумотлар асосида истиқлол даври адабиётида янги-янги бадиялар юзага келиши шубҳасиздир.

## **Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам хаётининг бадий адабиётдаги талқини**

Қуръони Каримда номлари зикр этилган пайғамбарларнинг сайиди – Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васалламдир. Пайғамбаримизнинг буюклиги шундаки, Оллоҳ ҳали инсониятни яратмай туриб, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг нуруни яратиши, у зотни ҳабибим деб аташи, бошқа пайғамбарларга берилмаган имконият ва фазилатларнинг берилиши, охириги замон пайғамбари қилиб яратилишидир.

Барча пайғамбарлар ҳаёт тарзида ибратли томонлар бўлгани ҳолда, бизнинг пайғамбаримиз ҳаёти Қуръон таълимоти асосида яшашнинг олий намунаси. Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳаёт тарзини ўрганиш, ундан ибрат олиш, ўз ҳаёт тарзини пайғамбаримиз ҳаёт тарзидек бўлишига ҳаракат қилиш инсонни икки дунё саодатига етаклаши шубҳасиздир.

Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам буюклигини унга умматман дегувчиларгина эмас, балки ғайри дин бўлган, ғарбнинг алломалари ҳам тан олганлар. Инглиз ёзувчиси Бернард Шоу: «**Агар Муҳаммад пайғамбар тирик бўлганида, замонамиз муаммоларини бир пиёла чой устида ҳал қилган бўлар эди**», - деб айтган.

Олмон шоири Гёте шундай деб ёзган: «**Мен дунё тарихини ўқиб шундай хулосага келдим: дунё подшоҳлари тўплаган жами салтанату бойлик, қасрлару саройлар Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ямоқ яхтакларига ҳам арзимас экан... Биз Оврўпа миллатлари маданий имконимиз юқори бўлишига қарамай, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам сўнгги поғонасига қадар чиқа олган зинанинг биринчи пиллапоясидамиз, холос. Ҳеч шубҳа йўқки, бирон кимса, у Зотдан юқорирокқа ўта олмайди**».

Диний қадриятларнинг душмани бўлган Шўро тузуми бизни Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламни англаш саодатидан бебаҳра қилди. Истиқлол ўзлигимизни англаш, диний қадриятларни ўрганиш, инсонларни комилликка етаклашда улардан фойдаланиш имконини берди.

Истиклолдан сўнг Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳаётига оид илмий адабиётлар<sup>1</sup>, бадий адабиётлар ўзбек тилида нашр этила бошланди<sup>2</sup>.

Бу адабиётларни ўрганиш, улар воситасида Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳаёти билан яқиндан танишиш ҳаммамизга насиб этсин.

Қуръонда Мусо, Исо, Юсуф алайҳи васалламлар ҳаёти ҳақида алоҳида суралар мавжуд бўлса-да, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳаёти ҳақида алоҳида ҳикоя қилувчи сура мавжуд эмас. Қуръондаги маълумотлар ва бошқа манбаларга таяниб, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳаёти ҳақида бадий асар яратиш Рабғўзийга насиб этди.

Рабғўзий XIV аср ёзувчиси бўлиб, хоразмлик ижодкордир. Носриддин Бурхондин ўғли Рабғўзий Работ, Ўғиз деган жойларда қозилик қилган. Ёзувчи таҳаллуси ана шу жой номларидан олинган.

«Қиссаси Рабғўзий», «Қиссаси анбиё» номлари билан машҳур бўлган бу асар 1309 йилда ислом динини қабул қилган мўғул ҳукмдори Тўқбуқанинг топшириғига кўра ёзилган.

Китобда дастлаб пайғамбаримиз ҳақидаги қисса шеърӣ йўлда баён қилинган. Бу шеърӣ дебоча пайғамбар ҳақидаги қиссанинг (сюжетнинг) фабуласидир. Шундан сўнг пайғамбаримиз ҳаёти насрий йўлда ифода қилинган. Рабғўзий дастлаб Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам шажарасини беради: «Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдул Муталлиб ибн Ҳошим ибн Абди Манноф ибн Қусай ибн Килоб ибн Мура ибн Каъб ибн Лубай ибн Адий ибн Ғолиб ибн Фихр ибн Молик ибн Назр ибн Ҳузайма ибн Мудрика Ва умму Зубайр Сафийя бинт Абдил Муталлиб. Ва умму Алийй ибн Аби Толиб Фотима ал-Кубро бинт Асад ибн Ҳошим. Ва умму саъид ҳамия бинт Суфён ибн Абди Шамс ибн Абди Манноф»

Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Ҳадис ва ҳаёт» китобида пайғамбаримиз насаби қуйидагича берилган: «У Зот —

---

<sup>1</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Ҳадис ва ҳаёт», 19-жуз. Тошкент, «Шарқ» нашриёти, 2006. Раҳматуллоҳ қори Обидов. «Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир», Тошкент, «Мовароуннаҳр», 2005. А.Соғунӣ. «Тарихи Муҳаммад». Тошкент, 1997. Абдул Азим Зиёуддин. «Сиз пайғамбарни кўрганмисиз?», Тошкент Ислom Университети нашриёти, 2007.

<sup>2</sup> Рабғўзий. «Қиссаси Рабғўзий», Тошкент, «Ёзувчи» нашриёти, 1990, 1991. Аҳмад Лутфӣ. «Саодат асри қиссалари», IV жуз, Тошкент, «Шарқ» нашриёти, 2007.

Муҳаммад мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмуталлиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф ибн Қусай ибн Килоб ибн Мура ибн Каъб ибн Луъай ибн Ғолиб ибн Феҳр ибн Малик ибн ан-Назр ибн Киноно ибн Ҳузаймо ибн Мудрико ибн Илъяс ибн Музар ибн Низар ибн Маъдд ибн Аднан».

Рабғўзий асари бошида пайғамбаримиз шажарасини, отаси, онаси, бобоси исмларини берса-да, пайғамбаримиз исмларига тўхталмаган. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак исмлари кўп бўлиб, уларни келтирамиз:

- |    |            |   |
|----|------------|---|
| 1  | Муҳаммад   | - мадҳга, мақтовга лойиқ инсон          |
| 2  | Маҳмуд     | - дунё ва охиратда мақталувчи           |
| 3  | Аҳмад      | - Оллоҳга кўп ҳамда айтувчи             |
| 4  | Ҳамид      | - Оллоҳга мукаммал ҳамд айтувчи         |
| 5  | Қосим      | - тақсимловчи                           |
| 6  | Ақибун     | - барча пайғамбарлар охири              |
| 7  | Хотамун    | - охирги                                |
| 8  | Маҳин      | - ойдек гўзал                           |
| 9  | Ҳашийрун   | - тўпловчи                              |
| 10 | Даин       | - даъват қилувчи                        |
| 11 | Шаҳидун    | - гувоҳлик берувчи                      |
| 12 | Мубашширун | - хушхабар берувчи                      |
| 13 | Назийрун   | - огоҳлантирувчи                        |
| 14 | Сирожун    | - чирок                                 |
| 15 | Мукийрун   | - ойдинлатувчи                          |
| 16 | Мунзирун   | - охират азобларидан огоҳлантирувчи     |
| 17 | Расулун    | - элчи                                  |
| 18 | Мурсалун   | - элчи                                  |
| 19 | Набийюн    | - Оллоҳдан ваҳий келган                 |
| 20 | Маҳдийюн   | - ҳидоятга эришган                      |
| 21 | Муҳтадин   | - ҳидоятга етишган                      |
| 22 | Холийлун   | - дўст                                  |
| 23 | Хабибийбун | - севимли                               |
| 24 | Табийбун   | - дардларга даво                        |
| 25 | То-ҳа      | - бу сўзнинг маъноси оллоҳгагина маълум |
| 26 | Ясин       | - бу сўзнинг маъноси оллоҳгагина маълум |
| 27 | Мустафа    | - танланган                             |

28	Мужтоба	- бошқа инсонлардан фаркли
29	Муртазо	- танланган
30	Мубийн	- очик-ошкора огоҳлантирувчи
31	Нурун мубийн	- очик нур
32	Бурханун	- очик далил
33	Насирун	- ёрдам берувчи
34	Қоимун	- ибодатда қоим
35	Ҳафизун	- муҳофаза этилган
36	Шаҳидун	- гувоҳлик берувчи
37	Шаҳийдун	- гувоҳ
38	Адилун	- адолатли
39	Алимун	- илм соҳиби
40	Ҳалиймун	- юмшоқ табиатли
41	Софийюн	- покиза
42	Ҳужжатун	- ҳужжат
43	Баянун	- ҳужжатлашган
44	Мутийъун	- итоаткор
45	Мазкурун	- исми зикр қилинган
46	Ваъизун	- насиҳат қилувчи
47	Соҳибун	- дўст
48	Натикун	- нотик
49	Содикун	- ростгўй
50	Мусоддиқун	- тасдиқ этувчи
51	Музаффарун	- зафар қозонувчи
52	Маккийюн	- маккалик
53	Маданийюл	- мадиналик
54	Абтохийюн	- абтол қабиласидан
55	Қурошшийюн	- қурайшлик
56	Арабийюн	- араб
57	Азийзун	- иззат ва шараф эгаси
58	Харийсун	- меҳрибон
59	Роуфун	- шафқатли
60	Роҳиймун	- раҳмдил
61	Жавадун	- саҳоватли
62	Ғонийюн	- бадавлат
63	Фаттахун	- очувчи
64	Алиймун	- билувчи

65	Мунийбун	- йўналган
66	Хотийбун	- умматлар воизи
67	Фасийхун	- фасоҳатли
68	Рошийдун	- тўғри йўлга бошловчи
69	Тоҳирун	- жуда покиза
70	Мутоҳҳарун	- қалби покланган
71	Имамун	- пешво
72	Амийрун	- йўлбошловчи
73	Мутавассатун	- ўрта йўлни тутувчи
74	Сабиқун	- барча фазилатларда олдин борувчи
75	Муҳтасидун	- тежамли
76	Аввалун	- аввалгилардан
77	Ахирун	- охиргилардан
78	Зоҳирун	- мавжудлиги аён бўлган Зот
79	Батинун	- Оллоҳнинг батинун сифатидан умумлашган зот
80	Кариймун	- кенг феълли
81	Шафиъун	- шафоат этувчи
82	Мушаффаъун	- шафоат этилган
83	Ҳадин	- ҳидоятга эришга
84	Мукаллилун	- ҳал этувчи
85	Муҳаннимун	- ҳаром қилувчи
86	Наҳин	- ман этувчи
87	Ҳакиймун	- қудратли ҳикмат эгаси
88	Қорийбун	- яқин
89	Шакирун	- шукур қилувчи
90	Сабурун	- сабрли
91	Роқийбун	- текширувчи
92	Музаммилун	- ўраниб ётувчи
93	Мудассирун	- бурканиб ётувчи
94	Муъалла	- улуғ
95	Музалло	- тозаланган
96	Мушфиқун	- шафқатли
97	Муҳсинун	- эҳсон қилувчи
98	Мутаълмимун	- тугатувчи <sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Раҳматулло кори Обидов, Дилфуза Сарварова. «Муқаддас ойлар ва мустажоб дуолар», Тошкент, «Мовароуннаҳр» нашриёти, 2005, 338-346-бетлар

Мирпатхуллоҳ Қодирий нашрга тайёрлаган «Илмлар ҳосияти» китобида Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам исмлари қуйидагича берилган:

- |    |                 |   |
|----|-----------------|---|
| 1  | Муҳаммад        | - мақталувчи  |
| 2  | Аҳмад           | - Оллоҳга кўп ҳамд айтувчи                          |
| 3  | Ҳамид           | - Оллоҳга ҳамду сано айтувчи                        |
| 4  | Маҳмуд          | - мақталган   |
| 5  | Аҳид            | - фазилатлар бобида ягона                           |
| 6  | Ваҳийд          | - ахлоқ-одобда ягона                                |
| 7  | Ҳашир           | ўз умматларини қиёмат куни<br>- маҳшаргоҳга йиғувчи |
| 8  | Оқиб            | - ҳамма пайғамбарлар охири                          |
| 9  | Тоҳа            | - бу сўзнинг маъноси Оллоҳгагина маълум             |
| 10 | Ёсин            | - бу сўзнинг маъноси Оллоҳгагина маълум             |
| 11 | Тоҳир           | - тоза, пок   |
| 12 | Мутаҳҳир        | - дили покланган                                    |
| 13 | Таййиб          | - пок, хуштабиат                                    |
| 14 | Саййид          | - хожа  |
| 15 | Расул           | - элчи, пайғамбар                                   |
| 16 | Набий           | - пайғамбар   |
| 17 | Расулур-рахмат  | - раҳмат пайғамбари                                 |
| 18 | Қаййим          | - тўғри йўлдан борувчи                              |
| 19 | Жамиъу          | барча яхши фазилатларни ўзида<br>- мужассам этувчи  |
| 20 | Муктафий        | - эргашувчи   |
| 21 | Мукфин          | - эргашувчи   |
| 22 | Расулул-муҳоқим | - жангу жиҳод пайғамбари                            |
| 23 | Расулур-роҳаҳ   | - роҳат пайғамбари                                  |
| 24 | Комил           | - етук  |
| 25 | Инлил           | - тож   |
| 26 | Муддассир       | - кўрқувдан матоҳга ўралиб олган                    |
| 27 | Музаммил        | - мудассир  |
| 28 | Абдуллоҳ        | - Оллоҳнинг бандаси                                 |
| 29 | Ҳабибуллоҳ      | - Оллоҳнинг суюклиси                                |
| 30 | Сафийуллоҳ      | - Оллоҳнинг танлагани                               |

- |    |                 |  |
|----|-----------------|--|
| 31 | Нажиюллоҳ       | - Оллоҳнинг сирдош дўсти   |
| 32 | Калимуллоҳ      | - Оллоҳ билан сўзлашувчи   |
| 33 | Хотамул-анбиё   | - набийлар охири, уларнинг хотимаси  |
| 34 | Хотамур-расул   | - расуллар хотимаси  |
| 35 | Муқийй          | - динни тургизувчи, ривожлантирувчи  |
| 36 | Мунжий          | - халоскор   |
| 37 | Музакир         | - эслатувчи (Оллоҳ ва охиратни)  |
| 38 | Носир           | - ёрдам берувчи  |
| 39 | Мансур          | ёрдам берилган, душманлари устидан<br>- зафар топган                                     |
| 40 | Набийюр-роҳма   | - раҳмат пайғамбари  |
| 41 | Набийют-тавба   | - тавбага тарғиб этувчи  |
| 42 | Ҳарисун алайкум | - умматларига меҳрибон   |
| 43 | Маълум          | - ҳаммага маълум   |
| 44 | Шаҳир           | - ҳаммага машҳур   |
| 45 | Шоҳид           | - гувоҳ  |
| 46 | Машҳуд          | - гувоҳлик берилган  |
| 47 | Башир           | - хушxabар берувчи   |
| 48 | Мубашшир        | - хушxabар берувчи   |
| 49 | Назир           | - азоблардан огоҳлантирувчи  |
| 50 | Мунзир          | - охират азобларидан огоҳлантирувчи  |
| 51 | Нур             | - нур, ёруғлик, ёғду   |
| 52 | Сирож           | - чироғ, қуёш  |
| 53 | Мисбоҳ          | - чироғ  |
| 54 | Ҳуда            | - ҳидоят манбаи  |
| 55 | Мухтор          | - танлаб олинган   |
| 56 | Ажир            | - динга хизмат қилувчи   |
| 57 | Жаббор          | - айбларни ёпувчи  |
| 58 | Абул Қосим      | - Қосимнинг отаси  |
| 59 | Абут-Тоҳир      | - Тоҳирнинг отаси  |
| 60 | Абут-Таййиб     | - Таййибнинг отаси   |
| 61 | Абу Иброҳим     | - Иброҳимнинг отаси  |
| 62 | Мушаффаъ        | - шафоат ҳуқуқи берилган   |
| 63 | Шафийъ          | шафоат этувчи (қиёмат куни гуноҳкор<br>умматларининг кечирилишини оллоҳдан<br>- сўровчи) |

- |    |                              |   |
|----|------------------------------|---|
| 64 | Солиҳ                        | яхши ишларни қилувчи, оллоҳнинг<br>- буйруқларини адо этувчи  |
| 65 | Муслиҳ                       | - ислоҳ этувчи, тузатувчи   |
| 66 | Муҳаймин                     | - умматлари ишини кузатиб турувчи   |
| 67 | Содик                        | - ростгўй, вафодор  |
| 68 | Мусаддик                     | - тасдиқ этувчи   |
| 69 | Сидқ                         | - ростгўй, тўғрилиқ   |
| 70 | Саййидил-мурсалин            | - пайғамбарлар хожаси   |
| 71 | Имом ул-муттақин             | - тақводорлар пешвоси   |
| 72 | Қондул-ғуррил-<br>муҳатталин | қиёмат куни сажда қилган аъзоларидан<br>нур чиқиб турувчи ибодатли умматларни<br>- жаннатга элтувчи |
| 73 | Ҳалил ур-Раҳмон              | - Раҳмоннинг дўсти  |
| 74 | Барр                         | - ҳайрли, солиҳ амаллар қилувчи   |
| 75 | Мабарр                       | - ҳамма яхшиликлар манбаи   |
| 76 | Мажих                        | - гўзал юзли  |
| 77 | Насийҳ                       | - насиҳатгўй  |
| 78 | Носих                        | - насиҳатчи   |
| 79 | Вакил                        | - вакил, ишонч эгаси, кафил   |
| 80 | Мутаваккил                   | - таваккал этувчи   |
| 81 | Кафил                        | - кафил, кифоятга олувчи  |
| 82 | Шафиқ                        | - шафқатли, меҳрибон  |
| 83 | Муқиймус-сунна               | - суннатни тикловчи   |
| 84 | Муқаддас                     | - улуғланувчи, гуноҳлардан пок  |
| 85 | Рухул-Қуддус                 | - муқаддас руҳ  |
| 86 | Рухул-Ҳақ                    | - ҳаққоний руҳ  |
| 87 | Рухул-Қист                   | - адолатли руҳ  |
| 88 | Кофий                        | - кифоя қилувчи (диний эҳтиётларга)   |
| 89 | Муктафий                     | - Оллоҳнинг амрлари билан кифоланувчи   |
| 90 | Болиғ                        | - олий даражаларга етган  |
| 91 | Мубаллағ                     | Оллоҳ томонидан келувчи барча диний<br>- аҳкомларни умматларига тўла етказувчи                      |
| 92 | Шафин                        | қалб касалликларига ва маънавий<br>- иллатларга нисбатан шифокор                                    |
| 93 | Васил                        | Оллоҳнинг розилиги ва дийдорига<br>- етишувчи   |

- |    |        |  |
|----|--------|--|
| 94 | Мавсул | Он ҳазратнинг шафоатлари ва              |
|    |        | - дийдорларига умматлари етишурлар       |
| 95 | Собик  | барча фазилат ва шарафда олдинга         |
|    |        | - борувчи                                |
| 96 | Соик   | умматларини бу дунёдан имон ва амал      |
|    |        | сари, охиратда эса, дўзахдан жаннат сари |
|    |        | - ҳайдовчи                               |
| 97 | Ҳодий  | - тўғри йўлга бошловчи                   |

Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо саллоллоҳу алайҳи  
васалламнинг қўшимча номлари:

- |    |                         |  |
|----|-------------------------|--|
| 1  | Азиз                    | - иззат ва шараф эгаси                 |
| 2  | Фозил                   | - фазлу карам соҳиби                   |
| 3  | Муфаззал                | - ҳаммадан афзал                       |
| 4  | Фотиҳ                   | - фатҳ этувчи                          |
| 5  | Мифтоҳ                  | - калит (яхшиликлар хазинасини очувчи) |
| 6  | Мифтоҳур-роҳма          | - раҳмат калити                        |
| 7  | Муфтоҳул-жанна          | - жаннат калити                        |
| 8  | Аламул-имон             | - имон байроғи                         |
| 9  | Аламул-яқин             | - ишонч байроғи                        |
| 10 | Далилул-хайрот          | - яхшиликларга элтувчи                 |
| 11 | Мусаҳҳихул-<br>ҳасанот  | - савобли ишларни ислоҳ этувчи         |
| 12 | Муқлилул-хасарот        | - билмай адашганларни кечирувчи        |
| 13 | Сафухун аниз-<br>зиллат | - қоқинганларнинг гуноҳидан ўтувчи     |
| 14 | Соҳибуш-шафоат          | - шафоат соҳиби                        |
| 15 | Соҳибул-мақом           | - жаннатдаги улуғ мақом эгаси          |
| 16 | Соҳибул-қадам           | - муборак қадам эгаси                  |
| 17 | Маҳсусун бил-изз        | - иззат ва шарафли                     |
| 18 | Маҳсусун бил-<br>мажд   | - улуғлик соҳиби                       |
| 19 | Маҳсусун бин-<br>шараф  | - шараф эгаси                          |
| 20 | Соҳибул-васила          | - охиратга тўша қилувчи                |

- |    |                         |   |
|----|-------------------------|---|
| 21 | Соҳибус-сайф            | - қилич соҳиби (зификор ва турли қиличлари бўлган)  |
| 22 | Соҳибул-фазила          | - фазилат соҳиби  |
| 23 | Соҳибул-изор            | - лозим кийиб юрувчи  |
| 24 | Соҳибул-хужжа           | - ҳужжат соҳиби   |
| 25 | Соҳибул-султон          | - салтанат соҳиби   |
| 26 | Соҳибур-ридо            | - ёпинчиқ ёпиниб юрувчи   |
| 27 | Соҳибуд-дарожатир-рафия | - юқори даража соҳиби   |
| 28 | Соҳибут-тож             | - тож эгаси (подшоҳлардан буюкроқ бўлсалар-да, умрларида тож киймаганлар. бу ерда маънавий тож эгаси) |
| 29 | Соҳибул-миғфар          | - қалқон соҳиби   |
| 30 | Соҳибул-ливоъ           | - байроқдор   |
| 31 | Соҳибул-меърож          | - меърож соҳиби   |
| 32 | Соҳибул-қазиб           | - таёқ, асо соҳиби  |
| 33 | Соҳибул-бурок           | - фазо улови соҳиби   |
| 34 | Соҳибул-хотам           | - узук соҳиби   |
| 35 | Соҳибул-аллома          | - аломатли, белгили   |
| 36 | Соҳибул-бурхон          | - ҳужжатли, далилли   |
| 37 | Соҳибул-баён            | - сўзамон   |
| 38 | Фасиҳул-лисан           | - тили фасоҳатли  |
| 39 | Мутаҳҳарул-жонон        | - дили назоратли  |
| 40 | Рауф                    | - меҳрибон, мушфик  |
| 41 | Раҳим                   | - раҳмдил, марҳаматли   |
| 42 | Узуну хайр              | - яхшиликларни элтувчи қулоқ соҳиби   |
| 43 | Саҳиҳул-ислам           | - исломи бутун  |
| 44 | Саййидул-кавнайн        | - икки дунё хожаси  |
| 45 | Айнун-намм              | - неъматлар булоғи  |
| 46 | Айнун-зурр              | - намозхонлар сарчашмаси  |
| 47 | Саъдуллоҳ               | - Оллоҳнинг халқ учун берган бахт-саодати   |
| 48 | Саъдул-халқ             | - халқнинг бахт-саодати   |
| 49 | Хутубул-умам            | - умматлар воизи  |
| 50 | Аламул-худо             | - ҳидоят байроғи  |
| 51 | Кошифул-кураб           | - ғам-ташвишларни кетказувчи  |
| 52 | Рофеур-рутаб            | - мартабаларни кўтарувчи  |

- 53 Иззул-араб - араблар иззати, фахри  
 54 Соҳибул-фараж - хурсандлик соҳиби  
 55 Муқаддам - муқаддам, пешво<sup>1</sup>

Шундан сўнг Рабғўзий Жаброил ва пайғамбаримиз ўртасидаги ёш масаласидаги савол ва жавобни беради. Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам Жаброилдан: «Сенинг ёшинг улуғми ёки менинг ёшим улуғми?» - деб савол сўрайди. Жаброил эса Нашрдамук номли юлдуз борлиги, бу юлдуз ўттиз минг йилда бир кўринар, мен унинг кўринишини биламан, деб жавоб беради. Расул айди: «Менинг ёшим сандин улуғ эрмиш, анинг учунким қамуғдин бурунроқ манинг нуримни Мавло таоло яратти». Демак, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам Жаброилдан ҳам ёши улуғ экан.

Қиссада ёзилишича, пайғамбаримиз отасининг исми Абдуллоҳ бўлиб, онасининг исми Омина эди. Абдуллоҳ пайғамбаримиз она қорнида олти ойлигида вафот этади. Онаси эса пайғамбаримиз б ёшга тўлганда вафот этади. Гўдакни бобоси Абдул Муталлиб тарбия қилади.

Арабларда Саъд номли қабила бўлиб, бу қабила аъзолари Маккага келиб, янги туғилган чақалоқларни эмизиб катта қилиш учун қабиласига олиб кетар, бунинг эвазига ҳақ олар эди. Бу қабиладан Ҳалима исмли аёл Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламни эмизиш учун олиб кетади.

Ажабтовур воқеа шуки, бу аёлни ўнг кўкрагидан сут келмас эди. Пайғамбарга чап кўкрагини тутди. Гўдак бу кўкракни эммайди. Ўнг кўкракдан шариллаб сут кела бошлайди. Бунинг устига уларнинг кўтир туяси бўлиб, озгина сут берар, шунинг ҳисобига яшар эдилар. Гўдак туяга чиққач, кўтирлари йўқ бўлиб, кўп сут бера бошлайди.

Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам тўрт йил Ҳалима тарбиясида бўлди. Бир куни у болалар билан кўй-кўзи боққани борганда, осмондан икки киши келиб, олиб кетди. Уни ерга ётқизиб, юрагини чиқариб, олтин идишда ювадилар, олтин игна билан яна тикиб қўядилар. Бу воқеадан хабар топган Ҳалима болани Абдул

<sup>1</sup> «Исмлар хосияти». Мирпатхуллоҳ Қодирий нашрга тайёрлаган, Тошкент, «Фан» нашриёти, 2006 йил, 19-28-бетлар

Муталлибга келтириб беради. Бу икки куш Жаброил ва Макоил фаришталар эди.

Пайғамбаримизни Абдул Муталлиб ардоқлаб тарбия қилди. Қазоси яқинлашгач, тўрт ўғилларидан бири Абу Толибга пайғамбаримизни топширди. Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам йигит ёшигача унинг қўлида тарбия топди. Абу Толиб Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламни уйлашга қурби етмайди. Шунинг учун маблағ топиш мақсадида уни Ҳадича исмли бой аёл хизматига беради. Ҳадича савдо иши билан шуғулланиб, унинг карвони йилда икки марта Шом вилоятига бориб, савдо билан шуғулланар эди.

Ҳадичанинг эри ўлиб, тул қолган эди. Унга кўп бой одамлар харидор бўлдилар, аммо у турмуш қилмади. Бир куни туш кўради: ой унинг қўйнига кириб, сўнг бутун ер юзига нур таратади. Ҳадича тушини таъбир қилишни роҳиб Баҳирудан сўрайди. Роҳиб Таврот китобида битилган маълумотларни туш таъбири сифатида айтиб беради: «Бу ой сўнгги замон пайғамбари Муҳаммад Мустафо бўлиб, у сенга уйланади, пайғамбар бўлиб, бутун оламини нурга тўлдиради» .

Ҳадича Муҳаммад мустафони ҳузурига чорлаб, уни кузатади. Бу ҳолатни Рабғўзий шундай тасвирлайди: «Ҳадича парда ичида ўлтуруб, бир Муҳаммад юзига боқар, бир Тавротга боқар эрди. Тавротда кўргани бир. Сочи қоралиқи, кўзи, қоши қамуғ нуроний. Андоғким қайда юруса ё ўлтурса қирқ кунга теги ул ердан йипор иси келур эрди».

Рабғўзий бу ерда пайғамбаримиз портретини бермоқда. Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг портретлари Аҳмад Лутфийнинг «Саодат асри қиссалари» китобида ҳам берилган. Жумладан, бу китобда шундай фикрларни ўқиймиз. «Ҳазрати Юсуфнинг ҳам, бошқа барча пайғамбарларнинг ҳам султони бўлган Расули акрамнинг чеҳраларига маҳлиё Зиёда у зотнинг қучоқларида жон таслим этса, не бахт?»

«Зайд Муҳаммаднинг ҳузурига чиққанда ҳаяжондан титраб кетди. Қаршисида юзидан нур ёғилиб турган инсон турарди. Дунёда ҳеч ким бу инсончалик гўзал бўла олмаслигига қасам ичишга тайёр эди. Оллоҳ барча гўзалликни ушбу одамда мужассамлаштирган экан, деган киши сира ҳам муболаға қилмаган бўларди».

Абдул Муталлиб: «Ҳеч бир кўз бундан ҳам гўзал гўдакни кўрмаган. Ҳеч бир она бундан ҳам гўзал бола туғмаган. Қасам ичаманки, ҳеч кимнинг невараси менинг неварамдан гўзал эмас».

Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф «Ҳадис ва ҳаёт» китобида пайғамбаримиз портретини ҳадислар мисолида очиб беради. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қавмнинг ичида ўрта бўйли: новча ҳам эмас, пакана ҳам эмас, тиниқ рангли: ўта оппоқ ҳам эмас, ўта буғдой ранг ҳам эмас (сочлари) ўта жингалак ҳам эмас, ўта юмшоқ ҳам эмас эдилар... У зот қабз қилинганларида соч ва соқолларида йигирмата ҳам оқ тола йўқ эди».

Баро розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўрта бўйли, елкалари кенг, сочлари кўп бўлиб, елкаларига тушиб турадиган киши эдилар. Устиларида қизил рангли кийим бўларди».

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг оғизлари кенг, кўзлари кенг ва товонлари гўшти оз эди».

Али розияллоҳу анҳу қачон Набий саллоллоҳу алайҳи васалламни васф қилса: «... Икки кураклари орасида муҳри нубувват бор эди. У пайғамбарларнинг муҳридир», - дер эди.

Рабғўзийга қайтамиз. Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам Ҳадичага уйланади. Ҳадича Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламдан ўн беш ёш ката бўлганлар. Улар 25 йил бирга яшадилар. Ҳадичадан 3 ўғил, 4 қиз кўрганлар. Ўғиллари: Қосим, Зоҳир, Таййиб. Ўғиллари кичиклигида вафот этганлар. Қизлари: Фотима, Зайнаб, Руқойя, Умми Кулсум.

Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг «Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 19-жузида пайғамбаримиз фарзандлари ҳақида қуйидаги маълумотлар бор. Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам фарзандлари, асосан, Ҳадича онамиздан бўлган.

Қизлари: Зайнаб, Руқойя, Умму Кулсум, Фотима.

Ўғиллари: Қосим, Абдуллоҳ, Иброҳим.

Пайғамбаримиз ўғиллари гўдаклик чоғлари вафот этганлар. Уламоларимиз Абдуллоҳ, Тоййиб, Тоҳир бир шахс эканини айтадилар. Тоййиб, Тоҳир Абдуллоҳнинг лақаби бўлганини

кўрсатганлар. Иброҳим эса Расулуллоҳнинг чўрилари Мория Қибтия онамиздан кўрган фарзандидир.

Пайғамбаримизнинг набиралари:

1.Али 2.Амома 3.Абдуллоҳ 4.Ҳасан 5.Ҳусайн 6.Зайнаб. 7.Умму Кулсум.

Ҳадича вафотидан сўнг пайғамбаримиз бир нечта аёлларга уйланганлар. Шу масалада лирик чекиниш қилайлик. Гарчанд Қуръонда 3-4 тага уйланишга рухсат берилган бўлса-да, пайғамбарлар бундан-да кўп хотинларга уйланганлар. Кўп хотинлик фақат Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламгагина хос бўлмасдан, бошқа пайғамбарларга ҳам хосдир. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг «Ҳадис ва ҳаёт» китобида Довуд алайҳи васалламнинг юзта, Сулаймон алайҳи васалламнинг уч юзта хотини борлиги айтилган. Раҳматуллоҳ қори Обидов «Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир» китобида Сулаймон алайҳи васалламнинг мингта хотини борлиги айтилган.

Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф юқоридаги китобда Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам хотинлари сонини 11 деб кўрсатган.

1.Ҳадича 2.Савда бинти Замъа 3.Ойша 4.Ҳафса 5.Зайнаб бинти Хузаймо 6.Зайнаб бинти Жаҳш 7.Умму Салама 8.Умму Ҳабиба 9.Жувайрия 10.София 11.Маймуна.

Раҳматуллоҳ қори Обидовнинг юқорида эслатилган китобида Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам хотинлари сонини 13 та деб кўрсатган.

1.Ҳадича 2.Савда 3.Ойша 4.Ҳафса 5.Умму Ҳабиба 6.Умму Сақала 7.Зайнаб 8.Жувайрия 9.Сафийя 10.Зайнаб 11.Маймуна 12.Мория 13.Райҳона

«Қиссаси Рабғўзий» асари сюжетини кузатишни давом эттирамиз. Пайғамбаримиз 40 ёшга етганда Ҳиро тоғида ҳазрати Жаброил унга кўриниб, «Иқроъ» - ўқи деб буйруқ беради. Маълумки, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам саводсиз эди. Ота-онасидан эрта айрилган, бобоси, қариндошлари қўлида тарбия кўрган, ҳатто уйланишга маблағи бўлмаган, ҳеч қаерда ўқимаган инсонни Оллоҳ сўнгги пайғамбар қилиб танлаган эди. Ҳа, Оллоҳ нимани хоҳласа – бўлади!

Қуръоннинг Раъд сурасининг 39-оятида шундай дейилган: «Оллоҳ нимани хоҳласа, маҳв қилур, нимани хоҳласа, собит қилур». Шўро сурасининг 12-оятида эса шундай дейилган: «У ўзи хоҳлаган кишиларнинг руhini кенг қилур ва танг қилур».

Шу воқеадан бошлаб, Жаброил Муҳаммад Мустафога ислом дини ҳақида маълумотлар бериб, унинг пайғамбар бўлганини уқтиради, ер юзидаги одамларни ислом динига рағбат этиш унинг вазифаси эканини айтади. Шу даврдан бошлаб пайғамбаримиз одамларини ислом динига даъват этишни бошлайди. Аёллардан хотини Ҳадича, эркаклардан Абу Бакр биринчи бўлиб, ислом динига кирадилар.

Ҳазрати Жаброил Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга Оллоҳ 10 нарса ато қилганини тушунтиради. Уларнинг биринчиси қаерда Оллоҳ номи тилга олинса, унинг номи ҳам тилга олинур.

Иккинчиси, унинг умматларини барча умматлардан яхшироқ қилди. Учинчиси, ер юзини унга ва умматларига масжид қилди. Тўртинчиси, унинг умматлари Қуръонни кўнгил бирла ўқиғайлар. Бешинчиси, Оллоҳ амри билан барча фаришталар унинг умматларига саловатлар юборур. Олтинчиси, унинг дини барча устида зоҳир бўлғай. Еттинчиси, умматлар учун намоз қазосини ўқиш учун рухсат берилди. Саккизинчиси, ғаниматни унга ҳалол қилди. Тўққизинчиси, қурбонлик гўшти ейишга рухсат берилди. Ўнинчиси, кўлангкангни ерга туширмади.

Ҳақиқатдан ҳам, Оллоҳ бошқа пайғамбарларга берилмаган кўплаб фазилат ва имкониятларни Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга берган. Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам бутун ислом оламининг пайғамбаридир. Ёки қиёмат куни умматларига шафоат қилиш ҳуқуқи фақат Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга берилган.

Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга қарши турган кишилар ичида энг катталари Умар ва Абу Жаҳл эдилар. Абу Жаҳл Умарга Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламни ўлдириш учун 100 та туя ваъда қилади. Аммо Умар имон келтириб, ислом динини қабул қилади. Асарда Усмон, Абу Бакр, Абу Толиблар ҳақида маълумотлар берилган. Шундан сўнг Макка кофирларини исломга киритиш учун пайғамбаримизнинг чекан захматлари келтирилади.

Абу Жаҳл бошлиқ кофирлар Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламдан мўъжиза кўрсатишни талаб қиладилар. Ойни ёриб беришини сўрайдилар. Пайғамбаримиз ишорати билан ой ёрилади. Шунда ҳам улар имон келтирмасдан, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламни сеҳргар деб атайдилар.

Шундан сўнг Меърож кечаси воқеалари берилади. Бу кечада Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг кўксини фаришталар ёриб, юрагини имон ва ҳикмат тўла олтин идишда ювиб, жойига кўядилар. Буроқ отига миндириб, Маккадан Байт-ул Муқаддасга олиб чиқадилар. Ҳазрати Жаброил билан биринчи осмонда Одам алайҳи васалламни, иккинчи осмонда Исо ва Яҳё алайҳи васалламларни, учинчи осмонда Юсуф алайҳи васалламни, тўртинчи осмонда Идрис алайҳи васалламни, бешинчи осмонда Ҳорун алайҳи васалламни, олтинчи осмонда Мусо алайҳи васалламни, еттинчи осмонда Иброҳим алайҳи васалламни кўради.

Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам Оллоҳ билан сўзлашиш бахтига муяссар бўлади. Оллоҳ унга: **«Эй Муҳаммад, қамуғ яратилмиш мавжудотни санинг учун яраттим, сен бўлмасанг эрди, афлок бўлмағай эрди»**, - дейди.

Оллоҳ Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам умматлари учун бир кунда 50 марта намоз ўқишни буюрди. Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам рози бўлиб тушаётганда, Мусо алайҳи васаллам: **«Умматларинг бир кунда 50 марта намоз ўқишни уддалай олмайдилар, қайтиб чиқиб, уни камайтиргин»**, - деб маслаҳат беради. Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг қайта-қайта сўровидан сўнг умматларга бир кунда беш вақт намоз фарз қилинган. Яна Оллоҳ уқтирдикки, икки ракат намоздан сўнг «аттахийёту» ни ўқиш савоби етти қават осмондаги барча фаришталарнинг бир кунги ибодати савобига тенг бўлур.

Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламни жаннатга олиб кирдилар. Жаннат ажойиботларни кўрди. Жаннатда Идрис алайҳи васаллам билан учрашдилар. Идрис алайҳи васаллам: **«Эй Муҳаммад, қани энди мен сенинг умматинг бўлсам эди»**, - деб орзу қилади. Сабаби шуки, Идрис алайҳи васаллам қайси эшикдан кирмоқчи бўлса: **«Тўхта, бу ерга аввал Муҳаммад умматлари кириди»**, - деган хитоб келади.

Азиз китобхон! Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга уммат бўлиш нақадар буюк иш эканини тушуниб етдингизми?! Етти кун беш вақт намоз ўқиб, жума куни жума намозини адо қилганларга жаннат эшиклари очиқ бўлишини англаш нақадар ҳузурбахш туйғу!

Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга дўзахни, у ердаги азобларни кўрсатадилар. Пайғамбар ерга тушса, ўрни ҳали совумаган экан.

Абу Толиб вафотидан сўнг Абу Жаҳл бошлиқ кофирлар Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга зулмни янада кучайтирдилар. Иложсиз қолган пайғамбар Абу Бакр билан тунда қочиб, Маккадан Мадинага келдилар.

Ҳижратнинг учинчи йили Бадр жанги, тўртинчи йили Уҳуд жанги, бешинчи йили яна Бадр жанги бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси Маккани забт этиш учун бўлган жанглар эди.

Қиссада Макка забт этилгач, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг бошқа жойларни қандай қилиб ислом динига даъват қилгани ҳақидаги маълумотлар берилади.

Қисса сўнгида Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг вафотлари берилган. Бу ўриндаги Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги сўзлари ҳар бир мусулмоннинг қалбини ларзага солиши шубҳасиздир: **«Эй Азроил, бу кундин қиёматга теги манинг умматларимга жон бермак қаттиқлики бор эрса, ул қаттиғликларни манга юклагил. Ул қаттиғликлар манга бўлсун, умматларимқа бўлмасин».**

Рабғўзий Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам қиссаси баёнида ҳис-ҳаяжонга берилмай, воқеаларни холис тасвирлайди. Асар XIV аср адабий тилига хос бўлгани учун бугунги кун китобхонига тушунишда анча қийинчиликлар туғдиради. Шундай бўлса-да, бу асар Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳаёт йўлини одамларга тушунтиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Рабғўзий асари Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг туғилишидан бошланса, Аҳмад Лутфий асари фил воқеаси тасвири билан бошланади. Абраҳа исмли ҳукмдор одамларнинг Маккага талпинаётганини кўриб, Маккани бузиб юборишга аҳд қилади. У Яман ҳукмдори бўлиб, 60 минг лашкар билан келган эди. Лашкар сафида «Маҳмуд» лақабли улкан фил ҳам бор эди.

Маккага яқинлашгач, фил Макка томон бир қадам ҳам юрмайди. Шу пайт осмонда абобил қушлари пайдо бўлиб, улар Абраҳа аскарларига тош отиб, уларни қириб юборади.

Шу воқеадан сўнг Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг туғилиш воқеалари тасвири берилади. Рабғўзий воқеаларни холис тасвирласа, Аҳмад Лутфий пайғамбаримизга оташин муҳаббатини яширмайди. Қиёс қилинг: Рабғўзий асарида Муҳаммад, Расул, Мустафо, Набий номларинигина кўлланса, Аҳмад Лутфий пайғамбаримизни 64 хил сифатловчилар билан келтиради.

Аҳмад Лутфий кўллаган сифатловчиларни келтираман: Расулуллоҳ, Оллоҳнинг севимлиси, Набийи Акрим, Фаҳрух Мурсалин, Сарвари анбиё, Афзали анбиё, Расули акрам, Сарвари олам, Ҳазрати пайғамбар, Набийаллоҳ, Фаҳри коинот, Набийи мухтарам, Жаноби пайғамбар, Расули Кибриё, Набийи акмал, Зоти Шариф, Саййидул анбиё, Расули мухтарам, Пайғамбарлар султони, Хабиби акмал, Акмали анбиё, Сарвари коинот, Султони Зишон, Набийлар султони, Жанобимиз, Ҳидоят имоми, Буюк пайғамбар, Ҳазрати Муҳаммад, Султони анбиё, Пайғамбари замон, Хабиби Худо, Набийлар сарвари, Пайғамбари зишон, Пайғамбар ҳазратлари, Саййидул мурсалин, Пайғамбарлар имоми, Имомул анбиё, Саййидул башар, Фаҳри олам, Фаҳрул мурсалин, Хабиби акром, Расули зишон, Расули муштабо, Оллоҳнинг расули, Коинот саййиди, Имомун анбиё, Кўнгиллар султони, Элчиларнинг энг фаҳрлиси, Буюклар буюги, Севгилилар севгилиси, Саййидул анбиё вал мурсалин, Хабиби акрам, Расули мухтарам, Маҳбуби Раббул оламийн, Хотамул анбиё, Раҳмат пайғамбари, Расулларнинг охиргиси, Пайғамбарлар азизи, Пайғамбарлар саййиди, Муттақийлар имоми, Ҳазрати расулуллоҳ.

Рабғўзий асарида Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам фақат пайғамбар сифатида берилса, Аҳмад Лутфий қиссаларида эса ҳам пайғамбар, ҳам оддий инсон сифатида берилади. Ҳазрати пайғамбаримизнинг ибратли инсоний фазилатлари хотинларига, фарзандларига, ёр-биродарларига, дўсту душманларига бўлган муносабатларида, уларга айтган гапларида ёрқин кўринади.

Улуғ инсонлар, хусусан, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам характерини яратиш, унинг индивидуал хусусиятларини бера олиш, нутқидаги индивидуал томонларни акс эттириш

ёзувчидан катта масъулият, маҳорат талаб этади. Дадил айтиш мумкинки, Аҳмад Лутфий бу ишнинг уддасидан чиққан.

Улуғ пайғамбаримизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатида, сўзи ва гапида Қуръоний ғоялар ёрқин кўриниб туради. Биргина мисол. Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳаётининг сўнгги дамларида атрофидаги кишиларга қарата шундай дейди: **«Сизлар Парвардигорингизга қовушасизлар. У эса сизлардан қилган ишларингиздан ҳисоб олади. Эҳтиёт бўлинглар, мендан кейин бир-бирларингизни ўлдирадиган бўлманглар ва бу йўллариңдан озмангларки, адашган кофирларга ўхшаб қоласизлар. Диққат қилинглар, бу ерда ҳозир бўлганлар, ҳозир бўлмаганларга сўзларимни етказдинг. Умид қиламан, бу сўзлар етказилганда, бир қисми мендан эшитганлардан кўра яхшироқ англаб етишар... Сизларга бурни тиртиқ, қора танли бир қулда бўлсин, агар амир қилиб тайинланса, Оллоҳнинг китоби билан сизларни бошқарса, унга қулоқ солинглар, бўйсининглар. Мана бу тўрт муҳим буйруққа риоя қилинглар: Оллоҳга ҳеч бир нарсани шерик тутманглар; Оллоҳ ҳақсиз ўлдиришни ҳаром қилган жонни ўлдирманглар; зино қилманглар; ўғирлик қилманглар».**

Аҳмад Лутфий қиссаларида бундай ибратли томонлар кўп бўлса-да, баъзан ҳаёт ҳақиқати ва бадий тўқима муносабатида меъёр бузилган ўринлар ҳам йўқ эмас. Пайғамбар ҳаёти тасвири Қуръон ғояларига ҳамиша мос ҳолда берилиши шартдир.

Қиссаларнинг иккинчи китобида шундай фикрларни ўқиймиз: **«Набийи акрам (саллоллоҳу алайҳи васаллам) баъзан: «Оллоҳим, ҳаёт фақат охират ҳаётидир. Ансорни ҳам, муҳожирни ҳам ёрлақинингни тилайман» маъносида байт ўқир эдилар. Баъзан бу байтда сўзлар ўзгарар, «Оллоҳим, мукофот охиратда ўзинг берадиган мукофотдир. Ансорга ҳам, муҳожирга ҳам саҳийлик қилишингни, икром-эхсон этишингни тилайман», дер эдилар».**

Тур сурасининг 30-оятида мушриклар: **«Билки, у шоир, биз унга ўлим етишини кутамиз, дерлар»**, - деб ёзилган. Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламни шоир дейиш тухматдир. Соффаат сурасининг 36-оятида мушриклар: **«Ахир, биз бир жинни шоирни**

**деб ўз хурларимизни тарк қилувчи бўлайликми?!» - дер эдилар».** Бу нобакорлар жаноби пайғамбаримизни «жинни шоир» деб атаган эдилар. Ул зот умрларида ҳеч қачон шеър айтмаганлар. Қуръон шеър эмас, илоҳий каломдир.

Ёсин сурасининг 69-оятида шундай фикр бор: **«Биз унга шеърни таълим берганимиз йўқ. Бу унинг учун тўғри келмас».**

Истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб, ўзбек тилида яратилган Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳақидаги илмий манбаларга таянган ҳолда жаноби пайғамбаримизнинг характерини ҳаққоний ифодаловчи бадий асарлар яратиш, пайғамбаримизнинг ибратли ҳаёти асосида инсонларда инсоф, адолат, ватанпарварлик каби хислатларни тарбиялаш ўзбек адабиёти олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

## Қуръон ғояларининг бадий адабиётга таъсири

### Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига Қуръон ғояларининг таъсири

Алишер Навоий ҳаёт тарзи, ижодида Қуръоний мавзуларни куйлаши жихатидан ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари ичида алоҳида ажралиб туради. Унинг туғилишидан бошлаб, ҳаётининг сўнги кунигача бўлган фаолияти Қуръони Карим ғоялари билан зич боғлиқдир.

Отаси Ғиёсиддин Муҳаммад ўғлига Муҳаммад алайҳиссаломнинг саҳобаларидан бўлмиш ҳазрат Али номини берди. Алишер исмининг иккинчи қисми ҳам ҳазрат Алига дахлдордир. Жаноби пайғамбаримиз ҳазрат Алининг кофирлар билан бўлган жангдаги жонбозлигини кўриб: «Али – Оллоҳнинг шери», - дер эканлар. Шоирнинг тўлиқ исми Мир Низомиддин Алишер Навоий деб юритилади. «Мир» сўзи амир сўзининг қисқарган шакли бўлиб, шоҳ саройидаги амал-мансабни ифода қилади. Низомиддин эса диннинг йўл-йўриқларини белгиловчи маъносини беради. Демак, Навоий замонасининг диншунос олими эди.

Навоий шоирнинг тахаллуси бўлиб, наво сўзи «куй», «бахт», «сайраш», «бахра» маъноларини беради. Навоийшуносликка оид китобларда шоир тахаллуси «куй» сўзидан олинган деган нотўғри фикр бор. Шоир ўз тахаллусини «бахра» сўзидан олган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деган:

Даҳр боғида бўлиб комим раво  
Комронлар топди назмимдин наво.

Бутун умрини элга наъф, баҳра, фойда етказишга бағишлаган шоирнинг «бахра» сўзини тахаллусига асос қилиб олгани ислом ғояларига мос келади. Шоирнинг иккинчи тахаллуси ҳам Қуръон ғоялари билан боғлиқдир. Қуръони Каримда таъкидланишича, бу дунё – ўткинчи, синов учун яратилган дунё. Шунинг учун шоир ўзига Фоний – ўткинчи тахаллусини танлаган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай ёзган:

Файз етгач ул маонийдин менго  
Топди белгу назм фонийдин менго.

Алишер болалик чоғлари кўп китоб ўқиди. Эски мактаб, мадрасада Қуръон суралари ёд олинар, қироат усуллари ўргатилар эди. Демак, Алишер болалик чоғлариданок Қуръони Каримни ёд олди. Унинг қувваи ҳафизаси жуда кучли эди. Шоир болалигида Қуръонни ёд олишдан ташқари, мураккаб фалсафий дoston бўлган Ф.Атторнинг «Мантиқ-ут тайр» достонини ҳам ёд олган. Навоий йигитлик чоғлари 50 минг байт шеър ёд билган.

«Мантиқ-ут тайр» достони бу дунёнинг ўткинчи дунё эканини, чинакам бахт Оллоҳ жамолига эришиш эканини тасвирловчи дoston эди. Бу дoston Навоий дунёқарашининг шаклланишида жуда катта омил бўлди. Навоий Самарқандда ўқиш чоғлари тасаввуф илмининг йирик вакили Хўжа Аҳрор билан учрашди. Бу учрашув, ундаги суҳбатлар оқибати шу бўлдики, Навоий тасаввуф томон юз бурди, нақшбандия тариқатини қабул қилди, ўзини Оллоҳга бағишлади, уйланмай ўтишга қарор қилди.

Навоийнинг ҳар бир фаолияти Қуръони Карим ояти карималарида қайд этилган фикрлар билан мос келади. Бақара сурасининг 110-оятида **«Намозни қоим қилинг, закот беринг, ўзингиз учун қилган яхшиликни Оллоҳ хузурда топасиз»**, - дейилган. Навоий намозни ҳамиша қойим қилган зотдир. «... Бу обидлар ва бандалар паноҳининг жумъа намозини ва бошқа намозларни жамоат билан ўташда ғайрати шу даражага етган эдики, Марғани боғида ғоятда зийнатли бир масжид бино қилиб, ўз замонининг атоқли қориларидан Хожа Ҳофиз Муҳаммад Султоншоҳни имом белгилади ва ўзи у ерда беш вақт намозга ҳозир бўларди».<sup>1</sup>

Закот масаласи. Навоий Ўрта Осиё ва Хуросонда Хўжа Аҳрордан кейинга бой-бадавлат одам эди. Навоийнинг бир кунлик даромади 18 минг шоҳруҳий динар эди. Навоий бу бойликни масжидлар, мадрасалар, кўприклар қуришга, мискинларга тамоқ ва кийим-бош беришга, талантли кишиларни қўллаб-қувватлашга, хуллас, эл корига сарф қилган.

Навоий Хусайн Бойқаро хазинасидан маош ҳам олмаган. Аксинча, ўзи ҳар йили Хусайн Бойқарога катта-катта тортиқлар қилиб турган.

---

<sup>1</sup> Хондамир. «Мақорим-ул ахлоқ», Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1967, 69-бет.

Навоий бу ҳақда шундай деган: «Бир оз нима зироатга иштиғол кўргуздим. Чун ул ишимда қила олғонча инсоф тарафи малҳуз эрди. Тенгри иноятидин кўп маҳсуллар ҳосил ва ғаниматлар восил бўла киришди. Бу жумладин, ўз маошимға соири авомдин бирининг маоши ўткунча иссиқ-совуқ дафъи учун бирор тўн, доғи мунча муносиб емакка қониъ бўлуб, қолғонким баъзисин элнинг келиш-боришига ва навкар ва мутааллиқлар улуфасиға ва черик яроғига сарф қилдим ... ва баъзиниким, жамъи маунот ва барча таклифотдин ортди, букон хайр бино қилдим».

Навоийнинг замондоши Давлатшоҳнинг ёзишига қараганда, Навоийнинг вақфларга ва биноларга сарф қиладиган маблағи юз туман кепакига баравардир.

«Холисия» хонақоҳида ҳар куни мингдан зиёд мискинга томоқ тарқатилар, ҳар йили муҳтожларга 2 мингга яқин пўстин, чакмон, кўйлак-иштон, ковуш улашган.

Бақара сурасининг 265-оятда: «Молларини Оллоҳ ризолигини истаб, самимий дилларидан чиқариб сарф қиладиган кишилар адирдаги боққа ўхшар: унга жала қуйгач, ҳосилнинг икки баравар етиштирар», - дейилган. Навоий бутун бойлигини эл-улус манфаати йўлида сарф қилган. Хондамир шундай ёзган: «Чунончи, бу ислом таянчларини юқори кўтариб мустаҳкамлаш намозда қоим бўлишга ҳаракат қилиш эди, закот ва садақалар адосига ҳам саъй ва ғайрат кўрсатиш эди, балки бу сўзларни ёзувчининг ишончи шудирки, ҳеч қачон ул ҳазратнинг хазинасида йил давомида закот бериш вожиб бўларли миқдордаги маблағ тўпланиб турмасди. Чунки мулозимларнинг қўлига нимаики тушса, тездан кишиларга инъом бериш йўли билан сарф қилинар ёки хайрли бинолар барпо қилишга кетарди».

Навоий ўз ҳаётини Қуръон ояти карималарида айтилганидек ташкил қилса-да, даврининг Низомиддини бўлса-да, мусулмончилик фарзларидан бўлган ҳаж амалини бажармаган. Нега?

Қуръони Каримда Ҳаж сураси мавжуд бўлиб, унинг 26, 27, 28, 29-оятларида ҳажга оид фикрлар берилган. Бошқа сураларда ҳам бу ҳақда маълумотлар бор. Жумладан, 27-оятда шундай дейилган:

**«Одамлар орасида (юриб уларни) ҳажга чорлагин! (Шунда) улар сенга (Каъбага) пиёда ва ҳар қандай туяда узоқ йўллардан келурлар».**

Навоий «Сирож ул-муслимин» китобида ҳаж амали ҳақида шундай ёзган:

Бешинчи рукн билгил ҳажи ислом,  
Чу фарз ўлди адоси келди ноком.

Вале фарзиятида шартлар бор,  
Қулоқ тутким, қилай борини изҳор.

Биров улким, иститоат бўлса мавжуд,  
Анга тегруки, қилдинг ани мақсуд.

Яна бир шарт йўл амнияти бил,  
Бу чун мавжуд ўлур ҳаж нияти қил.

Яна гар дайн йўқ бўйнунга лозим,  
Санга бўлмоқ бўлур ул йўлга озим.

Яна гар йўқ аёлингдин маунат  
Ки, ул кўргай маош учун суубат.

Яна гар бермади жисмингда сонё,  
Мараз андоқки, бўлғай йўлга монё.

Бу маҳзурот гар йўқ тебра филҳол,  
Ўзунгни дўст кўйи тавқига сол.

Неким фарз ўлди бўйнунгда адо қил,  
Етиб мақсадқа комингни раво қил.

Навоийнинг ҳаж сафарига отланиши, бормаслик сабабларини Хондамир шундай шарҳлаган:

«... Ул ҳазратда ўсиб-ўниш кунлари бошланишидан то ҳаётининг охириги дамларигача бошида ислом ҳажини ўташ ҳаваси ва

хотирида пайғамбар қабрини зиёрат қилиш жойлашган эди. Ҳар доим имкон борича бу бобда ҳаракат қиларди ва узлуксиз тилга келтириб ва ўз ҳолати билан бу иккин байтни ифодалар эди.

Қай бувад, ёраб, ки рў дар Ясрибу Батҳо кунам,  
Гаҳ ба Макка манзилу гаҳ дар Мадина жо кунам.  
Бар канори Замзам аз дил бар кашам як замзам,  
В-аз ду чашми хунфишон он чашмаро даръё кунам.

Таржимаси:

Ё раб, Ясриб билан Батҳога қачон бораркинман?  
Гоҳ Маккада турсаму гоҳ Мадинада жойласам эди.  
Замзам атрофида юрак таронасини куйласам,  
Қон сочувчи икки кўзимдан у чашмани дарё қилсам.

Неча бор бу сафарга рухсат олиш учун муборак оёғини узангига кўйиб, тўғри томонга (подшо ҳузурига) йўлланар, ҳар бор қудратли соҳибқирон илтимоси билан қайтар ва бу истакнинг юзага чиқишидан чекланар эди».

Навоий ҳаж сафарига уч марта отланган. Икки марта шоҳ турли баҳоналар билан рухсат бермагач, учинчи марта юзма-юз айтишга андиша қилган гапларини хат орқали баён қилади. Ҳусайн Бойқаро ҳам Навоийга хат орқали жавоб беради. Жумладан, шундай дейди: «Маълумки, сиз Хуросонда турар экансиз, ҳар қандай илтимосингиз бўлса, ҳурмат билан қабул қилинади. Мен шуни жуда аниқ биламанки, агар бу давлат сизнинг шарофатли вужудингиздан ҳоли бўлса, айрим шахслар ва халқ орасидаги ўзбошимчалик аҳвол ихтилофга айланиб кетади».

Хуллас, Ҳусайн Бойқаро рухсат бермагани учун Навоий ҳаж сафарига бора олмаган.

Исро сурасининг 37-оятда: «**Ер юзида кибру ҳаво ила юрма**», - дейилган. Навоий ана шу ояти каримага асосан, ҳаж сафарига бора олмагач, подшо фармони билан Ансорий қабрига жузвқашликка (сув сепувчи, супурувчи) тайинланади. Навоийнинг бутун ҳаёти Қуръон ғоялари асосига қурилган.

Низомиддин Навоий ижоди ҳам Қуръон ояти карималари билан зич алоқададир. Навоий поэзиянинг бош вазифаси Оллоҳни мадҳ этишдан иборатдир, дейди. Оллоҳни васф этиш, Оллоҳ зикрини

айтиш пайғамбарлардан меросдир. Мусо алайҳиссалом тасбеҳ айтганда, тоғу тошлар, қушлар ҳам Оллоҳга тасбеҳ айтганлар. Закарё алайҳиссаломни кофирлар дарахт билан арралаб ташлаётганда ҳам, Оллоҳ зикрини айтишдан тўхталмаган. Аюб пайғамбарни синаш учун Оллоҳ унинг баданига яра тоштириб юборган. Шунда ҳам Аюб пайғамбар: «Оллоҳим, тилимга яра тоштирагин, токи зикрингни айта олмай қолмай», - деб илтижо қилган экан.

Навоий барча асарларининг «Дебоча» қисмида, унинг ҳамд бобида Оллоҳни мадҳ этади. «Лисон-ут тайр» достонида Семурғ тимсоли орқали Оллоҳни мадҳ этади:

Сизга шоҳе бор бешибху мисол  
Васфини айтурда юз минг нутқ лол.  
Ул яқин сизгаву сиз ондин йироқ,  
Васл анга ойни, вале сизга фироқ.  
Ҳар киши бўлса тирик ондин йироқ,  
Ул тирикликдин ўлим кўп яхшироқ.

«Ҳайрат-ул аброр» достонида шундай ёзган:

Аввал ўзинг, охиру мобайн ўзинг  
Барчаға холик, бориға айл ўзинг.

Ар-Раҳмон сурасининг 14-оятида: **«Инсонни сополга ўхшаш қуриган лойдан яратди»**, - дейилган. Инсонни тупроқдан яралганини бугунги илмий тажриба ҳам тасдиқламоқда. Тупроқда қандай моддалар бўлса, инсонда ҳам ўша моддалар мавжуд. Тупроқда карбон, кислород, фосфор, азот, калий, хлор, темир, мис, йод каби 20 хил модда бўлса, булар инсон жисмида ҳам мавжуддир.

Исро сурасининг 70-оятида шундай дейилган: **«Батаҳқиқ, Биз Бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик ва уларни қуруқлигу денгизда (уловила) кўтардик ҳамда уларни пок нарсалар ила ризқлантдик ва уни ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлақо афзал қилиб қўйдик»**.

Ояти каримадаги инсонни азизу мукаррам қилиб яратилгани ғояси Навоийнинг «Ҳайрат-ул аброр» достонида шундай акс этган:

Мунча ғаройибки мисол айладинг,  
Барчани миръотга жамол айладинг.  
Ганжинг аро накд фаровон эди,  
Лек боридин ғараз инсон эди.  
Конию ҳайвони, агар худ нобот,  
Ҳар бири бир гавҳари олий сифат.  
Барчасини гарчи латиф айладинг,  
Барчадин инсонни шариф айладинг.

Навоий ана шу Оллоҳ томонидан азизу мукаррам қилиб яратилган инсонга севгисини шундай баён қилади:

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.  
Ҳар неники севмоқ ондин ортиқ бўлмас,  
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

Бу суралардаги оятлар мазмуни Навоий ижодида ёрқин акс этган. Шоирнинг «Ситтаи зарурия» қасидалар тўпламидаги «Рухулқудс» қасидасида Оллоҳ васф этилади. Навоийнинг талқинича, дунё ва ундаги бутун мавжудот фақат Оллоҳ томонидан яратилган. Улар якка-ягона Худонинг қудрати туфайли йўқдан бор бўлганлар ва бордан йўқ бўладилар.

Кучлиларни кучсиз, заиф ва забун этувчи, кучсизларниёса кучли этувчи ҳам Оллоҳдир.

Навоий инсоннинг яратилиши ҳақида ёзади:

Чу соз карди таркиби жисми инсони,  
Зи хок таъбияи сохта ба зебу баҳо  
Чу аз заминаш бардошти ба сад эъзоз  
Ба мартаба гузаронди зи торами хазро  
Ба хоки жисмаш борони раҳмат афшонди,  
Каз он мулоямат овард тинаташ пайдо.  
Ба дасти ҳикмати худ карда тинаташ тахмир,  
Се зидди дигараш афзуда аз ажойибҳо.  
Чаҳор зидро карди ба якдигар таркиб,

Ки хоку оташ буд онгаҳ об буду ҳаво ...  
Ҳавоси зоҳирияш низ чун, ки карди рост,  
Зи нури ақл ба коҳи димоғ тофт зиё.  
Ғариб пишваре орасти зи шаҳри бадан,  
Ки мулк то малакут он чи ҳаст, ҳаст онжо.  
Дар у нишониди дилро ба тахти султони,  
Ки шуд ба расми салотин хидави мулқаро.  
Хират вазорати он шаҳро муайян шуд,  
Гадоӣ шоҳу вазирон камина банда туро  
Бас он гаҳе ба улумаш чу раҳнамун гашти,  
Нажуст карди таълими, алламан - «асмо».  
За илми маърифат аш чунки баҳравар карди,  
Малоикаш ба сужуд амоданд абдосо.  
Зи офариниши худ он чи кардан мавжуд,  
Уюну баҳру жиболу нҷуму арзу само.  
Дар он а жуба намундори аз ҳама карди,  
Амонатро ҳам додӣят ба расми хаоро.  
Чу гашт мазҳари кул баъд оз он лақаб додеш  
Чу миёни моҳалакуллоҳ олами кубро.

Таржимаси:

Сен инсон жисми таркибини соз этганда,  
Тупроқдан чиройлик ва қимматбаҳо нарса яратдинг.  
Уни тупроқдан кўтардинг юз эъзоз билан,  
Унинг мартабасини кўк осмон гумбазидан юқори кўтардинг.  
Жисми тупроғига раҳмат ёмғурини ёғдирдинг,  
Шу туфайли унинг табиатида мулойимлик пайдо бўлди.  
Ҳимматли кўлинг билан унинг табиати ҳамирини оширдинг,  
Яна унга уч зиддиятли ажойибларни кўшдинг,  
Тўрт зиддиятни бир-бирига таркиб этдинг.  
Улар тупроқ, ўт, сув ва ҳаводир ...  
Инсоннинг вужуди гўзаллик билан безатилгач,  
Унга жон бахш этдинг.  
Зоҳирӣ ҳавасларини рост айлаганингдан кейин  
Ақл нуридин мия қасрига зиё тарқалди.

Бадан шаҳрида ажойиб мамлакат аро бердинг,  
Унда мулкдан малакутга қадар ҳамма нарса мавжуддир.  
Унда сен дилни султонлик тахтига ўтказдинг.  
У султонлар каби мулк ҳукмрони бўлди.  
Ақл ул шоҳнинг вазоратига муайян этилди.  
Гадою шоҳу вазирлар ҳаммаси сенга камина бандадирлар,  
Ундан кейин сен уни илмга раҳнамул этдинг.  
Биринчи таълимда ўқишни танитдинг,  
Уни илми маърифатдан баҳравар қилганингдан кейин  
Малоиклар қулсифат унга сажда қилдилар  
Яратган нарсаларинг ичида  
Булоқлар, денгизлар, тоғлар, юлдузлар, ер ва осмон бўлиб,  
У ажубада ҳамма нарсани кўрсатдим.  
Махфий равишда ўз амонатингни ҳам ҳам уларга бердинг,  
Бутун борлиқ пайдо бўлгач, сен (инсонга) лақаб бердинг  
Яратилган мавжудотлар ичида (инсон) энг улуғ оламдир.

Навоий Қуръони Карим таъсирида «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарини ёзган. Бу асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида Одам атодан тортиб, Нух, Исо, Яъқуб, Сулаймон, Юсуф, Довуд ва бошқа пайғамбарлар ҳақида маълумотлар берган. Ҳар бир қисса охирида рубоий берилиб, улар ҳаётига хотима ясалган.

Навоий Қуръон таъсирида «Сирож-ул муслимин» номли китоб яратган. Бу китобда шариат аҳкомларини, Оллоҳнинг саккиз сифатини англатгандан сўнг исломнинг асосларини назмда баён этади.

Шоир Оллоҳнинг қодирлиги, барча мавжудотнинг яратувчиси эканлиги, унинг муқаддас китоби – Қуръонни билиш, пайғамбарларни эътироф этиш, авлиёлар каромати, қиёматга ишониш, сирот, мезон, жаҳаннам ва жаннат, пайғамбар шафоати, шунингдек, ислом рукнларини билиш, озодалик, намоз фарзлари ва суннатлари, закот, рўза ва ҳаж ҳақида мухтасар шеърӣ фикр юритади.

Жосия сурасининг 7-оятида: **«Ҳар бир ёлғончи гуноҳкорга ҳалокат бўлсин»**, - дейилган. Заарийаат сурасининг 10-оятида: **«Ёлғончиларга лаънат бўлсин»**, - дейилган.

Навоий «Ҳайрат-ул аброр» достонида ростгўйликни улуғлайди, ёлғончиликни қоралайди. Достоннинг ўнинчи мақолатида шундай фикрларни ўқиймиз:

Улки шиор айлади ёлғон демак,  
Бўлмасаки эру мусулмон демак.  
Кимсага ёлғончи дебон қолса от,  
Бу от ила чорласалар ўзу ёт.  
Сидқ хитоби яна ёнмас анга,  
Чин деса ҳам, халқ инонмас анга  
Нега зарурат аро қолғон чоғи,  
Чин демас эрсанг, дема ёлғон доғи.

Шоир «Шер ва Дуррож» ҳикоятида ёлғончи Дуррожнинг фожий аҳволи орқали ёлғончиликни қоралайди.

Аҳкоф сурасининг 15-оятда: **«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик»**, - дейилган. Навоий фарзанднинг ота-онани эъзозлаши зарурлигини шундай уқтирган:

Бошни фидо айла ато қошиға,  
Жисмни қил садқа ано бошиға.  
Тун-кунингга айлагали нурфош,  
Бирисин ой англа, бирисин куёш.

Раъд сурасининг 17-оятда шундай дейилган: **«(Оллоҳ) осмондан сув (ёмғир) ёғдирганида жилғалар микдори билан оқиб, (бу) сел ўз устида кўпикларни ҳам кўтариб келур. (Одамлар) зеб-зийнат ёки асбоб-ускуна (ясаш) учун ёқадиган (олов) лардан ҳам шунга ўхшаш (чиқинди пайдо) бўлур. Оллоҳ ҳақ билан ботилни (мана шундай мисол билан) баён қилур. Бас, кўпик ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетур. Одамларга фойдали бўлган нарса эса Ерда қолур. Оллоҳ мисолларни мана шундай баён қилур»**.

Бу оятни Имом Бухорий ҳадисда шундай шарҳлайди: **«Мен билан юборилган ҳидоят ва илм бамисоли ерга ёққан ёмғирдир. Ер ҳам турли бўлади. Сувни яхши қабул қилиб, ўзидан ҳар хил гиёҳларни ундирадигани ҳам, аксинча, сувни қабул**

қилмайдиган, бирор гиёҳни ундирмайдиган қурук-бўз ерлар ҳам бўлади. Шунга ўхшаш Оллоҳ дини ва мен келтирган ишларни ўрганиб, унга амал қилиб, бошқаларга ҳам ўргатадиган кишилар бўлганидек, илм ва ҳидоятни қабул қилмайдиган кимсалар ҳам бўлади».

Шеърятда ихтибос деган санъат бор. Бу санъатнинг моҳияти шундаки, Қуръон оятлари мазмуни, ҳадислар мазмуни шеърга солинади. Навоий ана шу санъат воситасида юқоридаги оят ва ҳадис мазмунини шундай шеърга солган:

Гарчи қуёшдин парвариш ер юзини ом қилур,  
Саҳрода қумғоғу тикан бўстонда сарву гул битар.

Қуёш бутун ер юзига тенг нур сочса ҳам, саҳрода «қумғоғу тикон», бўстонда сарву гул битади.

Юсуф сурасининг 3-оятида: «**Биз Сизга ушбу Қуръон (сураси) ни ваҳий қилишимиз билан бирга гўзал қиссани айтиб берурмиз**», - дейилган. Бу гўзал қисса Навоийни ҳам мафтун этган. У «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Юсуф алайҳиссалом тарихини берган бўлса-да, бу пайғамбар ҳақида дoston ҳам ёзмокчи эди. Умри вафо қилмай, ёзмокчи бўлган уч асари ёзилмай қолди. Улар:

1. Ўз муҳаббат тарихи ҳақида дoston.
2. Ҳусайн Бойқаро тарихи.
3. «Юсуф ва Зулайҳо» дostonи.

Қуръони Каримда «Лавҳул маҳфуз» ҳақида тушунчалар бор. Бу манбада Оллоҳ барча мавжудотлар тақдирини ёзиб қўйган. Оллоҳ хоҳишисиз ҳеч нарса бўлмайди. Навоийнинг Саид Ҳасан Ардашерга ёзган хатида ана шу Қуръоний ғоя ўз ифодасини топган:

Сафар тушти олимға беихтиёр  
Қазо амрида элга не ихтиёр.

Моида сурасининг 90-оятида ҳамр (ичкилик) ҳаром экани уқтирилиб, бандаларни ундан узоқ бўлиши лозимлиги айтилган. Навоий шаробни «уммул хабис», яъни барча ёмонликлар, фалокатлар онаси деб атаган. «Ҳайрат-ул аброр» дostonида шундай ёзган:

Ҳар кишики қилса бу сувдин тароб,  
Хона сиёҳ ўлмоғи эрмас ажаб.  
Сув демагин оники бир ўт эрур,  
Ким етти кўп хирмонини куйдирур.

Мана шу суранинг 4-оятида шундай дейилган: «Овчи итларга ўхшатиб, Оллоҳ сизга ўргатган нарсалардан уларга ҳам овчи ҳайвонларингиз сизга тутиб берган нарсалардан енглар» .

Навоий «Ҳайрат-ул аброр» достонида тарбия масаласига тўхтаб, юқоридаги оят ғоясини беради. Одатда итнинг оғзи теккан таом ҳаром саналади. Аммо овчи ит тишлаб келган қуш ҳалол саналиб ейлади. Овчи итнинг бошқа итлардан фарқи шундаки, у тарбия кўргандир.

Итга таълимда чу бўлди камон  
Сайд онинг оғзида ўлди ҳалол.

Қуръон ояти карималарининг таъсири «Хамса» таркибидаги барча дostonларда сезилиб туради. Бу умуминсоний ғоялар шоирга илҳом берган, уларни турли шаклларда ўз дostonларида ифода этган. Жоҳилият даврида Абу Жаҳл каби оталар ўз қизларини тириклай ерга кўмганлар. Оталар характеридаги бу шафқатсизлик, бу жаҳолат Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги Лайлининг отаси характери орқали кўрсатилиб, унинг характеридаги бу қабоҳат қаттиқ қораланган.

Лайлининг отаси қизи Қайсни қанчалар севишини билса-да, ўзидан паст оилага қиз беришдан ор қилади. Бошқа қабила бошлиғи – Наъфал Қайсни бахтиёр қилмоқчи бўлади. Аммо Лайлининг отаси Наъфал совчи бўлиб келса ҳам, Қайсга қизини бермайди. Наъфал жанг қилиб бўлса ҳам, Лайлини Қайсга олиб бермоқчи бўлади. Лайлининг отаси шу қадар жоҳилки, мабода Наъфал ғалаба қилса, қизини дарҳол ўлдириш учун жаллод тайёрлаб қўяди.

Ким тонгла ул ойни ҳозир айлай  
Бир дамда ишини охир айлай.  
Ўқ игнасида тикай либосин,  
Ханжар суйидин эзай ҳиносин

Туфроққа солай қади ниҳолин  
Ерга киярай қоши ҳилолин.  
Хушроқни адувға ком бўлғай  
Номус менга ҳаром бўлғай.

Қуръони Каримнинг Каҳф сурасининг 13-оятидан бошлаб Зулқарнайн ҳақида маълумотлар берилган. Унинг яшаган жойи, замони ҳақида эмас, қилган ишлари ҳақида маълумотлар айтилади. У Мағрибдан Машриққача бўлган жойларни забт этган. Яъжуж ва Маъжужлар чиқадиган икки тоғ орасига девор барпо қилади. Девор қуришда темирни эритади, унинг устига мисни эритиб қуяди. Мис аралашган темир қоришмаси мустаҳкам бўлиши фанда яқинда кашф этилди.

Зулқарнайннинг исми Искандар бўлиб, унинг пайғамбар ёки валий ёхуд подшоҳ эканлиги ҳақида ихтилофли ривоятлар бор. Али: «У солиҳ банда бўлган ва Оллоҳ унга ер подшоҳлигини, илм ва ҳикматни ато этган. Оллоҳ йўлида бошиган урилган зарбадан икки бор ўлиб тирилгани учун унга Зулқарнайн, яъни икки шоҳли лақаби берилган», - дейди. Унинг лақаби тўғрисида бошқа ривоятлар ҳам бор: Машриқ ва Мағрибни забт этгани, Рум билан Форсни забт этгани, икки узун кокили бўлгани, тожи остида икки шоҳи бўлгани, икки бор ўлиб тирилгани.

Қуръонда зикр этилган Зулқарнайн билан Филип ўғли Искандар иккисининг тарихи ўхшаш бўлгани учун тарих ва тавсир китобларда чалкашликлар бор.

Навоий Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавийдан сўнг «Хамса» яратиб, Қуръон маълумотлари, устозлари асарларига таянган ҳолда Искандар тимсолини яратди. Навоий Искандар тимсоли орқалии ўз замонасининг муҳим ижтимоий масалаларини ифода этди. Навоий учун Искандарнинг жаҳонгирлиги, шон-шухрати эмас, халқ манфаатини кўзлаб, Яъжуж-Маъжужлар чиқадиган тоғ орасига қурган девори муҳимдир. Шунинг учун унинг бу ишини асар сарлавҳасига олиб чиқиб, асар номини «Садди Искандарий» - «Искандарнинг девори» деб атади.

Навоий достонида Искандар Қирвон ўлкасига етишганда, бу ернинг халқи унга мурожаат этиб, ўзларини Яъжуж-Маъжуж

балосидан халос этишни сўрайди. Бу балолар ҳар йили икки марта ўз маконларидан чиқиб, водийга ёйиладилар. Ҳамма ёқни хонавайрон қилиб, қўлга тушган одамларни еб, сўнг қайтиб кетадилар.

Искандар одам юбориб, Рус, Шом, Румдан усталар келтирди. Мис, рух, қалай, бронза, темир, қўрғошинни эритиб, тоғ жинслари билан қориштирди. Узунлиги ўн минг қарн, биноти беш юз қарн девор олти ойда қуриб битказилди. Деворнинг баландлиги уч юз қарн эди.

Ки неча минг устоду санъатгарий  
Тамом этдилар Садди Искандарий.

Шундай ривоят бор: Яъжуж ва Маъжужлар Искандар деворини кечаси билан ялаб, тонггача пиёз пўстича ҳолатга келтирар экан. Тонгда азон товуши эшитилиши билан девор ўз ҳолатига қайтиб, уларнинг йўллари беркитилар экан. Қиёматнинг бир белгиси Яъжуж, Маъжужларнинг ер юзига чиқишидир. Демак, намоз, азон буни бартараф этар экан.

Навоий достонида Искандар Файлақуснинг асранди ўғли деб берилган. Рум шоҳи Файлақус бир куни овдан қайтаётиб, йўл устидаги вайронада янги туғилган чақалоқни кўради. Унинг онаси ҳомиладан бўшагач, вафот этган эди. Бефарзанд бўлган шоҳ уни саройга олиб келиб, уни валиахд деб эълон қилади.

Навоий замонида шоҳ ўлгач, тахтга лойиқми, лойиқ эмасми, албатта, шоҳ зурриёди ўтирар эди. Навоий Искандар тимсоли орқали бу удумга қарши чиқиб, тахтга муносиб одам ўтиришини орзу қилмоқда.

Достонда Навоийнинг яна бир орзуси берилган: шоҳ атрофида олимлар жамланган бўлиши шарт. Шоҳ ҳар бир тадбирни уларнинг маслаҳати билан амалга оширса, мақсадга мувофиқ бўлади. Искандар машҳур олим Никумоҳис қўлида тарбия топади, унинг ўғли Арасту билан дўстлашади.

Искандар ер юзини, сув остини эгаллайди. Жаҳонгирликнинг нима билан тугадини Навоий Искандарнинг ўлими тимсолида намоён этади. Ер юзаси, баҳрлар ва сув остини забт этган Жаҳонгир қизиган қумлоқда, ёлғизликда, бир қалқон соясида дунёдан ўтади. У ўлим олдидан онасига ёзган мактубида бутун қилган ишлари хом эканини, хатолигини бўйнига олади. У онасига мурожаат қилиб:

Санга айлабон хоки даргоҳлик  
Анинг отин этсам эди шоҳлик, -  
деб кечиккан орзусини баён этади.

Шундай қилиб, Навоий бутун ҳаёти ва ижодини Қуръон ғоялари асосига қурган комил мусулмоннинг ибратли намунасидир. Шоир ҳамиша Қуръон ўқишни, унинг ғояларига амал қилишни комилликнинг асосий шарти деб тушунади.

Олам эли ичра гар гадо, гар шоҳ эрур,  
Не дардки, ул кўнгли аро ҳамроҳ эрур.  
Қуръонни тиловат этсун ар огоҳ эрур,  
Эл кўнглига чун даво Каломуллоҳ эрур.

Навоий умрининг охирида «Муножот» номли асар яратди. Шоир бу асарида ўзининг ҳаётини ва ижодий йўлига якун ясайди. «Муножот» Оллоҳга тазарруъ баёнидан иборат. Навоий унда давр, муҳит билан боғлиқ армон-ўкинчларни, инсоннинг асл ҳис-туйғуларини қаламга олган. «Муножот» Навоий эзгу ниятларининг, самимий интилишларининг тажассуми ўлароқ, моҳиятан келажак авлодларга қарата битилган асардир. Навоий инсонни ўзлигини англашга чорлаб, маънавий камолот, имон-эътиқод устуворлигини тараннум этади. Асардан намуналар:

«Илоҳи, агар ҳавасдан бош-оёғ яланг ҳар ён югурдим, бошдин-оёғим ёмон эрканин ҳалойиққа билдирдим,

Илоҳи, йигитлигим бу навъ ҳам қатиг ўтти, ҳам ачиғ, қарилиғда юз қатла ўзумни ўлтурсам не асиғ,

Илоҳи, тоатқа тавфиқ берсанг, риёдин асра ва ибодатқа йўл кўргузсанг, хатодин асра.

Илоҳи, беилож дардға алил қилма ва бемурувват номардга залил қилма.

Илоҳи, подшоҳи Ислумни муслимин бошиға тутқил бардавом, яъни бандаларнинг устиға кўлангангни қил мустадом, то шоҳу гадоға дуогўйлик қилмиш, бўлғаймен, Вассалом».

Хулоса шуки, Навоийдек ҳаётини, ижодини Оллоҳ ризолигини истаб, Қуръони Карим ғоялари асосига қуриш барчамизга насиб этсин.

## Бобурнинг ҳаёт ва ижодига Қуръон ояти карималарининг таъсири

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёт йўли, тақдири, ижоди, дунёқараши мураккаб ижодкордир. Унинг дунёқараши, ижодидаги зиддиятлар адиб яшаган давр, унинг ҳаёт йўли билан зич боғлиқдир. Ижодкорнинг дунёқараши ҳақидаги совет давридаги ишлар сохта бўлиб, шўро сиёсатига мослаштирилган<sup>1</sup>. Мустақиллик йилларида адиб дунёқараши ҳақида ҳаққоний қарашлар юзага кела бошлади<sup>2</sup>. Шундай бўлса-да, Бобур ҳаётига, ижодига Қуръон ғояларининг таъсири масаласи яхши ўрганилган эмас.

Бобур қолдирган илмий ва бадиий мерос унинг динга бўлган муносабатни ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, Бобур яшаган ва ундан кейинги вақтларда яратилган тарихий, адабий асарларда ҳам қимматли маълумотлар мавжуддир.

Бобур XVI аср фарзанди сифатида Оллоҳни, ислом динини муқаддас билади, ислом дини фарзларига амал қилади. Қуръони Каримнинг Раъд сурасининг 39-оятида шундай дейилган: **«Оллоҳ нимани хоҳласа, маҳв қилур, нимани хоҳласа собит қилур»**. Шу суранинг 26-оятида шундай фикр бор: **«Оллоҳ хоҳлаган кишининг ризқини кенг қилур ва (хоҳламаганини) тор қилур»**.

Бобур ана шу ояти карималардаги ғоялар асосида бир рубойида Оллоҳга қарата шундай дейди:

Ё қаҳру ғазаб бирла мени туфроқ қил,  
Ё баҳри иноятингда мустағроқ қил.  
Ё Раб, сенгадир юзум қаро, хоҳ қаро, хоҳ оқ қил,  
Ҳар навъи сенинг ризонг эрур, андоқ қил.

Бобур ҳаётидаги ибратли ва ҳайратомуз воқеалардан бири шуки, у дуонинг кучи билан ўлим зарбасидан омон қолади. У «Бобурнома» асарида 1506-1507 йил воқеаларини ёзар экан, тўс-тўпалон, танг ҳолатида Дўст Сарипулий деган киши Аҳмад Юсуф билан танҳо қолган Бобурга ялонғоч қилич билан яқинлаша

<sup>1</sup> В.Зоҳидов. «Бобурнинг фаолияти ва адабий-илмий мероси ҳақида», «Бобурнома», Тошкент, 1960

<sup>2</sup> И.Ҳаққул. «Тасаввуф ва шеърят», Тошкент, «Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси», 1991.

бошлайди. Бобурга қилич солади, аммо Бобур дуо ўқиб тургани учун (аслида Оллоҳнинг инояти билан) шикаст етмайди. «Мен совуққа ва қорга кўмганимданму, мени танимади, ё уруш изтиробидинму эди, бетақоши яланг бозумга – қилич солди, Тангри инояти эди, сари мўл кор қилмади».

Агар тиғи олам бичинбанд зи чой,  
Набуррод раге то нахоҳат Худой.

(Агар олам тиғи ўз жойидан кўзгалса, Худо хоҳламаса, бирор томирни ҳам қирқолмайди).

Мен бу дуони ўқиб эдим, анинг хосиятидин эдимки, Тангри таоло бу мазарратни дафъ қилди ва бу мутаъважжих бўлгон балоъи рафъ қилди, ул дуо бу дуодир: **«Аллоҳумма анта Раъббий, ла илаҳа илла анта, алайка таваккалту ва анта раъббул аршин-азим. Маашаллоҳу кана ва лам яшаъ лам якун ва ла хавла вала қуввата илла биллахил алийил азим. Ва иъала инналлоҳа ала кулли шаъин қодир. Ва инналлоҳа қод аҳата бикулли шайъин илман ва ала кулли шайин ададан.**

Аллоҳумма инни аузу бика мин шарри нафси ва мин шарри ғайри ва мин шари кулли даббатин, анта аҳаз бихасияти, иннака роббил аршил азим».

Таржимаси: **«Раҳмдил Оллоҳ номи билан бошлайман. Эй Оллоҳ! Сен раббимсан, сен соҳибимсан. Сендан бошқа ҳеч қандай яратувчи йўқ. Таваккал қилдим сенга ва сен улуғ арши аълонинг соҳибсан. Оллоҳ нимани хоҳласа бўлади. Нимани хоҳламаса – бўлмайди. Ҳақ таолодан бошқа ибодатга сазовор бирор маъбуд йўқ ва Оллоҳ улуғдир. Фақат мутлоқ куч-қувват буюк ва қудратли Оллоҳ таолодир. Сен энг билувчисан ва сен ҳамма нарсани қилишга қодирсан. Сен ҳақиқатда илм билан ҳамма нарсани ўраб олдинг ва сон билан ҳисобга олдинг.**

**Эй Парвардигор! Мени ҳамма ёмонликлардан, ҳамма ёмонлик келтирувчи нарсалардан ўзинг сақлагин. Сен эсан чиқарганларни жазолагувчисан ҳам. Сен ҳақиқатда улкан аршининг соҳибидурсан».**

Бобуршуносликда Бобурнинг дуоси ҳақида гап борганда, унинг касал Ҳумоюн атрофида айланиб айтган гаплари келтирилади. Бу тўғри эмас. Юқорида келтирилган дуо Бобурнинг ҳамиша ўқиб юрган дуосидир. Ҳумоюн атрофида айланиб айтган гаплари эса Оллоҳга илтижоларидир.

Воқеа бундай бўлган эди. Ҳумоюн Қобулда хаста бўлгач, уни Ҳиндистонга келтирадилар. Дори-дармон кор қилмайди, унинг аҳволи кундан-кунга ёмонлаша боради. Мир Абулқосим номли улуғ киши Ҳумоюн жонига бирор нарса «тасаддуқ» қилмоқ кераклигини айтади.

«Менинг кўнглимга келдиким, Муҳаммад Ҳумоюннинг мендан ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзим тасаддуқ бўлайин, худой қабул қилсин». Хожа Ҳалифа деган киши эса бундай қлимасликни, ўша машҳур олмосни ҳадя қилишни маслаҳат беради. Бобур эса бундай дейди: «... дунё моли анинг эвазига нечук бўлғай, мен анинг фидоси қилурменким, ҳол анчага мушкул бўлубтур. Ўшал ҳолатга кириб, уч қатла бошидан ўргулиб, дедимким, мен кўтардим, ҳар не дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдим, ул енгил бўлди, ул сиҳат бўлиб кўпти, мен нохуш бўлиб йиқилдим».

Қуръоннинг Тавба сурасининг 11-оятида шундай дейилган: **«Бас, агар тавба қилсалар, намозни тўқис адо этсалар ва закотни берсалар, дин қардошингиздирлар. Биладиган қавм учун оятларимизни батафсил баён қиламиз».**

Шу суранинг 104-оятида шундай фикрларни ўқиймиз: **«Улар, албатта, Оллоҳ ўз бандаларидан тавбани қабул қилишини ва садақаларини олишини ва, албатта, Оллоҳнинг ўзи тавбаларни кўплаб қабул қилгувчи ва раҳимли Зот эканини билмасларми?»**

Ана шу ояти карималардаги тавба масаласи Бобур ҳаётида катта роль ўйнайди. Бу тавба ичкилик масаласига дахлдордир. Моида сурасининг 90-оятида шундай дейилган: **«Эй имон келтирганлар! Албатта, хамр, қимор, бутлар ва (фол очадиган) чўплар ифлосдир. Шайтоннинг ишидир. Бас, ундан четда бўлинг. Шоядки, нажот топсангиз».**

Хуш келиб ўзни бу кечмакликтин,

Тавба қилдим чағир ичмакликтин.

Олтину нуқра суроҳи-ю оёк,

Ҳозир айлаб борини синдурдим,  
Тарк этиб майин, кўнглимни тиндурдум».

Синдирилган олтин, кумуш идишлар бечораларга, дарвишларга бўлиб берилади. Шуниси аҳамиятлики, шоҳ Бобур тавбасидан ибрат олган сарой аҳли ва аскарлардан шу куни уч юз киши тавба қилган. Бугина эмас, шоҳ Бобур ичкиликни таъқиқловчи махсус фармон чиқаради.

Фармондаги ибратомуз ўринлардан мисоллар келтирамиз:

«Бу сўзларни ва бу гапларни баён қилишдан ғараз шуки, инсонлик тақозоси, подшоҳлар расм-русуми, подшоҳлик лавозими, мансабдорлар одати бўйича шоҳдан тартиб сипоҳийгача гўзал ёшлик кунларида шариат манъ қилган баъзи нарсаларга ва айрим ўйин-кулгуларга ружуъ қилинарди. Бир қанча вақтдан кейин пушаймонлик кунлари келиб, уларни битта-битта тарк қилинар ва чин тавба билан уларга қайтиш эшиги ёпилар эди... Ҳеч бир киши ичкилик ичишга уринмасин, уни ҳосил қилишга тиришмасин, ичкилик ясамасин, сотмасин ва олмасин ва келтирмасин Ичкиликдан қочинглар, шояд нажот топсанглар».

Бобур ҳаёт йўли Қуръон ояти карималари билан боғлиқ бўлгани каби ижоди ҳам ояти карималар ғояси билан суғорилгандир. Худ сурасининг 6-оятида шундай дейилган: **«Ерда ўрмаловчи бирор нарса (жонзот) йўқки, унинг ризқи (таъминоти) Оллоҳнинг зиммасида бўлмаса! (У) унинг қароргоҳини ҳам, оромгоҳини ҳам билур. Ҳаммаси аниқ Китоб (Лавҳул-махфуз) да (ёзилган) дир».**

Лавҳул-махфуз – Оллоҳ таоло барча мавжудотни яратмасдан олдин, то қиёматгача яратиладиган ашёларни, қиладиган ишларини, инсонлар тақдирини, илоҳий китоблар матни ва бошқа маълумотларни ёзиб қўйган манбанинг номи.

Бобур тақдирга ишонади. У Андижондан бош олиб кетаркан, бу тақдирдан эканини қайд этади:

Дема Бобурга нетарсан бош олиб кетмакни,

Тангрининг хастии мундоқ эса мен нетгаймен.

Нисо сурасининг 123-оятида: **«Ким ёмонлик қилса, унинг жазосини тортадур»**, - дейилган. Қасос сурасининг 84-оятида эса: **«Ким бир яхшилик келтирса, унга ундан кўра хайрлироқ**

**(мукофот) бор. Ким бир ёмонлик келтирса, ёмонлик қилганлар фақат қилганларига яраша жазоланурлар», - дейилган.**

Бобур ана шу ояти карималар ғояси асосида қуйидаги рубоийни яратган:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,  
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.  
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,  
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.

Бобур яхшиликни улуғлайди, ёмонликдан қочишга даъват этади. Шоир «Яхшилик» ғазалида шундай ёзади:

Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ,  
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.

Аъроф сурасининг 51-оятида шундай дейилган: **«Бас, бу кунда улар бугунги ҳолга дучор бўлишларини унутганлари ва оятларимизни инкор қилганларидек, Биз ҳам уларни унутамиз».**

Ояти каримадаги унутганларни унутиш ғояси Бобурнинг қуйидаги байтида шундай айтилган:

Ўзни, кўнгил, айш ила тутмоқ керак,  
Бизни унутқонни унутмоқ керак.

Нисо сурасининг 11-оятида: **«Эй имон келтирганлар! Оллоҳга итоат қилинг, пайғамбарга ва ўзингиздан бўлган ишбошларга итоат қилинг», - дейилган.** Шунингдек, қиёмат кунга, фаришталарга ишониш комил мусулмонлик белгиларидир.

Бобур яратганга ихлос билан қараш билан бирга, улуғ шайхларга ҳам эътиқод билан муносабатда бўлган. Хусусан, унинг Хожа Аҳрорга эътиқоди кучли бўлган. Адиб «Бобурнома» асарида 1500-1501-йил воқеалари ҳақида сўзлар экан. Самарқандга ҳужум қила олмай юрган кунларини қаламга олади. Бекларнинг бири бир ой – қирқ кунда оламиз деса, яна бири йигирма кунда оламиз, дейди. Нуён Кўкалтош эса ўн тўрт кунда оламиз, дейди.

Шу суҳбатдан ўн тўрт кун ўтгач, Бобур туш кўради. Тушига Хожа Аҳрор киради, уни ғалабага даъват қилади. Бу масалани Бобурнинг ўзидан эшитайлик: «Ўшал фурсатда ажиб бир туш кўрдим. Туш кўрарманким, ҳазрати Хожа Убайдулло келмишлар, мен истикболларига чиқмишмен, Хожа келиб ўлтурдилар.

Хожанинг олдига ғолибо бетакаллуфроқ дасторхон солмишлар. Бу жиҳаттин ҳазрат хотирига нима келмиш. Мулло бобо менинг сори боқиб, ишорат қиладур. Мен ҳам имо била дедимким, мендин эмастур, дасторхон солувчи тақсир қилбтур. Хожа фаҳм имдиб, бу узр мастуъ тушти. Қўптилар. Узата чакдим. Ушбу уйнинг дамонида ўнг қўлимдан ё сўл қўлимдан тутиб андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин қўпти. Туртки дедиларким, шайх маслаҳат берди. Ўшул кеча мунда-ўқ Самарқандни олдим».

Бобур 1502-1503 йил воқеаларини ёзар экан, Хожа Аҳрор руҳи уни ўлимдан олиб қолганини баён этади. Бобур душман қўлига тушиб, ўлим муқаррар бўлади. Шунда икки ракат намоз ўқиб олиш учун руҳсат сўрайди.

«... бошимни муножатқа қўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзим уйқуга борибтур. Кўрадурменким, Хожа Яъқуб Хожа Яхёнинг ўғли Ҳазрати Хожа Убайдуллонинг набиралари рўбарўйимга облакот миниб кўп жамоати аблаҳ сувар билан келдилар. Дедиларким, ғам емангиз. Хожа Аҳрор мени сизга юбордилар. Дедиларким, биз аларга истонат тегуриб, подшоҳлик мақсадиға ўлтурғузуббиз».

Бобур кўзинг очса, уни қутқаргани келган Қутлуқ Муҳаммад бошлиқ кишиларни кўради. Маълум бўладики, Қутлуқ Муҳаммад тушига Хожа Убайдулло кириб, уни бу воқеадан хабардор этиб, Карнонга боришига даъват этган.

Дарддан азобда қолган Бобур Хожа Аҳрорнинг «Волидия» асарини шеърий таржима қилиш туфайли шифо топганини ўзи қайд этган. «Одина куни ойнинг йигирма учуда ҳарорате баданимда зоҳир бўлди. Андоқким, жума намозини масжидда ташвиш била ўтадим, намоз пешин эҳтиётини қилиб, китобхонада бир замондин сўнг машаққат билан ўтдим. Индин якшанба куни истиб, озроқ титрадим. Сешанба кечаси сафар ойининг йигирма еттисида Ҳазрат Хожа Убайдуллонинг «Волидия» рисоласини назм қилмоқ хотиримга келди. Ҳазратнинг руҳига илтижо қилиб, кўнглимга кечирдимким,

агар бу манзума ул ҳазратнинг маъкули бўлур, худ нечунким, соҳиби «Қасидаи Бурда» нинг қасидаси мақбул тушуб, ўзи ўлум маразидин қутулиб, назмининг қабулига далим бўлғусидур».

Бобур тилшунос олим сифатида «Хатти Бобурий» номли янги алифбо яратган. Бу алифбо бобурийлар саройида амалиётда қўлланган. Бобур Қуръонни ўз алифбосида кўчиртириб, Маккага юборган. Ҳозир Қуръоннинг бу нусхаси Машҳад шаҳрида сақланади.

Хулоса қилиб айтганда, Бобур ҳаёти давомида ислом қоидаларига чин мусулмон сифатида қаттиқ риоя қилган, айрим вақтларда эса уларга зид келувчи фаолият билан ҳам шуғулланган. Тавба йўлини тутиб, ундай фаолиятлардан воз кечган. Буларнинг барчаси Бобур ҳаёт йўлидаги зиддиятлар билан зич боғлиқ ҳолда юзага келган.

## Бошқа шоирлар ижодида Қуръоний ғоялар ифодаси

Мумтоз адабиётдаги шоирлар ижоди Қуръоний ғоялар билан чамбарчас боғлиқдир. Айниқса, Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Сулаймон Боқирғоний, Хувайдо каби шоирларда бу масала ёрқин ифодаланган.

Аҳмад Яссавий ижодида шундай шеър бор:

Беҳишт – дўзах талашур, талашмоққа баён бор  
Дўзах айтур: «Мен ортуқ, менда Фиръавн, Ҳомон бор».  
Беҳишт айтур: «Не дерсан, сўзни билмай айтурсан,  
Сенда Фиръавн бўлса, менда Юсуф Канъон бор»

Шоирнинг бу шеъри бугунги адабиётшунослик нуқтаи назаридан қуйидагича таҳлил қилинади: бу шеър рубоий жанрига мансуб бўлиб, а-а-б-а тарзида қофияланган. Қофия тизимига кўра хос рубоийдир. Рубоийда ғоявий ният диалог воситасида ифодаланган. Рубоийда ғоявий ният ифодасида қуйидаги шеърий санъатлардан фойдаланилган: исмлар келаётгани учун – талмех, дўзах ва жаннат (беҳишт) бир-бирига зид бўлгани учун тазод санъатлари бор. Рубоийда «м», «н», «р» ундошлари такрори воситасида тавзеъ, «а», «о» унлилари такрори орқали ассонанс санъатлари қўлланилган.

Юқоридаги таҳлил рубоий мазмунини тўла ифода қилгани йўқ. Унинг мазмунини тўла ва мукамал тушуниш учун адабиётшунос ёки ўқувчи Қуръони Карим билан таниш бўлиши зарур. Чунки Яссавий ижоди тўлалигича ихтибос санъати асосига қурилган бўлиб, унинг шеърларида қуръоний мавзулар акс этган.

Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай ёзган:

Оят, ҳадис маъноси туркий бўлса мувофиқ,  
Маънисига етганлар ерга қўяр бўркини.

Рубоий мазмунини тўла англамоқ учун Фиръавн, Ҳомон, Юсуфлар тарихини билмоқ керак.

Қуръони Каримнинг «Аъроф» сураси 103-оятидан бошлаб, Фиръавн, Ҳомон тарихлари берилган. 103-ояти карима шундай

бошланади: «Сўнгра, уларнинг ортидан Мусони ўз оятларимиз ила Фиръавн ва унинг зодагонларига юбордик. Бас, у (оят) ларга зулм қилдилар. Бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлишига назар сол».

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг «Тафсири Ҳилол» китобининг иккинчи жузида Фиръавн қиссаси шундай тавсир қилинган: Фиръавн – Мусо алайҳиссалом замонларидаги Миср подшоҳи Минфитоҳ ибн Раъмсисдир. У машҳур бўлиб, ном қозонгандан кейин «Фиръавн» деб номлаганлар. Оллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга Фиръавнни ҳақиқат ва имонга даъват қилишни тайинлаган.

Фиръавн Мусо пайғамбарга ишонмайди. Унга мўъжиза талабини кўяди. Барча сеҳргарларини тўплаб, Мусо алайҳиссалом мўъжизасини йўққа чиқармоқчи бўлади. Сеҳргарлар арқон ва асоларини ташласалар, илон бўлиб кўринади. Мусо алайҳиссалом ҳассасини ташласа, аждар бўлиб, илонларни ютиб юборади. Фиръавн шунда ҳам Мусо пайғамбар йўлига юрмайди. Ўзини худо ўрнига кўяди. Шу қавмдан бўлган йигит уни ўлдиришини билганидаёқ қавмдаги янги туғилган ўғил болаларни ўлдирувчи золимга айланган эди.

У шу қадар манманликка берилган эдики, вазири Ҳомонга буюриб, минора қурдиради, минорага чиқиб, Оллоҳга камондан ўқ узади.

Оқибат, Оллоҳ Мусо алайҳиссалом даъватларига, мўъжизаларига ишонмаган, куфр кетган Фиръавн ва унинг қавмини денгизга ғарқ қилади. Ана энди маълум бўлдики, шеърда номи тилга олинган Фиръавн манман, куфр кетган подшо бўлгани учун унинг, вазирининг ўрни дўзахдадир.

Энди Юсуф масаласига ўтайлик. Энг қадимги манбаларда Юсуф яҳудийларнинг худоси сифатида учрайди. Кейинча у пайғамбар сифатида талқин қилинган. Юсуф ҳақида «Таврот» китобида 13 сатр гап бор. Юсуф ҳақидаги батафсил маълумотлар Қуръони Каримда келтирилган. Қуръонда Юсуф сураси мавжуд бўлиб, у Қуръондаги қиссалар ичида энг каттасидир.

Қуръони Каримнинг Юсуф сураси 3-оятда шундай дейилган: **«Биз Сизга ушбу Қуръон (сураси) ни ваҳий қилишимиз билан бирга гўзал қиссани айтиб берурмиз».**

Юсуф номи Қуръонда 26 марта зикр қилинган. Юсуф ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳимдир. Оналари Роҳил бинти Лобондир. Юсуф сураси бошдан охиригача бошқа нарсаларни аралаштирмай ҳикоя қилинган ягона сурадир. Бу қиссада ҳаёлий гаплар, лирик чекинишлар, бадий тўқималар йўқ. Сурада Яъқубнинг 12 ўғли, улар ичида Юсуфнинг гўзаллиги, маънавий баркамоллиги, акалар ҳасади, унинг қудуққа ташланиши, савдо карвони томонидан қудуқдан чиқиши, қул бозорида сотилиши, Миср вазири хотинининг Юсуфга шайдолиги, Юсуфнинг зиндонга ташланиши, оқибат, сабрли бўлгани учун Оллоҳ инояти билан бахтга эришиши тасвирланган.

Бу сура таъсирида бадий адабиётда кўплаб насрий асарлар, дostonлар яратилган. Барча бадий асарларда Қуръондаги сура асос бўлса-да, шоирларнинг ғоявий ниятидан келиб чиқиб, турлича бадий тўқималар ишлатилган. Бу дostonлар ичида энг машҳури Дурбек номига нисбат берилган дostonдир.

Юсуф номи деярли барча лирик шоирлар шеърларида учрайди. Ҳофиз Шерозий шундай ёзган:

Мен ул Юсуфдаги чексиз гўзалликдан аниқ билдим,  
Чиқармиш ишқ номус пардасидан ул Зулайҳони.

Хоразмий ёзган

Ўғон Юсуф жамолин сиза берди  
Муҳаббат кимёсин биза берди.

Сайфи Саройи ёзган:

Бу кун Юсуф жамолини қилибдир Ҳақ сенга бахшиш,  
На бахшиш, бахшиши давлат, на давлат, давлати маҳвар.

Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. XIV аср ёзувчиси Рабғўзий Юсуф ҳақида «Қиссасул анбиё» китобида катта қисса келтирган. Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» китобида ҳам Юсуф пайғамбар қиссаси берилган.

Ҳ.Кароматов «Қуръон ва ўзбек адабиёти» китобида Дурбекка нисбат берилаётган дoston билан Қуръондаги «Юсуф» сураси ўртасидаги муштарак ва ўзига хос хусусиятларга батафсил тўхтаган<sup>1</sup>.

Аmmo Ҳ.Кароматов XV асрда яратилган бу дostonни Дурбекники деб борган. Бертельс, Фитрат, Маллаев, Ҳайдаров, Кароматов каби олимлар бу дostonни Дурбекники деб қарайдилар. Фозилов, Лафасов, Валихўжаев, Жузжоний сингари олимлар бу дoston Дурбекники эмас, дейдилар. Э.Шодиев эса бу дostonни Навоий номига нисбат беради.

Дoston муаллифи ҳақидаги бундай ҳар хил қарашларнинг сабаби дoston қўлёзмаларининг кўплигидир. Дostonнинг бизгача 9 та қўлёзма нусхаси етиб келган. Булардан 1 таси Францияда, 1 таси Туркияда, 5 таси Тошкентда, 2 таси Самарқандда сақланмоқда.

Одатда, дoston охирида шоир таҳаллуси берилади. Чет элдаги нусхаларда, Самарқанд нусхасининг бирида (булар қадимий нусхалар) дoston охирида шундай байт бор:

Хотирға чу эрди мусаммам бу азм,  
Айлади бу қиссани дар силки назм.

Қолган нусхаларда бундай байт бор:

Хотирға чу эрди мусаммам бу азм,  
Айлади бу қиссани Дурбек назм.

Дoston Дурбекники эмас, дегувчи олимлар фикрича, қадимий нусхалардаги درسلکی (дар слики) сўзлари котиблар томонидан دربک (Дурбек) шаклига келтирилган. Бундан ташқари, шундай катта дoston ёзган Дурбек таҳаллусли шоир бўлганда, унинг бошқа асарлари ҳам бўлиши, XV аср шоири сифатида Навоийнинг «Мажолис-ун нафоис» тазкирасига кирган бўлиши керак эди.

Э.Шодиев бу дostonни Навоийга нисбат берар экан, қуйидаги далилларни келтиради. Навоий «Тарихи ҳукамо ва анбиё» номли китобида Юсуф пайғамбар тарихини берар экан: «Агар умрим вафо

---

<sup>1</sup> Ҳ.Кароматов. «Қуръон ва ўзбек адабиёти», Тошкент, «Фан», 1993.

қилса, Юсуф ҳақида бир дoston битамен», - деган эди. 1469 йили Балхда қўзғолон бўлиб, бу қўзғолонни бостиришга Навоий борган ва шаҳар қамал қилинган, шоир ҳам шаҳар ичида қолган. Бу фактнинг келтирилишидан мақсад шуки, дoston муқаддимасида Балх шаҳри қамали тасвирланган.

Бундан ташқари, Навоий ва Жомий ўртасида яхши маънодаги ижодий «рақобат» бўлган. Жомий «Хамса» сида «Хисрав ва Ширин» дostonи ўрнига, «Юсуф ва Зулайҳо» дostonини ёзган.

Бизнингча, дoston Дурбекники эмаслиги аниқдир. Навоийга нисбат бериш учун эса, аввало, дostonнинг танқидий матнини тайёрлаш, Навоий асарлари тили билан дoston тилини пухта ўрганган, маълум хулосага келиш мумкин.

«Юсуф ва Зулайҳо» дostonи ҳақида гап кетганда яна бир фактни алоҳида таъкидлаш зарур. Кўпчилик илмий манбаларда қаҳрамоннинг руҳ билан учрашуви XVII асрда инглиз драматурги В.Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедиясидан бошланган, деган фикр учрайди.

Ҳолбуки, бу масала XV асрда «Юсуф ва Зулайҳо» дostonида илк бор қўлланган. Дostonда Юсуф савдогарларга кул қилиб сотилган, онаси қабрига боради. Она руҳи қабрдан чиқиб, Юсуф билан суҳбатлашади. Бу усул кейинча Фитратнинг «Абулфайзхон», М.Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедияларида ҳам муваффақиятли қўлланган.

Қуръони Каримда «Юсуф» сураси орқали ака-укалар ўртасидаги мол-дунё, тахт учун курашнинг хунук оқибатлари, сабрни улуғлаш ғоялари берилган. Дoston муаллифи бу ғояларни ифодалаш билан бирга дoston сюжетини ўз замонига боғлайди. Марказлашган давлат учун кураш ғоясини қўшади. Чунки Амир Темур ўлиmidан сўнг унинг кучли давлати парчаланиб, ич-ичидан емирила бошлади. Дoston охирида Юсуф сабрли бўлгани учун Канъон, Миср, Мағриб давлатлари бирлашиб, у подшоҳ бўлади.

Аҳмад Яссавий ўз китобини «Дафтари соний» (иккинчи дафтар) деб атаган. Шоир ўз китобини истиора санъати орқали дафтар деб атамоқда. Мусулмон оламида биринчи китоб – Қуръони Каримдир. Аҳмад Яссавий китоби иккинчи китоб бўла олмайди. Чунки иккинчи китоб Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадислар тўпламидир. Гарчанд

Яссавий асарида Қуръон ва ҳадислар мавзуси акс этган бўлса-да, у учинчи китобдир.

Шоир шеърларининг бирида:

Азозилни от қилиб миндим мано, - деб ёзган.

Азозил ким? Қуръни Каримда баён қилинишича, Оллоҳ фаришталарни нурдан, Одам Атони тупроқдан, Момо Ҳавони Одам Атонинг чап қовурғасидан яратган. Одам Ато ва Момо Ҳавони яратгач, жамики фаришталарга уларга сажда қилишни буюрган. Азозил Оллоҳ амрини бажармай, шайтони лаъинга айланган. У Оллоҳдан қиёматгача тирик қолдиришини, одамларни Оллоҳ йўлидан қайтаражагини айтган. Оллоҳ уни қиёматгача тирик қолдирган.

Шайтон ҳар сонияда одамларни йўлдан уришга, Оллоҳ амр қилган нарсалардан қайтаришга ҳаракат қилади. Одамларни шайтон йўлига етакловчи воситалардан бири нафсдир. Аҳмад Яссавий истиора санъати орқали «Азозилни от қилиб миндим мано» дейиш орқали ўз нафсимдан устун келдим, демоқчи.

Қуръони Каримнинг «Аҳзоб» сурасининг 58-оятда шундай дейилган: **«Мўмин ва мўминаларга, улар бирон нарса қилмасалар ҳам, озор берадиганлар, батаҳқиқ, ўз устларига очик бўхтон ва гуноҳни олган бўладилар».**

Аҳмад Яссавий ана шу оят мазмунидан келиб чиқиб, шундай ёзган:

Суннат эрмиш кофир ўлса, берма озор,  
Кўнгли қаттиқ дил озордин Худо безор.

Мўмин одамки, мўминга озор бериши ҳаромдир. Ҳатто кофирга ҳам озор бермаслик суннатдир.

Машраб бу масалани шундай баён қилган:

Гар қўлингдан келса ҳаргиз мурчани оғритмагил,  
Ҳам Худо бандам демас ҳар кимни дил озордир.

Сайфи Сароий бировларнинг юкини кўтариб, мушкулини осон этган эшакни мардумзорлардан аъло билади:

Эшак ул одамийдин яхшироқ ким,  
Қилур доим кишининг кўнглин озор.

Қуръони Каримда улуғланган инсоний фазилатлардан бири сабрдир. Қуръонда сабр сўзи 70 маротаба учрайди. Жумладан, «Бақара» сурасининг 45-оятида шундай дейилган: **«Сабр ва намоз ила ёрдам сўранг»**. Шу суранинг 153-оятида: **«Эй иймон келтирганлар! Сабр ва намоз ила мадад сўранглар. Албатта, Оллоҳ сабрлилар биландир»**. Оли Имрон сурасининг 146-оятида эса: **«Аллоҳ сабрлиларни севади»**, - дейилган. Шу суранинг 200-оятида: **«Эй иймон келтирганлар! Сабр қилинг. Сабр ила ғолиб келинг»**, - дейилган.

Мумтоз адабиёт вакиллари шунинг учун бу инсоний фазилат ҳақида кўплаб байтлар яратганлар. Ёки юқоридаги Оллоҳ каломлари жуда кўп гўзал байтларнинг юзага келишига асос бўлган.

Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асаридаги ҳар бир нома охирида бир байт айнан қайтариладики, унда сабр улуғланади:

Сабрдин яхши йўқтур пеша қилсам,  
Бу йўлда сабр йўқ андиша қилсам.

Қуръондаги «Юсуф» сурасида ҳам, шу сура асосида яратилган «Юсуф ва Зулайҳо» достонида ҳам сабр улуғланади. Яъқуб Юсуфдан айрилгач, сабр қилади. Юсуф тимсоли эса сабр орқали бахт-саодатга эришишнинг ёрқин мисолидир. Достонда сабрни улуғловчи шундай байт бор:

Сабр қилсанг Тенгри берур коми дил,  
Сабр қилу, сабр қилу, сабр қил.

Алишер Навоий «Маҳбуб-ул қулуб» асарида сабр ҳақида шундай ёзган:

Кимки бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади,  
Бахт анинг нешини нўшу хорини гул айлади.

Бу байтлар бевосита юқоридаги оятлар ғояси асосида юзага келгани шубҳасиздир.

Яна Навоий сабрли киши доди, албатта, Тенгрига етади, деб уқтиради:

Чун бўлди сабур Тенгри додиға етар,  
Собир киши оқибат муродиға етар.

Навоий ижодида сабрни улуғловчи, бесабрликни қораловчи сатрларни кўплаб учратиш мумкин:

Нафс ўтиға сабр ила иморат англа,  
Бесабрликни анинг шарорат англа.  
Шу сабр сари анга ишорат англа,  
Сабрни зафар сори башорат англа.

Муддассир сурасининг 6-оятида шундай дейилган: **«Ва кўп (иш) қилган бўлсанг ҳам, миннат қилма»**. Сайфи Сароий ана шу ғояни «Гулистони бит туркий» асарида шундай ифодалаган:

Ичириб элга қошуқ бирла шўрба,  
Чўмич сопи билан кўзин чиқарма.

Бедил рубоийлари ихтибос санъати асосига қурилган бўлиб, уларда Қуръон оятлари мазмуни маҳорат билан шеърга сингдирилган. Масалан, Исро сурасининг 37-оятида шундай дейилган: **«Ер юзида кибру ҳаво ила юрма»**.

Бедил бу ғояни шундай ифодалайди:

Аф эт халқдан келса яхши-ю ёмон,  
Адоватдан қочиб, роҳат қил, инсон.  
Кибру ҳасад бермас кишига ором,  
Одамни менсимай қувилди шайтон.

Моида сурасининг 90-оятида ҳамр (ичкилик) ифлос экани, шайтоннинг иши экани уқтирилиб, ундан четда бўлиш уқтирилган. Бедил ўз рубоийсида майнинг турли касофатларга асос эканини шундай уқтиради:

Ишрат тузоғидир шиша касофат,  
Қул-қули етказар пайғоми ишрат.  
Маҳмурлик юлдузи ҳар бир томчиси,  
Ҳар мавжи пиёла манглайида хат.

Мумтоз адабиёт вакиллари ичида ўз ҳаёт тарзи, эътиқоди, ижодидаги ғояларга кўра, Машраб ўзига хос ижодкордир. Аввало, онасининг қорнида йиғлаган болага Машраб номи берилади. Унинг исми Бобораҳимдир. Машраб Оппоқхўжа томонидан унга қўйилган лақаб, кейинча тахаллусдир. Бобораҳим Оппоқхўжа билан кўришганда, унинг қалбидаги Оллоҳга бўлган оташин ишқни сезиб, Оппоқхўжа уни Машраб деб атаган.

Машраб шеърларида Қуръони Карим оятлари ғоялари ёрқин ифодаланган. Қуръондан маълумки, Фиръавн мол-дунёсига, шон-шавкатига ишониб, Мусо алайҳиссалом кўп марта даъват этса-да, дин йўлига кирмади. Кибру ҳаво, манманлиги туфайли сувга ғарқ бўлиб ўлди. Шунинг учун Машраб ёзган:

Бошинг гардунга етса, бўлмагил зинҳор хурсанде,  
Ўзингни ҳар хасу хашакдек, эй банда, камтар тут.

Машраб ғазалларида Яссавий, Паҳлавон Маҳмуд шеърларидаги каби нафси жиловлаш ғояси олға сурилади. Ояти карималарда уқтирилишича, энг катта ғазот банданинг ўз нафси устидан ғолиб келишидир. Машраб шундай ёзган:

Нафси саркаш муддаосидин худо берсун паноҳ,  
Бул замона муттакосидин худо берсун паноҳ.

Машрабнинг ояти карималар негизида ёзилган шеърлари шўро даврида бузиб талқин этилди. Айниқса, унинг:

Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак!

Иброҳимдин қолган ул эски дўконни не қилай?

каби шеърлари даҳрийона таҳлил қилинди. Эмиш: «Машраб Маккага боришда ёнингда реал дунёдаги маҳбубанг, шод-хуррамлик берувчи бода-май бўлмаса, Макка сен учун Иброҳимдан қолган эски дўкондир».

Аслида Машраб қалбингда Оллоҳ ишқи бўлмаса, ислом таълимотини билмасанг, унга амал қилмасанг, Макка сен учун Иброҳимдан қолган эски дўкондир, демоқда эди.

Машраб эътиқодидаги, шеърларидаги бир масала билан келишиб бўлмайди. Ҳануз бу масала илмий манбаларда акс этмаган. Бу масала Машрабнинг Оллоҳдан ўзгани тан олмаслигидир. Тўғри, шоирнинг Оппокхўжадан арази бордир. Аммо пайғамбарни, фаришталарни, подшони, азиз авлиёларни тан олмаслиги ояти карималар ғоясига зиддир.

У шундай ёзган:

Бир Худодин ўзгаси барча ғалатдир, Машрабо,

Гул агар бўлса қўлумда, у тиконни на қилай?

Бу масалага оид ояти карималарга қулоқ тутайлик. Нисо сурасининг 59-оятида шундай ёзилган: **«Эй имон келтирганлар! Оллоҳга итоат қилинг, пайғамбарга ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинг»**. Шу суранинг 69-оятида эса бундай деб уқтирилган: **«Ким Оллоҳга ва Расулга итоат қилса, бас ана ўшалар Оллоҳ неъмат берган набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан биргадир»**. 80-оятда эса: **«Ким пайғамбарга итоат қилса, Оллоҳга итоат қилган бўлур»**, - дейилган.

Адабиётдаги абадий мавзулардан бири муҳаббат мавзусидир. Бу мавзунинг асоси ҳам ояти карималарда берилган: **«Ва сизларга сонининг топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратганлиги ва ораларингизда севги ва марҳаматни солиб қўйган (ҳол) унинг оят белгиларидандир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмларга оят-белгилар бордур»**. Демак, муҳаббат – Оллоҳнинг инояти.

Мумтоз адабиётда муҳаббат икки турли бўлади. Биринчиси – ҳақиқий муҳаббат. Бу банданинг Оллоҳга бўлган муҳаббати. Иккинчиси – маъжозий муҳаббат. Бу инсоннинг инсонга бўлган муҳаббатидир.

Сўфи Оллоёр Оллоҳга бўлган муҳаббатни шундай ёзган:

Кел, эй толиб, кўзинг ибрат билан оч,

Муҳаббатсиз кишидан қуш бўлиб қоч.

Муҳаббатсизки бўлди ҳар қаю зот,

Агар фарзанди шириндир, эрур ёт.

Хувайдо Оллоҳнинг бандаларга, хусусан, Муҳаммад алайҳиссаломга бўлган муҳаббатини шундай баён қилади:

Муҳаббатдан Муҳаммад бўлди пайдо

Муҳаббатсиз кишидан қоч, Хувайдо.

Нодира ҳар бир инсон қалбида Оллоҳга, бандага бўлган муҳаббат бўлишини шарт деб билади:

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,

Гар одамсен муҳаббат ихтиёр эт.

## Жаннатий хурлар ва мумтоз адабиётда гўзаллар тасвири

Қуръони Каримда бу дунёда Оллоҳ буюрган амалларни бажарган бандалар учун нариги дунёда жуда катта мукофотлар борлиги, аксинча, Оллоҳ буюрган амалларни қилмаганлар учун даҳшатли дўзах азоби борлиги аниқ келтирилган.

Ар-Раҳмон сурасининг 46-оятида шундай дейилган: **«Роббиси хузурида туришдан қўрққанлар учун икки жаннат бор».**

Қиёмат куни Парвардигори оламнинг хузурида саволларга жавоб беришдан, ҳисоб-китоб мақомидан қўрқиб, тириклигидаёқ тайёргарлик кўриб, яхшилиқ билан кун кечирганларга икки жаннат бор экан.

«Икки жаннат»нинг бир неча шарҳлари бор, жумладан, инсонларга алоҳида жаннат, жинларга алоҳида жаннат ёки икковларидан ҳар бирларига иккитадан жаннат, гуноҳкорлар жаҳаннам билан ўта қайноқ сув ўртасида айлансалар, тақводорлар биринчи жаннатлари, иккинчи жаннатлари орасида сайр қилиб юрадилар. У иккала жаннат сердарахт бўлиб, шох-новдаларида мевалар сероб ва соя-салқин манбаидир.

Жаннатийлар ичишлари учун ва дарахтлар тагидан оқиб туриши учун мазкур икки жаннатда оқувчи икки булоқ бўлиб, уларда сув сероб бўлади (50-оят).

Жаннат аҳли ипак астарли тўшакларга ёнбошлаган ҳолда истироҳатда бўлар эканлар. Жаннат ичидаги икки боғнинг мевалари уларга яқин бўлиб, ўтирган ҳам, турган ҳам, ёнбошлаган ҳам қийналмасдан узиб, баҳам кўраверар экан (54-оят).

Ар-Роҳмон сурасида жаннатнинг ана шундай тасвиридан сўнг жаннатийлар учун тайёрланган хурлар, уларнинг жуфтлари ҳақида маълумотлар берилади. Адабиётдаги маъшуқа гўзаллиги (ички ва ташқи гўзаллик) манбаи шу ердан олингандир. Жаннатий хурлар ҳақидаги тасвирларни кўздан кечирайлик.

Шу суранинг 56-оятида шундай дейилган: **«Уларда кўзлари тийилган, аввал инс ҳам жинс ҳам тегмаган (хур) лар бор».**

У тўшакларда жаннат аҳли учун тайёрланган хурлар бор. Улар афифа бўлиб, ўзларига соҳиб бўлган жаннатий шахсдан ўзгага кўз тикмайдилар, хаёллари ҳам бошқа ёққа кетмайди. Шу билан бирга,

улар мастура бўлиб, ўзларига соҳиб бўлган жаннатий шахсдан аввал бирорта жиннинг ҳам, инсоннинг ҳам қўли тегмаган. Бу ояти каримада хурларнинг ички гўзаллиги, маънавий олами тасвирланмоқда.

58-оятда шундай дейилган: **«У (хур) лар худди ёқут ва маржонга ўхшарлар»**. Кейинроқ бу масалага яна қайтамиз. Ҳозирча шуни таъкидлаш зарурки, энди хурларнинг ташқи гўзаллиги тасвирланмоқда. Мумтоз адабиётдаги шоирлар гўзалнинг тишларини ёқут ва маржонга ўхшатадилар. Жаннатий хурлар эса ўзлари ёқут ёки маржондандир.

72-оятда шундай дейилган: **«Чодирларини лозим тутган хурлар бор. Яъни ўз эгаларидан бошқани кўзламайдиган, ўз масканларидан бошқа ёққа чиқмайдиган вафодор хурлар бор»**.

Хурлар портретига чизгилар Воқиъа сурасида ҳам давом этади: **«Яна кўзи гўзал хурлар бор»**. **«Мисоли яширилган дур каби»** (22-23-оятлар). Хурларнинг **«Яширилган дур каби»** сифатланиши дурнинг энг яхшиси садафдан янги чиққани, ҳали ҳеч кимнинг қўли тегмаганидир. Шу суранинг 36-оятида: **«Бас, уларни бокира қизлар қилиб қўйдик»**, - дейилган.

Набаъ сурасининг 33-оятида: **«Ва янги бўйи етган бир хил ёшдаги қизлар бордир»**, - дейилган.

Соффаат сурасининг 48, 49-оятларида хурлар тасвирига оид шундай маълумотларни ўқиймиз: **«Одиларида кўзларини (бегоналардан) тийгувчи шахло кўзлилар бордир. Улар худди асраб қўйилган тухумга ўхшарлар»**.

Тур сурасининг 20-оятида шундай дейилган: **«Улар қатор тизилган сўриларга ёнбошлаган ҳолдалар. Ва уларни гўзал кўзли хурларга уйлаб қўйганмиз»**. Оятдаги **«Хури ийнлар»** жаннат хурлари бўлиб, баданлари оппоқ, кўзлари катта-катта ва гўзал бўлгани учун улар шундай деб ном олганлар.

Қуръони Каримдаги ҳар оят, ҳар жумла, ҳатто, бир ҳарф бутун китобларга, шеърларга асос бўлгани каби жаннатдаги хурлар тасвири адабиётдаги шоирларга бир олам илҳом берган, улар ёр тасвирида бир-биридан ўзиб сўз айтишга ҳаракат қилганлар.

Мумтоз шоирлар шеърларини кузатиш шуни кўрсатадики, улар тасвиридаги гўзал баркамол гўзал бўлиши учун юзи оқ, қош-кўзи

қора, сочи узун, оғзи кичик, бели нозик, қабоқлари кенг бўлиши зарурдир.

Адабиётда кам ўрганилган Хусайний ижоди мисолида ёр портрети қандай тасвирланганини кўздан кечирайлик. Шоир ғазал таркибидаги байтларда маъшуқа портретига оид бирор аъзо ҳақида гўзал фикрлар баён қилса, айрим ғазаллари бошдан-оёқ маъшуқа жамоли тасвирига бағишланган. «Лаъл узра сабзай», «Ғунчани оғзинг десам», «Ул саводи хат ичинда» каби ғазаллари маъшуқа портрети тасвирига бағишлангандир.

Хусайний талқинидаги маъшуқа ўзгача хусн ва тароватга, ўзгача куч-қудратга эгадир. Мумтоз адабиётда ёр лабининг, сўзининг қудратбахшлигини таърифлаш учун ёрни Масихга қиёс қиладилар. Хусайний таърифидаги маъшуқа қудрати олдида Масих қудрати ҳеч нарса эмас:

Ғар Масих умрида тиргузди бир неча ўлик  
Дилбарим юз минг ўликни тиргузур гуфтор аро.

Аввало, байт таркибида Масих тимсолини келтириш талмеҳ санъати бўлса, энг муҳими, шоир дилбари Масих сингари бир неча ўликни эмас, ўн эмас, юз эмас, минг эмас, ўн минг эмас, юз минг ўликни сўзлаб туриб тирилтириб юборади. Бу санъат муболағанинг иғроқ шаклидир.

Улусга шоҳ бўлган Хусайнийни чоқар қилган маъшуқа шакл-шамойили, жамоли тасвирини бир жойга жамласак, шоҳларни ҳам чоқар қилувчи малак сиймо кўз олдимизда намоён бўлади. Маъшуқа жамоли тасвиридаги зулф ва юз Хусайний лирикасида қандай жило топганини кўздан кечирайлик.

Туну кун «вал-лайли ваш-шамс» оятин васфинг аро  
Нозил этса йўқ ажаб зулфу юзунг шонида чарх.

Мазкур байтда шоир ихтибос санъатини қўллаган. Бу санъат моҳияти шундаки, Қуръон ёки ҳадисда айтилган фикрларни Қуръон ёки ҳадисдан олинганига ишора қилмай, шеърда ишлатишдан иборат. Байтда сенинг зулфинг ва юзинг шаънида уларнинг туну кун

васфи учун «вал-лайли ваш шамс» оятини нозил этган бўлса ажаб эмасдир, дейилмоқда. «Вал лайли ваш шамс» оятлари Қуръонда мавжуд бўлиб, «Вал лайли» оятида кечага қасам билан сўз борса, «Ваш шамс» оятида эса қуёшга қасам билан фикр баён қилинади.

Ҳусайний бу оятларни келтирар экан, кеча, туннинг қоралигини ёр зулфига боғласа, қуёшнинг мунавварлигини ёр юзига нисбат этади. Соч ҳам қора, тун ҳам қора, қуёш эса ёруғ, ер юзи ҳам равшан. Бу ерда таносуб санъати юзага келмоқда.

Соябони зулф икки ойдек юзига ёпилур,  
Сарсари оҳимдин ул гоҳ ёпилур, гоҳ очилур.

Байтда зулфнинг соябон экани, ёрнинг ойдек юзига ёпиниб туриши, аммо ошиқнинг бетиним оҳидин ул юз гоҳ очилиши, гоҳ ёпилиши баён қилинган. Мазкур байтда ташбеҳ (ойдек), муболаға (юзнинг оҳдин очилиб, ёпилиши), тазод (очилиш ва ёпилиш), тавзеъ («р» ундоши беш жойда келмоқда) санъатлари ишлатилган.

Ҳусайнийнинг «Ой юзингдек кўрмайин» мисраси билан бошланувчи ғазали якпора ғазал бўлиб, фақат ёр юзи васфига бағишланган. Унда таъкидланишича, гарчанд Юсуфнинг қимматини белгилаш учун унинг вазнига тенг олтин билан ўлчаган бўлсалар, шоир тасвиридаги гўзал юзи шу қадар зебоки, чарх ҳусн мезонида уни Юсуфдан ортиқ кўради:

Чектилар Юсуфни гар ўз вазнича олтин била  
Они ҳаргиз сенга тутмас ҳусн мезонида чарх.

Байтдаги гўзаллик рамзи Юсуф номи ишлатилиши талмеҳ санъати бўлса, ёр жамолини ундан ортиқ тасвирланиши муболағанинг ифрок шаклидир.

Кўпчилик шоирлар ёр юзини ойга ўхшатсалар, айрим шоирлар ёр юзини ойга ўхшатмайдилар: ойнинг юзида доғ бор. Бу доғ ойга ҳазрати Жаброил қанотини урганда, қаноти теккан жой қорайиб қолган.

Саккокий, Лутфийлар ёр юзини ойга ўхшатмайдилар:

Жамолингким тажалли кўзгусидир,  
Қаро тамғалик ой бир хиндусидир.

Ойдир сенинг олингда бу кун бир хабаший кул  
Тонса юзида зоҳир ўлур доғи нишони.

Хусайний ёр юзи, зулфи тасвирида анъанавий ўхшатишлардан  
ҳам кенг фойдаланган:

Сарву сунбул бирла гул васфидурур ул саҳфада  
Қадду, зулфу, оразинг ёди билан очсам китоб.

Ёр қадди сарв, зулфи сунбул, юзи гул экани айтилмоқдаки, бу  
байтда лаф ва нашр санъатининг мураттаб шаклидан  
фойдаланилмоқда.

Шоирнинг «Йўқ» радифли ғазали юз, зулф, қад тасвирига  
бағишланган бўлиб, у ерда яна бир аъзо – лаб ҳақида ҳам сўз боради.

Ғазалда ёр оғзи ғунчадан аъло, чунки ғунча сўзлай олмайди,  
қадди сарвдан ортиқ, чунки сарф ҳаракат қила олмайди. Хусн бобида  
ой ҳам сенинг олдиндан ўта берсин, чунки сарвдек қадди, гул каби  
руҳсори йўқ. Сунбулни зулфинга ўхшатмайман, чунки унинг  
«дилосо атри» ю, «жон ипидин тори» йўқ. Ёқут лабинг олдида ҳеч  
нарса эмас, чунки унинг чучук таъмига жон бағишлаш хусусияти  
йўқ.

Ғунчани оғзинг десам, найлай анинг гуфтори йўқ,  
Сарвни қаддинг десам, нетай анинг рафтори йўқ.  
Ойни не янглиғ сенга нисбат қилурким, хусн аро  
Сарвдек ҳам қадди йўқ, ҳам гул каби руҳсори йўқ.  
Зулфунга сунбулни не навъ айлагай ташбеҳким  
Ҳам дилосо атри йўқ, ҳам жон риштасидек тори йўқ.  
Айта олмон лаълингга ёқут ўхшарким онинг  
Ҳам чучук таъмию ҳам жонбахшлик осори йўқ.

Мана, юз, зулф, қад тасвирига лаб тасвири ҳам қўшилади:

Сарв узра гул кўрмаган бўлсин қади юзини кўр,  
Жони ширин истасанг лаъли шакар бориға боқ.

«Жони ширин», «шакарбор» лабни шоир яна қандай мадҳ этади? Ёр дудоғи қудрати олдида оби ҳаёт шарманда, Исо дам урмоғи уётдир.

Эй дудоғинг шарбати шармандаси оби ҳаёт  
Нутқини олида эрур Исоға дам урмоқ уёт.

Лаб ҳақида гап борар экан, албатта, маъшуқа лаби устидаги тукчалар – хат ҳақида сўз юритилади. Ҳусайний ёр хатини янги ўсиб чиққан майсага ўхшатади: «Лаъли узра сабзай намудориға боқ». Мушкин хатни райҳонга қиёслайди: «Ё мушки мусхафми они хатти райҳонму дейин». Хатнинг лаб устида туриши гўё оби ҳайвон устига Хизр соя солганга ўхшайди:

Сабзай хаттин саводи лаъли хандон устина  
Хизр гўё соя солмиш оий ҳайвон устина.

Шоирнинг бир ғазали тамомила хат мадҳига бағишланган. Унга боғлиқ равишда ёр портретидаги бошқа атамалар ҳам рангин бўёқларда ифода қилинган.

Мушкбу хаттинму дей, ё лаъли дурборинму дей?  
Юзи имонинму дей, ё зулфи зунноринму дей?  
Кавсари лаълинму айтай, йўқса хаттидин онинг  
Теграсида сабзай жаннат намударинму дей?  
Сабзай гулдек хатти бирла юзинму шарх этай  
Сабзай гулдин безанган боғи рухсоринму дей?  
Риштай жон бирла ҳайвон суйидинг сўрдинг хабар  
Белининг торинму айтай, лаъли гуфторинму дей?

Кўринадики, Ҳусайний хат олдидан сабза, райҳон, мушкин, Хизр сояси сингари сифатловчиларни келтириб, хатнинг бутун гўзаллигини ёрқин ифода этмоқда. Шоир маъшуканинг лаби устида

холи борлигини айтиб, уни сўз ўйинларига йўғриб, гўзал қилиб тасвирлайди. У ёр холига диққат тортиш учун тожохилу орифона санъатидан, ташбеҳ санъатидан фойдаланган:

Нуктадир ё холи мушкин, ул лаби майгун уза  
Ё анга ўхшарки, қўнгай шакар устига чибин.

Ёрнинг лаби устидаги холи ҳақида кўп шеърлар ёзилган. Навоий лаб сўзининг араб ҳарфлари орқали ёзилишидан келиб чиқиб, шундай гўзал байт яратган:

Нуктаи холинг нечун ширин лабинг устидадир  
Нукта чун остин бўлур ҳар қайдаким ёзилса лаб.

Бу масала Фурқатга ҳам завқ берган. Шоир бу масалани диалог шаклига солиб, юмор туйғуси билан йўғрийди:

«Нукта лаб устида бежодур», - дедим, айди кулиб  
«Саҳв қилмиш котиби қудрат магар таҳририда».

Китобат санъати ифодаланган бу байтлар Эркин Воҳидовга ҳам илҳом берган:

Нуктадек бир холи бормиш ғунча лабнинг устида  
Ул бири ошкор эмишу ул бири пинҳон эмиш.

Шоирлар маъшуқа холини лаб устида, остида эканини, қора эканини кўп ёзишган. Аммо рангсиз хол ҳақида жуда кам ёзилган. Хусайний таърифидаги маъшуқанинг рангсиз холи бор. Шоир бундан фойдаланиб, ўз фидойилигини шундай тасвирлайди:

Рангсиз холин бўярга ҳал қилай кўз мардумин  
Суртгамен шоядки ушбу рав ила холингга кўз.

Хол қора бўлмоғи керак, маъшуқа холи эса рангсиздир. Уни қора рангга бўяш учун ошиқ кўз қорачиғини эзиб, ранг қилиб

бормоқчики, шояд шу баҳона ошиқ кўзини ёр холига суркаб олишга муяссар бўлар...

Ана шу тарзда шоирлар Қуръони Каримдаги ҳурлар тасвиридан таъсирланиб, маъшуқани муболағали воситалар орқали ким ўзарга мадҳ этадилар. Мана мисоллар. Ёр бели тасвирида Лутфий шундай ёзган:

Нозиклик ичра белича йўқ тори гесеу  
Ўз ҳаддини билиб ўлтирур белидин қуйи.

Нозикликда бир ўрим соч белдан катта бўлгани учун ўз ўрнини билиб, белдан пастда турганмиш. Демак, маъшуқа бели бир ўрим сочдан ҳам нозик экан!

Хоразмий ёр белини бундан-да нозик мадҳ этиб таърифлаган:

Бўйинг сарву санубартек белинг-қил  
Вафо қилган кишиларга вафо қил.

Ёр бели қилча экан, бели қилча бўлган маъшуқанинг ўзи қандай экан?! Шошилманг, бундан-да муболағали тасвир бор:

Қилни икки ёрмишу қилмиш азалда бир қалам  
Белингиз тасвирини қилғонда наққошин, бегим.

Отый маъшуқаси белини чизмоқчи бўлган рассом қилни иккига бўлиб чизиши керак, қилнинг ўзи билан чизса бел катта бўлиб қолар эмиш...

Шоирлар ёр оғзининг кичиклигини тасвирлашда ҳам ана шундай йўлдан боришган. Бу масалани Лутфий шундай ёзган:

Ҳайратқа қолиб писта оғиз очди-ю қолди  
Мажлисида чу оғзинг соридин кечди ҳикоят.

Шоирлар ёр оғзини пистага ўхшатадилар. Лутфий тасвиридаги маъшуқа оғзи ҳақида сўз кетган экан, писта оғзини очганча қолибди. Демак, бу маъшуқа оғзи пистадан ҳам кичик экан-да?!

Ототий бу борада ҳамма шоирдан ўтказиб сўз айтган:

Юрарда энг билан оғзингни тўсма  
Нимаики йўқ эрур яширмоғинг не?

Навоийда ҳам шундай фикр бор:

Бели оғзидан дедиларки дегил афсонае  
Бошладим филҳолким: «Бир бор экан, бир йўқ экан».

Қуръони Каримдаги ҳурлар ташқи кўриниш билан, ички олами билан ҳам баркамол ёрлардир. Мумтоз адабиётда куйланган маъшуқалар ташқи гўзаллиги ички оламига мос келмайди.

Мана мисоллар.

Хоразмий ёзади:

Айт, эй меҳринг оз, ишванг фаровон  
Нетар ул оғизда мунча кўп **ёлғон**.

Ототий ёзади:

**Вафосиз** дилрабодин Тенгри безор  
Агар ҳусн ичра жаннат ҳури бўлса.

Лутфий ёзади:

Чун **вафосиз**ларга бермишлар азалдин кўркни  
Бу камоли ҳусн ила қайдан вафо бўлсин сенга.

Навоий ёзади:

Лаҳза-лаҳза чиқдиму чекдим йўлида интизор  
Келди жон оғимаи ул **шўхи бадҳу** келмади.

Мумтоз адабиётда маъшуқа тимсоли деярли барча шоирларда жафокор, ёлғончи, бевафо тарзида тасвирланади. Мумтоз шоирлар лирикаси таҳлил қилинган ишларни кўздан кечирсак, бир шоир ижодидаги маъшуқа портрети ва характери тўла жамланган ишларни кўрмаймиз. Агарда бирор шоир ижодидаги маъшуқага нисбатан айтилган фикрлар жамланса, у қандай бўлар эди?

Бу ҳолатни Мақсуд Шайхзода шундай қайд этган: «Агар классик лирикадаги маъшуқа (севилувчи) образининг барча характерли сифатларини бир жойга тўпласангиз, сизни даҳшат босади. Кўзингиз олдида бир дилбар пайдо бўладики, унинг қилиб турган иши зулм, ситамгарлик, бешафқатлик.

Кўзингиз олдида шундай бир жонон жилванадикки, у ўз хоҳишига қараб, бир мамлакатни барбод бериш мумкин. У бепарво, ёлғончи, қасамбузар, гиначи. Ниҳоят, ошиқона ғазаллар сизга очиб берган дилбар худком, кўпол, бадмуомала, доимо сизни хор, рақибларни азиз қилиб келган маккор инсондир...»

Жаннатий хурлар эса ҳам ботиний, ҳам зоҳирий жиҳатлари билан аъло даражадаги хурлардир.

## Х У Л О С А

Ўз бағрига олам-олам диний, фалсафий, умуминсоний ғояларни жо этган Қуръони Карим дунёдаги барча китобларнинг энг олийси, энг мўътабаридир. Қуръони Каримда табиат ва жамиятга оид барча ҳодисалар, уларнинг ўзаро муносабати, ривожи, ибтидо ва интиҳоси аниқ ва тиниқ ифода қилинган.

Исро сурасининг 12-оятида Оллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган: **«Барча нарсани батафсил баён қилиб қўйганмиз».**

Қуръоннинг барча китоблардан афзал эканининг бош сабаби шундаки, барча китоблар инсоннинг илмий ва бадий тафаккури маҳсули бўлса, Қуръон Оллоҳнинг ижоди, каломидир. Инсон билим ва тажрибада нечоғлик зўр бўлмасин, у Оллоҳ олдида ожиздир.

Қуръони Карим барча диний китоблардан ҳам аълосидир. Чунки бошқа диний китобларнинг ворислари ўз китоблари, динлари ҳақида ихтилофга тушганлар. Улар китобларига ҳам, динларига ҳам ўзгартиришлар киритганлар. Қуръон эса бир ҳарфи ҳам ўзгармай, собит ва абадий мўъжиза бўлиб турибди.

Зухруф сурасининг 4-оятида Оллоҳ таоло шундай деган: **«Албатта, у ҳузуримдаги она китобдир, у олийдир, ҳикматлидир».**

Билим ва тажриба ортган сари Қуръонга яқинлашиш, унинг бағридаги сир-синоатларни кашф этиш, унинг илоҳий мўъжиза эканини англаш кучайиб бормоқда. Ҳатто бошқа динларга мансуб кишиларнинг Қуръон мўъжизаларини англаб, ислом динига ўтаётгани ҳам Қуръони Каримнинг буюк китоб эканини исботлайди.

Жак Ив Кустонинг чучук ва шўр сувларнинг аралашмаслик қонуниятларини ўрганиб, бу масала 1400 йил аввал Қуръоннинг Фурқон сурасининг 53-оятида айтиб қўйилганини англагач, имон келтириб, ислом динига ўтиши бунинг ибратли намунасидир.

Қуръони Каримни айрим илмий манбаларда насрда битилган, деган фикр учрайди. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф таъкидлаганидек, Қуръон назм ҳам эмас, наср ҳам эмас, Қуръондир. Чунки назм ва наср терминлари бадий асарларга нисбатан ишлатилади. Бадий асарларда бадий тўқима мавжуд бўлади. Қуръон эса бундан истиснодир.

Намл сурасининг 6-оятида шундай дейилган: **«Албатта, Сенга бу Қуръон ўта ҳикматли ва ўта илмли Зот томонидан берилур»**. Демак, Қуръон табиат ва жамиятнинг ибтидосидан тортиб, интиҳосигача мукаммал кўрсатилган илмий асардир.

Қуръони Карим қомусий мазмунга эга китобдир. Унда барча фанларнинг асослари, илдилари ўз ифодасини топган. Жумладан, адабиёт назарияси, бадиий адабиётнинг ривожига асос берадиган маъно ва мазмун Қуръонда мавжуддир.

Адабиёт назариясининг туб масалалари: мазмун ва шакл муносабати, ғоя, сюжет ва фабула, композиция, конфликт, шеърий санъатлар каби масалаларнинг асоси Қуръонда мавжуддир.

Қуръонда берилган пайғамбарлар тарихи не-не насрий, назмий асарларнинг майдонга келишига йўл очди. Улуғ аждодларимизнинг ҳаёт ва ижод йўллари Қуръон ғоялари асосига қурилгани ибратлидир. Қуръондаги жаннатий ҳурлар тасвири мумтоз адабиётдаги гўзаллар тасвирига асос бўлса, ҳар бир шоир Қуръон ғояларини ўз асарларида ўз имконият доирасида қуйлаб ўтди.

Истиқлол берган имкониятдан фойдаланиб, Қуръонни ўқиш, уқиш, уни ҳаётга тадбиқ этиш ҳамманинг кечиктириб бўлмас вазифасидир. Пайғамбаримиз уқтирганидек: **«Ким Оллоҳнинг каломидан бир ҳарф ўқиса, унга ўша учун яхшилик ёзилур»**. Чунки Қуръон Исро сурасининг 9-оятида таъкидлаганидек: **«Албатта, бу Қуръон энг тўғри йўлга ҳидоят қилур ва яхши амалларни қилувчи мўминларга, албатта, ўшаларга, улуғ ажр борлиги хушхабарини берур»**.

Барчамизга Қуръон ўқиш имконини берган истиқлол ғалабалари абадий бўлсин. Унинг тантанаси учун курашиш ҳар биримизга насиб этсин. Ассалому алайкум вароҳматуллоҳи вабарокату.

## М У Н Д А Р И Ж А

I.	Қуръон – илоҳий мўъжиза -----	3
II.	Қуръони Каримда адабиёт назариясига оид маълумотлар -----	7
III.	Қуръонда берилган пайғамбарлар ва уларнинг бадий адабиётдаги талқини -----	25
IV.	Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳаётининг бадий адабиётдаги талқини -----	42
V.	Қуръон ғояларининг бадий адабиётга таъсири -----	62
	1. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига Қуръон ғояларининг таъсири -----	62
	2. Бобурнинг ҳаёт ва ижодига Қуръон ояти карималарининг таъсири -----	77
	3. Бошқа шоирлар ижодида Қуръоний ғоялар ифодаси -----	84
	4. Жаннатий ҳурлар ва мумтоз адабиётдаги гўзаллар тасвири -----	95
VI.	Хулоса -----	105



Баҳром Жалилов – Андижон Давлат Университети ўзбек адабиёти кафедрасининг доценти. У «Мерос ва ихлос», «Ажиб дунё», «Мозий ва бугун», «Мумтоз адабиёт поэтикаси», «Бобур маҳорати», «Бобур», «Навой ва Бобур», «Султон Ҳусайн Бойқаро», «Ўзбек драматургияси поэтикаси», «Истиқлол ва ўзбек драматургияси масалалари», «Мактабда драматик асарларни ўрганиш», «Бадий ўқиш сирлари», «Ўзбек адабиёти» номли китоблар яратган. Унинг матбуотда юздан ортиқ илмий мақолалари эълон қилинган.

Баҳром Жалилов «Филология», «Тарих-филология» факультетлари декани, ўқув ишлари бўйича ректор ўринбосари, ректор вазифаларида ишлаган.